

ISSN 2181-8738

# ВОДИЙНОМА

ИЮЛЬ-СЕНТЯБРЬ  
2022 ЙИЛ  
№3 (26)



## «ВОДИЙНОМА»

(Тарихий мерос)

Ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал  
2022 йил №3 (26)

**Муассис:** «Мерос» халқаро илмий-амалий  
экспедиция жамоат фонди

**Ҳамкоримиз:** Андижон давлат университети

### Бош мұхаррір:

Рустамбек Шамсұтдинов

### Бош мұхаррір ўринбосари:

Абдулла Шаропов

### Таҳрір ҳайъаты:

Акрамжон Юлдашев – б.ф.д., профессор  
Абдулла Расупов – т.ф.д., профессор  
Жамшид Жұразода – т.ф.д., профессор  
Кудияров Алишер – т.ф.н., доцент  
Мамбет Қойғелдиев – т.ф.д., ақадемик  
Мұхаммаджон Алиқожиев – т.ф.н., доцент  
Мирсадик Исхоков – т.ф.д., профессор  
Наим Каримов – ф.ф.д., ақадемик  
Нурмонжон Рафуров – т.ф.д., профессор  
Улугбек Абдуллаев – т.ф.д., профессор  
Әрғаш Юсупов – т.ф.н., доцент  
Шүхрат Ризаев – ф.ф.н., доцент

### Масъул котиб:

Шүхрат Қаҳхоров

### Техник мұхаррір:

Азизбек Маҳкамов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги  
томонидан 2018 йил 5 июнда № 0975 рақам  
билин рўйхатга олинган.

Нашр индекси: 170112

Нашр учун масъул: Р.Т.Шамсұтдинов

Таҳририят манзили: 170100, Андижон шаҳри  
Университет кӯчаси 129-йи.

Телефон: (99890) 253-26-32

Факс: (99874) 223-83-52.

Почта: vodiynoma@mail.ru

Босишига рухсат этилди: 23.12.2021 й  
Қоғоз бичими 60x84 1/8. Босма тобоби: 13,5  
Оффсет босма. Оффсет қоғози. Адади: 400 дона.

Баҳоси келишилган нархда. Буюртма № 3

Чоп этилган мақолаларда билдирилган фикр-  
мулоҳазалар таҳририят нұктай назарига мос  
кеңмаслиги мумкин. Көлтирилган факт ва  
рақамларнинг аниқ ва холислиги учун муаллиф  
жавобгар ҳисобланади.

Муқова дизайнін ва оригинал макет «Akademnashr NMM» МЧЖ томонидан тайёрланған.

«Akademnashr» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Сўғалли ота  
кӯчаси 5-йи.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси хузуридаги Олий Аттестация  
Комиссияси раёсатининг 2017 йил 29 мартағи  
239/5-сонли қарори билан Тарих фанлари бўйича  
илмий журналлар рўйхатига кириллган.

## МУНДАРИЖА

### ТАРИХШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК МУАММОЛАРИ

**Р.Т.Шамсұтдинов, Бахтиёр Алимов**

Туркистан, Хоразм ва Бухоро тарихига оид мұхим манба ..... 2

### ҲУЖЖАТЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР

**Р.Т.Шамсұтдинов, М.Худоёров, А.Маҳкамов**

Улар Сталин қабулида бўлган эдилар ..... 30

**(руссдан ўзбекчага Фахриддин Убайдуллаев таржимаси)**

Туркистондаги босмачилик ҳаракати ҳақида ..... 37

**(руссдан ўзбекчага М.Худоёров таржимаси)**

ГПУ шарқий бўлими бошлиғи Я.Петерснинг “Ўрта Осиёда босмачилик  
ҳаракати ва унга қарши кураш” ҳақидаги ёзма доклади ..... 51

**Абдураҳим Юсуфзода, Бухоро Ҳалқ Совет Республикасининг**

**СССР ҳукумати хузуридаги мухтор вакили**

Бухоро ..... 58

### КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ, ҚУЛОҚЛАШТИРИШ, СУРГУН ОҚИБАТЛАРИ

**Ш.Темиров, Д.Хомидов**

Ўрта Осиёлик сургун қилинганларнинг Украинада «катта  
террор» домига тортилиши ..... 63

### «КАТТА ТЕРРОР» ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФОЖИАЛИ ОҚИБАТЛАРИ

**Р.Р.Шамситдинов**

Маърифат жонкуяри Мажид Қодиров – қатағон қурбони ..... 82

### МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИ

**Ирода Бозорова**

Мустақиллик йилларида Андижон, Фарғона, Наманган  
вилоятларининг таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги ..... 86

### ТАЪЛИМ ВА ИЛМ ФИДОЙЛАРИ ТАРИХИДАН

**Н.Маҳмудов, Ш.Искандарова, М.Сайдхонов**

Буюқ тилшунос олим ..... 93

**Сулаймон Иноятов**

Забардаст муаррих, юксак фазилат соҳиби ..... 98

### ТАҢҚИД ВА ТАҚРИЗ (КРИТИКА И БИБЛИОГРАФИЯ)

**Тынчтықбек Чоротегин (Чороев)**

Критический взгляд на проект школьного учебника профессоров

Д.К.Қыдырали и г.Б.Бабаярова «общая тюркская история» (2022) ..... 102



# ТУРКИСТОН, ХОРАЗМ ВА БУХОРО ТАРИХИГА ОИД МУҲИМ МАНБА

Р.Т.Шамсутдинов, Бахтиёр Алимов

*РКП (б) Марказий Комитетининг миллий республикалар ва областлар масъул ходимлари билан ўтказган тўртинчи кенгаши (1923 йил 8 – 12 июнъ) материаллари асосида.*

Совет даврига оид тарихий воқеаларни акс эттирувчи ҳужжат ва материалларнинг катта қисми устига «махфий», «мутлақо маҳфий» грифлари қўйилиб, тадқиқотчиларнинг улардан фойдаланиши тақиқланган эди. Оқибатда халқимиз орасидан етишиб чиқсан миллий арбобларнинг зулм ва истибоддага қарши олиб борган матонатли кураши, бу курашда эришган ютуқлари, ачинарли, аламли тақдиди етарли даражада ўрганилмади. Асл



Професор Булат Файзрахманович Султанбеков манбалар, ноёб ҳужжат ва материаллар, мемуар ва эсдаликлар илмий истеъмолга кири-

тилмай қолди. Бу ўринда биргина ҳозиргача ўзбек тарихшунослигида тадқиқ этилмаган «**РКП (б) Марказий Комитетининг миллий республикалар ва областлар масъул ходимлари билан ўтказган тўртинчи кенгаши (1923 йил 8 – 12 июнъ)**» номли манбани кўрсатишнинг ўзи кифоя қиласи. Кенгаш материаларида Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларида 1917 – 1923 йилларда юз берган тарихий воқеалар, таниқли давлат ва жамоат арбоблари ҳаёти ва фаолиятига оид ноёб ҳодисалар тафсилоти берилган эди. Совет империяси қулагандан сўнггина Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихига бевосита дахлдор бўлган юқорида қайд этилган кенгаш материаларидан фойдаланиш имконияти юзага келди. Татаристонлик тарихчи олим, профессор Булат Султанбековнинг 1992 илии Москвадаги «ИНСАН» нашриётида чоп этилган «**ТАЙНЫ НАЦИОНАЛНОЙ ПОЛИТИКИ ЦК РКП. СТЕНОГРАФИЧЕСКИЙ ОТЧЁТ СЕКРЕТНОГО IV СОВЕЩАНИЯ ЦК РКП. 1923 Г.**» номли китобида бу ҳужжатлар илк бор тадқиқот манбаига айланди. Китоб нашрдан чиққанига зо йил бўлганига қарамай, Ўзбекистондаги



аксарият тарихчилар юртимиз тарихига бевосита дахлдор бўлган бу қимматли манбадан бебаҳра бўлиб келмоқдалар. Ўзбекистоннинг совет даври тарихи бўйича ёзилган, эълон қилинган диссертациялар, монографиялар, хужжат ва материаллар тўпламларининг биронтасида ундан фойдаланилмаган.

Ана шу бўшлиқни тўлдириш мақсадида «Водийнома» журнали таҳририяти ўша кенгашда илгари сурилган айрим масалаларни ўзбек тилида эълон қилишни маъқул кўрди. Ўйлаймизки, 1917 – 1923 йиллардаги тарихий воқеаларнинг айрим қирраларини ёритишида кенгаш материаллари муҳим манба бўлиб хизмат қиласи.

Кенгашни чақириш тўғрисидаги қарор 1923 йил май охирида қабул қилинган. Кенгаш 9 июнь кечаси очилиб, 12 июнь кечаси тугалланган. Еттита йиғилиш ўтказилган, иккита масала кўрилган. Биринчисида Султон Галиев иши тўғрисидаги масала, иккинчисида РКП (б) XII съездида кўтарилигани миллий масала юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар кўриб чиқилган ва тегишли қарорлар қабул қилинган. Кенгашда СССРнинг барча республикалари ва миллий областларидан 58 киши қатнашган. Шундан 24 киши РКП (б) Марказий Комитети аъзолари ва аъзоликка номзодлар, 6 киши Марказий назорат комиссияси, Миллатлар иши халқ комиссарлиги ва III Коммунистик Интернациональ раҳбар ходимлари эди. Эътиборли жойи шундаки, РКП (б) Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 11 аъзоси ва аъзоликка номзодлардан 9 нафари кенгашда қатнашган. Бетоб ётган Ленин ва Халқ Комиссарлари Совети иши билан банд бўлган Риков қатнаша олмаганлар. Амалда бу кенгаш Марказий Комитетнинг тўлақонли пленуми мақомида бўлган, унинг резолюциялари кейинчалик партиянинг муҳим директив расмий ҳужжатлари мақомига қўтарилиган. Минбарда 60 га яқин нотиқлар нутқ сўзлаганлар. Султон Галиев «иши» ва миллий

масала бўйича В.В.Куйбишев ва И.В.Сталин маъруза қилганлар. Сиёсий бюро аъзоларидан Л.Троцкий ва Г.Зиновьев нутқ сўзлаганлар. Кенгашни Л.Каменев олиб борган.

Ўрта Осиё республикаларидан Қайғусиз Отабоев<sup>1</sup>, Акмал Икромов<sup>2</sup>, Исидор Любимов<sup>3</sup>, Дмитрий Манжара<sup>4</sup>, Абдулла Раҳимбоев<sup>5</sup>, Турор Рисқулов<sup>6</sup>, Иномжон Хидиралиев<sup>7</sup>, Султонбек Хўжанов<sup>8</sup>, Бухоро Халқ Республикасидан Абдуқодир Муҳитдинов<sup>9</sup>, Файзулла Хўжаев<sup>10</sup>, Лев Соколов қатнашганлар. Хоразм Халқ Республикасидан вакил қелолмагани учун СССР миллатлар иши халқ комиссари ўринbosари Григорий Бродо Хоразмдаги ҳолат ҳақида чиқиши қилган. Иномжон Хидиралиев, Акмал Икромов, Турор Рисқулов, Султонбек Хўжанов, Файзулла Хўжаев кенгашда нутқ сўзлаганлар.

<sup>1</sup> Қайғусиз Отабоев – 1922 йил ноябридан 1923 йил 12 июнгача РСФСР Миллатлар иши халқ комиссарлиги коллегияси аъзоси, 1923 – 1924 йилларда Бухоро Республикаси Халқ Комиссарлари Совети раиси ўринbosари лавозимида ишлаган.

<sup>2</sup> Акмал Икромов – 1921 – 1922 йилларда Туркистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий бўлими мудири ва секретари лавозимида ишлаган, 1922 йилдан Москвада Я.М.Свердлов номидаги коммунистик университетда ўқиган, сўнгра Тошкент обласи партия комитетининг секретари бўлиб ишлаган.

<sup>3</sup> Исидор Евстигнеевич Любимов – 1922 – 1924 йилларда Ўрта Осиё иккисоди кенгаши раиси, ВКП (б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси раиси ўринbosари вазифасида ишлаган.

<sup>4</sup> Дмитрий Иванович Манжара – 1922 – 1924 йилларда Туркистон Компартияси Марказий Комитети 2-секретари. 1924 йилдан ВКП (б) Марказий назорат комиссияси СССР ишич-дэҳқон инспекциясининг Ўрта Осиё бўйича вакили лавозимида ишлаган.

<sup>5</sup> Абдулла Раҳимбоевич Раҳимбоев – 1923 – 1924 йилларда Туркистон Компартияси Марказий Комитети секретари лавозимида хизмат қилган.

<sup>6</sup> Турор Рисқулович Рисқулов – 1921 – 1922 йилларда РСФСР миллатлар иши халқ комиссари ўринbosари, Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети раиси лавозимида фаолият кўрсатган.

<sup>7</sup> Иномжон Хидиралиев – 1922 йил январидан Туркистон АССР ер-сув ишлари халқ комиссари, февралидан Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитетининг раиси, РКП (б) МКнинг Ўрта Осиё бюроси аъзоси, 1924 йил январидан Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг РСФСР ҳукуматидаги муҳтор вакили.

<sup>8</sup> Султонбек Хўжанович Хўжанов – 1920 – 1924 йилларда Туркистон Марказий Ижроия Комитети раисининг ўринbosари, 1924 – 1925 йилларда ВКП (б) МК Ўрта Осиё бюроси президиумининг аъзоси. 1924 йил ноябридан 1925 йил февралигача РКП (б) Қозогистон АССР партия комитетининг 2-секретари лавозимида фаолият кўрсатган.

<sup>9</sup> Абдуқодир Муҳитдинов – 1923 – 1924 йилларда Бухоро Халқ Совет Республикаси Халқ Комиссарлари Совети муваққат раиси лавозимида ишлаган.

<sup>10</sup> Файзулла Хўжаев – Бухоро Халқ Совет Республикаси Халқ Комиссарлари Совети раиси.



Кенгаш жараёнида сиёсий тортишувлар ва зиддиятлар юз бериб, уларда Скрипник, Мануильский, Троцкий, Фрунзе иштирок этгандар. Сталин ва Сиёсий бюро аъзолари Аҳмад Закий Валидий 1923 йил февралида В.И.Ленинга катта хат билан мурожаат қилиб, унда Ленин ва бошқа айrim партия арбобларига хурмат бажо келтирганини билардилар. Аммо партия Марказий Комитетининг айrim арбоблари шовинизм сари оғиб, Шарқда маҳаллий аҳолининг туб эҳтиёжлари, талаблари эътиборга олинмаётгани, партияning Шарқдаги сиёсати асосий тамойиллари бузилаётгани боис у ўзининг сиёсий фаолиятини хорижда олиб боришини, илмий тадқиқот ишлари билан машғул бўлишини изҳор қилган. Унинг хати қўйидаги сўзлар билан тугаган: «**Будьте осторожны, возможно, у истоков совершенных ошибок стоите Вы сами.**<sup>1</sup>

Кенгашда совет ҳокимияти 1917 – 1923 йилларда олиб борган миллий сиёсат ва унинг амалга оширилишида йўл қўйилган хато ва нуқсонлар, уларни бартараф қилиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида таклиф-мулоҳазалар билдирилган, аниқ вазифалар кўрсатилган. Жумладан, Туркистон, Хоразм ва Бухоро Республикаларида ги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, жумладан, миллий кадрлар ва уларни коммунистик руҳда тарбиялаш, бу ўлкаларда совет социалистик тузумини ўрнатиш билан боғлиқ масалалар кенг муҳокама қилинган ва тегишли чора-тадбирлар кўриш масалалари кўриб чиқилган.

РКП (б) Марказий Комитети котиби И.Сталин 1923 йил 25 майда кенгаш кун тартибини қўйидагича белгилаган ва буни жойларга ўз имзоси билан етказган:

1. Марказий назорат комиссиясининг Султон Галиев тўғрисидаги маърузаси.
2. XII съезднинг миллий масала бўйича бир неча бандлардан иборат амалий тадбирлари:

<sup>1</sup> Қаранг: Заки Валиди Тоган. Воспоминания. – Стамбул, 1969. – С.463, на турецком языке. На русском: Агадель. 1990. №12. Приложение.



И.В.Сталин

- а) Иттифоқ Марказий Ижроия Комитети ва Иттифоқ республикалари халқ комиссарликларида Марказий Ижроия Комитетининг иккинчи палатасини жорий этиш билан боғлиқ масалалар;
  - б) партия ва совет курилишига маҳаллий аҳоли меҳнаткашлари вакилларини жалб этиш чоралари;
  - в) маҳаллий аҳолининг маданий ҳолатини юксалтириш бўйича тадбирлар;
  - г) миллий республикалар ва областларда хўжалик қурилишидаги миллий-маиший ўзига хос хусусиятлар, ёндашувлар;
  - д) миллий ҳарбий қисмлар ташкил этишнинг амалий чоралари тўғрисида;
  - е) партиявий-тарбиявий ишларни йўлга қўйиши;
  - ж) XII съезднинг миллий масала бўйича резолюциясини ҳаётга татбиқ қилиш нуқтаи назаридан партия ва совет ходимларини танлаб олиш.
- Кенгашга таклиф этилганларга қўйидаги масалалар бўйича ўзлари билан материалларни олиб келиш тавсия этилган:
1. Маҳаллий тиллардаги мактабларнинг ахволи тўғрисида рақамли маълумотлар.
  2. Маҳаллий аҳолини ер билан таъминлаш нуқтаи назаридан ер муносабатлари.
  3. Миллий турмуш билан боғлиқ бўлган диний, суд ва бошқа муассасаларнинг ҳолати.
  4. Партия ташкилотларининг миллий ва ижтимоий таркиби, шунингдек, уларнинг олий ва қуий раҳбарлик органларидаги аввалги ва ҳозирги фаолият.
  5. Давлат муассасаларининг, шунингдек, касаба уюшмалари, кооперативлар ва маданий муассасаларнинг бир йил аввалги ва ҳозирги миллий таркиби.



6. Маҳаллий ходимларнинг мавжуд захираси ёки фойдаланилмаганлик сабаблари.

7. Москвадаги марказий муассасаларнинг ўзаро муносабатлари ва шу аснодаги зиддиятлар.

8. Маҳаллий аҳолининг қизил армияга муносабати.

9. Партия ва совет иши соҳаси бўйича маҳаллий тўқнашувлар.

10. Маҳаллий тиллардаги доимий матбуот органлари миқдори.

11. Партия ва давлат муассасаларида иш юритув қандай тилларда олиб борилмоқда.

Кенгашга ўз вақтида етиб келиш сўралади.

**МК котиби И.Сталин      25/V-1923 й.**



Л.Б. Каменев

Шу кун тартиби асосида 1923 йил 9 июнда кенгашнинг биринчи йиғилиши бўлади. Унга СССР Марказий Ижроия Комитети аъзоси, СССР Халқ Комиссарлари Совети раиси ўринбосари, Мехнат ва мудофаа кенгаши раиси Лев Борисович Каменев раислик қиласи. Л.Б.Каменев РКП (б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси топшириги билан кенгашни очган. У партияning XII съездидаги юзага келган давлат ва ички партия аҳамиятига эга қатор масалаларни муҳокама қилиш зарурлигини айтган. Сиёсий бюро томонидан кенгаш кун тартибига иккита масала – Марказий назорат комиссиясининг Султон Галиев иши тўғрисидаги ва XII съезд қабул қилган қарорларни амалга ошириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш қўйилган. Биринчи масала юзасидан В.В.Куйбишев маъруза билан чиқиш қилган. Маърузачидан сўнг сўз Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети раиси Турор Рисқулович Рисқуловга берилган.



T.R. Рисқулов

**Рисқулов.** Ушбу ҳолатда, афтидан, гап Султон Галиевнинг шахсияти ҳақидагина бормаяпти, балки бу иш бизнинг бутун миллий сиёсатимиз ва чекка ўлкалардаги аҳоли кайфиятининг, зиёлилар ва партия ходимлари кайфиятининг ҳақиқий

аҳволи билан ҳам боғлиқ. Шу боисдан ўртоқ Куйбишев мазкур масалани XII съезд қарорларини ҳаётга татбиқ этиш масаласи билан боғлаганда, албатта, ҳақ эди.

Аввало, Султон Галиев иши тўғрисида. Мен шунинг учун сўз олдимки, ўртоқ Султон Галиевнинг ўзигина шундай аҳволга тушгани йўқ, балки у ўз кўрсатмаларида йўл-йўлакай бошқа ходимлар тарафига ҳам мутлақо асосиз гап-сўзлар айтиб ўтишга қарор қилди.

Мен ўз вақтида Миллатлар иши халқ комиссарлиги таркибида турганман, коллегия аъзоси ҳам бўлганман, аммо Султон Галиев билан кам кўришганман ва умуман бирга ишламаганман. Султон Галиевни амалда яқиндан билмаганман. Шунга қарамай, бу йил бошида Тошкентда бўлиб турган ва ҳукумат таркибида ишлаётган вақтимда мен Советлар съезди муносабати билан Султон Галиевдан битта хат олдим. Бу хатда Султон Галиев «қадрли фалончи фалончиев ва ҳоказо» деб мурожаат қилган ҳамда ҳозирги вақтда ўтказилаётган сиёсатга мос келмайдиган, маҳаллий аҳоли манфаатларини кўзлайдиган сиёсатни ўтказиш позициясида турган ўртоқларга ўзаро жипслашиб, Советлар съездида биргаликда чиқишлилар қилиш зарурлигини баён этган. У жипслашиб, ўз ўртоқларини тўплаб, биргаликда келишни таклиф қилган. Мен Султон Галиев билан ҳеч қачон гаплашмаганман,



қарашларимиз бир-бирига тұғри келадими-йүқми – умуман бу ҳақда гаплашиш зарур деб ҳисобламаганман. Шунга қарамай, шундай ғалати хат олдим. Бу хатда яширин ташкилот ҳақида гап бормаган, фақат мухолифат хусусида гапирилган. Үнда Султон Галиев биринчи хатни қулай бўлиши учун келажакда алоқа ўрнатиш ниятида ёзаётгани, хатлар маҳсус куръер орқали юборилиши, агар мен жавоб жўнатсан, уни ҳам маҳсус куръер орқали юборишим кераклиги ҳақида сўз юритган. Мен жавоб бермадим, чунки бундай қилишни зарур деб топмадим. Мен Султон Галиевни четдан билар эдим. У Шарқ ҳалқлари марказий бюроси деб аталадиган ташкилотда раис бўлиб ишлаганда унинг фаолияти билан бирмунча таниш эдим, лекин ташқаридан. Ушбу бюорода Шарқ вакиллари амалда йўқ эди, фақат Марказий Россиядан келган татарлар бор эди. Султон Галиев ва ҳақиқий Шарқ ўртасида умумий ҳеч нарса бўлмаганидек, Султон Галиев ва у билан ишлаган ходимлар ўртасида ҳам умумий ҳеч нарса йўқ эди. Айтиш керакки, Шарқда, айниқса, Туркистонда (бу билан татар ходимлар Шарқда ҳеч қандай обрўга эга эмас ёки улар ёмон ходимлар демоқчи эмасман) айрим татар ходимлар хато қилишган ва Бухорода ёки Хоразмдаги аҳолидан сўрасангиз, уларга муносабат ҳамма жойда салбийлигини кўриш мумкин. У ёки бу татар ходимни яхши деб бирга ишлаш учун тавсия этишса, у ерда бунга қарши чиқишиади. Чунки татар ходимлар Россия шароитида ўсиб-улғайишган, Шарқдаги вазиятни тушунишмайди, кўпинча марказий губерниялардан келган, Шарқда ҳеч қачон бўлмаган ўртоқлар сингари иш тутишиади. Султон Галиев ҳақида ҳам шундай дейиши мумкин – у Шарқни, айниқса, ҳозирги Шарқни яхши билмас эди.

Иккинчи хатни мен партия съезди арафасида олдим, унда миллий масала бўйича Марказқўмда бўлган музокаралар, Марказнинг айрим аъзолари қарашлари, баъзи респуб-

ликалардаги аҳвол баён қилинганди, кейин Шарқ ҳалқлари коммунистик университетидан борган талабаларни жойлаштириш сўралган эди. Бу хатга жавоб бермадим. Келганимдан сўнг Султон Галиев билан учрашдим, лекин у билан алоҳида сухбат бўлгани йўқ. Аслида, бундай бўлганди: Султон Галиев мен ўртоқ Сталин билан кўришганимни билар эди, менга биз нималар ҳақида гаплашганимизни сўраб мурожаат қилди. Мен ўртоқ Сталиннинг Туркистондаги фаолиятга, XII съезд қарорларини ҳаётта татбиқ этиш зарурлигига, ходимларни танлашга эҳтиёткорлик билан ёндашиш кераклигига доир қарашларини гапириб бердим. Лекин Султон Галиевнинг Валидов билан алоқасига доир гумонлар ҳақида гапирмадим. Аксинча, Султон Галиевнинг ўзи бунгача ўзига қарши хавф ўсиб бораётгани, ГПУ иш олиб бораётгани, ўзини ҳибсга олишлари мумкинлиги, бу ҳақда унга хабар қилишгани – буларнинг ҳаммаси ҳақида менга ўртоқ Сталин билан учрашгунимча гапириб берганди. Ушбу ҳолатда бундай кўрсатма бериш билан у, афтидан, бошқаларни бу масалага аралаштиришни истаган ва гўё ўзи ҳаммага нисбатан кенг таъсирга эга эканлигини кўрсатмоқчи бўлган. Бироқ такрор айтаманки, шундай хат бор, бу хатда у биринчи марта мен билан боғланишга уринаётганини ҳақида гапирган. Мазкур хатни мен материал сифатида Марказий назорат комиссиясига бераман.

Энди миллий масалага тўхталиб ўтаман. Ўйлайманки, ушбу кенгаш бежиз чақирилмаган. Ҳақиқатан ҳам партиянинг XII съезди тарихий қарор қабул қилди.

Мен Шарқ ходимларидан бири сифатида бу қарорни яхши англайман, менимча, XII съезд қарорлари ҳақиқатга тўғри келади. Шарқда ишлаётган ходимлар Ўрта Осиёдаги босмачилик ҳаракатига дуч келмоқда. Бу ҳаракат ҳали тугаганича йўқ ва бу, мана, 6 йилдирки давом этяпти. Анвар пошо келгач, бу ҳаракат ўз ри-



вожининг чўққисига чиқди. Аҳоли кайфиятининг ўзгариши билан боғлиқ равишда босмачилик ҳаракатида бўлиниш, парокандалик юзага келди. Деҳқонлар ва меҳнаткаш қатлам тинч ҳаётга чанқоқ, улар деҳқончилик билан шуғулланиши истайдилар, босмачилик ҳаракатини лаънатлайдилар. Бу ҳаракат хўжалик вайрон бўлган шароитда мавжуд. Биргина Фарғона обlastida 400 000 киши очлик ҳолатида. Оч қолган бу омма бир тўғрам нонга зор, шу боис босмачилар томонига ўтиб ойлик олиш ва талончиликка хизмат қилмоқда, бу оч қолганларни жойлаштириб, уларнинг хўжалиги тикланса, босмачилик эртагаёқ йўқ бўлади. Ҳозирда босмачилик ҳалокат сари бормоқда, хўжалик фронтини кучайтириш орқали бу ҳаракатни тугатиш мумкин. Бироқ босмачилик ҳаракати Англия империализмининг Шарқдаги ҳаракатига умид қилмоқда. Шарққа туташ айрим мамлакатларда инглиз ҳукумати бу ҳаракатни аниқ қўлламоқда. Агар босмачилик тугатилмаса ва давом этаверса, у ҳолда сиёсий муносабатлар янада мураккаблашади. Шарқдаги аҳвол шароитида деҳқонлар қатламига эътибор берилмади, чунки унга ер берилмади. Темир йўлда ишлаётган маҳаллий аҳолини рус ишчилари билан баробар моддий жиҳатдан мустаҳкамлашимиз зарур. Ахир Шарқда Марказий Россиядагидек аграр ва бошқа революциялар бўлган эмас. Мана шунинг учун ҳам туркистонлик вакиллар Бутунrossия съездидаги аграр масалани ва ижтимоий силжиш масаласини қўйдилар. Мана, эндиликада биз меҳнаткаш оммага шу муаммони ҳал қилиш масаласини қўймоқдамиз. Ҳозирда Туркистонда деҳқонлар орасидагина эмас, ҳатто зиёлилар орасида ҳам босмачилик ҳаракатига хайриҳо бўлганлар мавжуд. Шу зиёлиларни қўлга олишимиз зарур, уларнинг содик қисмини совет ишига жалб этишимиз керак. Туркистондаги сўллик совет ҳокимиятига қарши турди. 1922 йили улар сафидаги сўллардан бир нечтаси босмачилик ҳарака-



Иномжон Хидирилиев  
(1891 – 1928)

тига ўтиб кетди. Бухоро ҳарбий вазири Орипов Бухородаги сўлларга раҳбарлик қилиб, ўз полки ва катта микдордаги ҳарбий қуроллари билан босмачилар томонига ўтди. Ўртоқ Бокий Тошкентда ишлаган ва Тошкент Эски шаҳарида маҳсус бўлинма раҳ-

бари бўлган, пировардида у ердан ҳайдалган Маҳмуз деган одам эндиликада катта нэпманчи бўлиб қолганини билади. Унинг Оренбургда 2 қаватли уйи бор, катта нон заводини ва бошқаларни бошқаради. Бундай фактлар талайгина. Шунинг учун ўзини байналмилчи ёки сўл деб аташнинг ўзи етарли эмас, буни амалда исботлаш керак.

Делегат Иброҳимов ўз нутқида Турор Рисқулов сўл коммунистлар ҳақида айтган фикрга тўхталиб, ўнг коммунистлар ҳам ўғрилик билан шуғулланганини айтган. Масалан, бир қатор шахслар, шунингдек, Туркистон Республикаси адлия ҳалқ комисари, ўнг коммунист Иброҳимов (Хусайн Иброҳимов, 1917 йилдан коммунист, Ленин шахсан уни билган ва бир неча бор қабул қилган – Р.Ш.,) ҳам шулар жумласидан эканлигини, ушбу шахслар партиядан ўчирилганини таъкидлаган.

Кенгаш йиғилишида Султон Галиев иши тўғрисидаги масала бўйича музокарада Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитети раиси Иномжон Хидирилиев ҳам қатнашган. Унинг нутқи матнини тўлиқ келтирамиз:

**Хидирилиев.** Ўртоқлар, мен Султон Галиев иши юзасидан бир-икки оғиз сўз айтмоқчи эдим. Марказий назорат комиссияси томонидан Султон Галиевга нисбатан қўлланиладиган репрессияларга оид резолюция, менимча, ўта заиф, чунки агар Султон Галиев ички-партия-



вий характердаги хатога йўл қўйганида ёки партия ичкарисида гурух, фракция тузганида эди, бу унинг шунчаки партиядан чиқарилишига олиб келиши мумкин эди. Бироқ у босмачилар билан, Валидов билан боғланишни таклиф қиласр экан, бу ҳолда, албаттага, Султон Галиевга нисбатан анча кескин чора қўрилиши керак.

Партиядан ўчирилиши шунинг учун керакки, у партия аъзоси бўлишга нолойиқ. У совет судига берилиши керак, чунки ҳукумат аъзоси бўла туриб бундай аксилинқилобий қилмишларга йўл қўйган. Султон Галиев Миллатлар иши халқ комиссарлиги ҳайъати аъзоси бўлгани ҳолда ҳозир бу ерда ўртоқ Куйбишев маълум қилган нарсаларни ёзяпти – ахир жойлардаги бу хатларни шифрлар билан оладиган ходимлар нима деб ўйлашлари мумкин?.. Аёнки, ҳамма жойда ҳукуматнинг ўзида, партияда, Москвада ҳукумат аъзолари томонидан қўллаб-қувватланаётган ихтилоф мавжуд ва унга қўшилса бўлаверади деб ўйлашади. Ҳукумат аъзосининг реакцион хатти-ҳаракатларига нисбатан Марказий назорат комиссияси томонидан таклиф этилаётган муносабат ҳам жойларда ўзига хос тарзда тушунилади ва шу сабабга кўра оқибати ҳам турлича бўлади.

Султон Галиевлар бу каби нафақат аксилпартиявиy, балки антисовет тусдаги хоинликлардан сўнг шунчаки партиядан ўчирилиб,

жазодан озод этиладиган бўлса, жойлардаги аксилпартиявиy ва антисовет оғишларга қарши қандай курашиш мумкин?! Султон Галиевни қатъий инқилобий қонунлар бўйича жазолаш ва бу билан жойларга ибрат кўрсатиш, турткি бериш керак.



А.И. Икромов  
(1898 – 1938)

Бу ерда сўллик ва ўнглик хусусида гапирилди. Менимча, жиноятга нисбатан ҳеч қандай сўллик ва ўнглик бўлиши мумкин эмас. Шундай ҳолатлар бўлганки, ўзини мутлақо сўл деб атайдиган ўртоқлар катта аҳмоқгарчиликларни қилишган. Ҳозир ҳам бундай ҳолатларни

кузатиш мумкин. Аммо бундай аҳмоқгарчиликлар нафақат партиявиy, балки совет чегараларидан ҳам ўтиб кетса, муайян ўртоқлар бунинг учун тегишли жазони олишяпти. Жуда катта аҳмоқгарчиликлар ҳам бўлди. Аҳмоқгарчиликлар ҳар қандай чегарадан ўтиб, жиноятга айланганди улар отувга қадар бўлган жазоларни олишди. Шу боисдан Султон Галиевнинг шахсиятига эътибор бермай, унинг биз бу ерда эшитган фаолиятидан келиб чиқиб қатъий ҳукм чиқаришимиз лозим – Султон Галиев инқилобий трибунал судига берилиши керак. Агар уни партиядан ўчириб, озодликка чиқариб юборсак, Султон Галиев мисолида биз кўрган хатти-ҳаракатларга қарши жойларда қандай курашиш мумкин?! Сизлар биласизларки, унинг ортида муайян гурӯҳлар бор ва улар кўпдан буён бундай тусдаги ёзишмаларни яширин олиб боришгани аниқ. Партиядаги бундай кўринишларга қарши, бундай хоинларга қарши қандай курашиш зарурлиги ҳақида жойларга тушунча бериш учун айбининг кўламига кўра у қатъий инқилобий қонунлар бўйича суд қилиниши хусусида қарор чиқаришга мажбурмиз.

Кенгаш кун тартибидаги биринчи масала юзасидан сўз олган **Тошкент области партия комитетининг секретари Акмал Икромов** қуидагиларни таъкидлаган: Ўртоқлар, менимча, бу ерда сўллик ва ўнглик масаласи тур-



Григорий Евсеевич Зиновьев  
(1883 – 1936)



гани йўқ. Бу ерда партиямиз ва совет ҳокимиятининг сиёсати ҳақидаги масала турибди. Бу масалани ҳукмон роҳи партия нуқтаи назаридан муҳокама қилиш керак. Мана бу ерга мен «Бошқанинг азасига йигилганлар ўз ўтганларини эслаб йиглайди» деган мўъжазгина ўзбек мақолини ёзиб қўйибман («Азага борган хотин ўз дардини айтиб йиглайди» – Р.Ш.). Бу ерда сўллар ўнгларни, ўнглар эса сўлларни айблаганда ҳам худди шундай аҳвол юзага келди. Менимча, иккала тараф ҳам ноҳақ. Султон галиевчилик нима ўзи? Султон Галиевнинг ўзи ҳақида мен 1920 ва 1921 йилларда эшигтан эдим. Лекин у ҳақда ҳеч қандай тасаввурга эга эмасдим ва ҳозир ҳам эга эмасман. Аммо султон галиевчилик хусусида мен билмайман. Ушбу оқим бу ерда тақдим этилган материалларда аниқ таърифланди.

Бу ўртоқ Зиновьев томонидан Бокуда ўтказилган Шарқ ҳалқлари съездидан бошланган эди. Ўша съезддан сўнг турли хил унсурлар партиямиз қарорларидан норози бўлдилар. Ўша вактдан бошлаб улар қарши курашишга қарор қилганлар. Ўртоқлар, уларнинг ҳаммаси аксилинқиlobчилар эканлигини тасдиқлашга берилиб кетмаслик керак. Бунга анча теранроқ қараш зарур. Улар ҳеч қандай заминга эга эмасдек кўринади-ю, лекин улар қаерданadir куч олишяпти. Қаердадир балонинг илдизи борки, улар ўшандан фойдаланишмоқда. Бу бало, менимча, бизнинг нўноқ сиёсатимизда. Жумладан, партиямиз Марказқўми айрим майда масалалар бўйича тегишлича иш олиб бормаяпти, бундан эса улар фойдаланишяпти, мана сабаблар. Бу хатоликларнинг илдизига ҳукуматимиз, жумладан, бизнинг Марказқўмимиз йўл қўйиб берди. Ҳозирги пайтгача Марказқўм (мен бу ҳақда съездда нутқ сўзламоқчи эдим, аммо сўз ололмадим) чекка ўлкалардаги коммунистлар орасида ғоявий-партиявий-тарбиявий ишлар олиб бориш масаласига циркулярлар йўллашдан бошқа чора кўрмаяпти.

Партиямизнинг бутун тарихидан биласиз-

ларки, бизда партиянинг икки хил аъзолари бўлади: бир хиллари – байзан Маркс назарияси устида 20 – 30 йиллаб ишлаган, турмаларда сочи оқарган ва чор самодержавиеси таъқибларини бошдан кечирган назариётчилар, кекса коммунистлар ва ҳоказо; бошқалари – ўз иқтисодий аҳволи туфайли олдинга чиқаётган ва курашга бораётган ишчилар. Бизнинг чекка ўлкаларда бу каби икки гуруҳга мансуб коммунистлар йўқ. Эҳтимол, татарларда озроқ бордир, аммо Қирғизистонда (Қозоғистонда – муаллифлар), Бухорода йўқ. Биз қандай коммунистларга эгамиз? Уларнинг бир қисми – аҳолининг камбағал қатламларидан чиққанлар. Улар совет ҳокимияти ўзлари учун нималар қилаётганини кўриб туришибди, беихтиёр партияяга киришяпти ва аста-секин пишишиб бориляпти.

Бироқ бошқача унсур ҳам бор – бу султон галиевчилик. Булар совет ҳокимияти орқали мухторият олишни, буржуача маънода ўлкани озод қилишни хоҳловчилар ва б. Бу ўринда ишнинг ўзагини ўрганиш зарур. Айрим ўлкаларда маҳаллий аҳолидан чиққан темирийўлчилар, тоғ-кон ишчилари ва бошқалар каби пролетариатнинг нозик қатламлари борки, уларни уюштириш керак бўлади. Бу йўналишда Марказқўм ҳеч нарса қилаётгани йўқ. Албатта, буни Марказқўмнинг ҳисоботи бўйича айтиш лозим эди, аммо мен ўшанда айтольмадим, ҳозир айтипман. Марказқўм партиянинг тарбиявий ва бошқа ишларига кам эътибор қаратяпти. Мен бизда Тошкентнинг Эски шаҳарида юз берган кураш бўйича битта факт келтираман. Айтмоқчиманки, гоҳида партия аъзолари ўртасида ғоявий кураш боряпти. Аммо сўллар ва ўнглар линияси бўйича эмас. Масалан, бизда, Тошкентнинг Эски шаҳарида партиянинг ярим пролетарлардан ва ишчилардан чиққан коммунистик кайфиятдаги, асосан ёш аъзолари билан партиямиз сафларида ва касаба уюшмаларида ўз касби доираси билан ўралашиб қолиб, биқиқликни юзага келтираётганлар



ўртасида патриархал-феодал таъсирлардан халос этиш учун кураш борди. Бироқ ушбу мутлақо адолатли ва соғлом курашга жавобан бизга агар курашни тұхтатмасанғиз, партиядан үчириласиз деб таъкидлашмоқда. Биз бу сафар ғалаба қозона олдик, аммо мен барибир шуни айтмоқчиманки, алоҳида ходимлардан ҳеч бири келиб, кимга ва қандай таяниш зарурлигини, партиямызни қандай соғломлаштиришимиз лозимлигини үрганмайды. Ҳамма балонинг илдизи мана шунда!

Энди зиёлілардан фойдаланиш хусусида. Айрим үртоқлар улар ҳақида жирканиб гапришса-да, барибир чекка үлкаларда зиёлілар қатламларини ишга жалб этиш зарурлигини унұтmasлик керак. Агар жалб этмасақ, улар бизга қарши боришади. Улар инқилобий кайфиятда. Үртоқ Троцкий Харьковдаги нұтқида миллий масала потенциал күчлигини, агар биз ундан фойдаланмасақ, контрреволюция фойдаланишини яхши қайд этиб үтди. Ушбу потенциал күч инқилобий зиёлілардан иборат деган бұлар әдім. Үртоқ Петерс буни яхши билади. Мен ундан сұрайман: Туркестонға борганингизда у ерда аксилиңқилобий ташкилот борниди? Йүқ әди. Үртоқ Петерс, сиз уни ташкил қилибман деб үйламанғ. Буни яхши биласиз. Аммо кейинги пайтда шундай ташкилот юзага келди. У зиёлілардан иборат. Бу ташкилотда ҳеч қандай эски реакцион рухонийлар йүқ. Рухонийлар бұлса ҳам, улар у ёки бу даражада прогрессив элементлардир. Шу боисдан бу масалаларни анча чуқурроқ күриб чиқиши ҳамда фойдаланиш керак. Айтиш керакки, марказий ҳокимиятимиз бу курашга жуда әхтиёткорлик билан аралашуви зарур. Майли, улар үzlари курашишаверсин. Уларнинг ишини кузатиб бориш лозим. Улар орқали бошқариш учун партия ташкил этиш керак. Ҳозир бу нарса йүқ. Бу ўринда сұллик ва ўнгликнинг ахамияти йүқ. Агар сұллик ва ўнглик курашар экан, у ҳолда партия ичида курашсын.

Мен ўз вақтида Үрта Осиё бюроси раиси үр-

тоқ Гусевга Бухоронинг сұл коммунистлари бўйича мурожаат қилган әдим. Мен: «Сиз сұл коммунистларнинг ҳаммасини ишдан олдингиз, аммо улар орасида яхшилари ҳам, ёмонлари ҳам, айбиз ёшлар ҳам бор. Бухоролик сұллар дастурда ёзиб қўйилган нарсаларни бевосита амалга оширишни хоҳлашади, аммо улар бу ишни қандай амалга оширишни тушунишмаяпти. Шу боисдан ҳам улар ўз ҳукуматига қарши муҳолифатда бўлиб қолиши», – деб айтдим. Үртоқ Гусевга: «Агар улар Бухорода сұллар бўлишса, уларни бизга беринг, Туркестон шароитида улар ўнглар бўлишади», – дедим. Уларни партиядан чиқариш эмас, балки тарбиялаш зарур. Ҳолбуки, улардан зоо кишини партиядан үчириши.

Яна бир чуқур илдиз отган бало шундаки, чекка үлкаларда сиёсатимиздан хурсанд бўлаётган бирорта одамни учратмайсиз. Аммо у бу ҳақда тушунча ооломмайди ва бунинг учун мурожаат ҳам қилмайди. Унинг ўзи келиб, үртоқ Сталинга ёки үртоқ Каменевга: «Үртоқ, мен фалон нарсадан норозиман, нима гаплигини айтинг, тушунтиринг», – деёлмайди. У бундай дея олмайди, чунки унда гүё бу ерда уни қамаб қўйишади, отиб ташлашади деган тасаввур бўлганлиги боис қўрқади. Съездда мен анча масъул ходимни, ўз республикасида ҳукумат бошлиғи бўлган бир үртоқни кўрдим. У миллий масала бўйича тезислар ёзарди. У: «Миллий масала бўйича таклифлар», – деб ёзибди ва: «Агар таклиф киритсам, мени сўкишмайдими?» – деб қўшимча қилибди. У ўзи ҳақми ё ноҳақми – билмайди, буни ҳисобга ҳам олмаяпти, балки мени сўкишадими, йўқми деб сўраяпти. Мана шунга ҳам эътибор қаратиш зарур.

Мен бу үртоқларнинг ҳаммасига агар бирор нарсадан норози бўлишса, у ҳолда грузин ёки украин үртоқларимиздан ибрат олишсин демоқчиман, мана, улар буни қандай қилишади (кулги). Сиз буни партия деворларидан ташқарида қиласиз, аслида, партия ичида қилиш



керак, шунда сизда султон галиевчилик бўлмайди.

Султон Галиевга келсак, мен Хидиралиевнинг таклифини тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Агар биз уни бугун қўйиб юборсак, вақти келиб Туркистонда ишлашимизга халақит берадиган бошқа бир Аҳмад Закий Валидий юзага келади.



Султонбек Ҳўжанов  
(1894 – 1938)

шахарнинг қизил армия томонидан қўриқланниши йўлга қўйилганда, тўғри сиёsat юритилганда бу босмачиликнинг бошига берилган гоявий зарба бўлди. Бу босмачиликка қарши берилган катта зарба бўлди. Шундан сўнг босмачилик шайка бўлиб қолди.

Аммо кейинроқ сиёsat ўзгарди. Бизда сиёsat тез-тез ўзгаряпти, буни унумаслик керак. Ўтган йили март ойидан Ўрта Осиё бюроси раиси сифатида ўртоқ Иоффе бошчилигига босмачиликка қарши белгиланган бир метод асосида курашдик. Бу метод бўйича 4 ой кураш олиб бордик. Сўнгра янги режим жорий этилди, эскиси барбод бўлди ва ҳ.к. Масалан, ўртоқ Троцкийнинг телеграммаси, РКП Марказқўмнинг циркуляр хати, кейинроқ Фарғона ва Туркистон босмачилигига қарши курашнинг янги методи йўлланди. Ўтган йили ноябрь ойида босмачилар зоо – 500 киши қолган эди. Ҳозир эса улар 2000 кишига яқин. Нега бундай? Қатъий сиёsat, қаттиқўллик йўқ, Марказқўмнинг

бирор аъзоси ҳеч бўлмаса бир йил ўтириб, шу иш билан шуғуллангани йўқ. Бундай султон галиевчилик туфайли босмачилик унугиб қўйилди. Ҳукуматимиз бу бахтсиз ўлкаларга кўпроқ эътибор қаратиши, қатъий сиёsat юритиши, миллатчилик, колонизаторлик сиёsatи дейишадими ёки бошқача аташадими – бундан қатъи назар, қатъий сиёsat ва партиявий иш олиб бориши керак.

Шунинг учун мен, биринчи навбатда, партиявий-тарбиявий ишларни йўлга қўйиши, иккинчидан, пролетариатнинг нозик қатламларидан партия ўзагини танлаб олишни таклиф этаман. У ерларда ишлаётганлар Москвага, Миллатлар иши халқ комиссарлигига жўнатиб юборилмасин. Улар ўз билимлари билан ишчиларни тарбиялашсин, ўзларини ўзгартиришсин. У ерларда, масалан, ярим пролетар батраклар, ҳунарманд усталар ва бошқалар бор. Мана ўшалардан партия ташкилотлари тузилганми, йўқми? Йўқ. Улар орасида ҳеч ким иш олиб бормаяпти. Ҳамма район милициясининг бошлиғи бўлишни истайди, ячейкаларда ишлашни хоҳламайди. Бу ушбу ходимларнинг айби эмас, бу партиямизнинг айби. Чунки партиямиз ўз аъзоларидан қандай фойдаланишга зарур даражада эътибор қаратолмаяпти, асосий диққатини маъмурий-совет ишларига йўналтиряпти. Султон галиевчиликнинг балоси мана шу ерда.

Кенгаш мажлисида Туркистоннинг яна бир таникли вакили **С.Хўжановга** ҳам сўз берилади. У қуйидагиларга тўхталиб ўтади: Мен, ўртоқлар, жуда қисқа гапираман. Ўртоқ Икромов берган баҳодан кейин мен қўшимча қиласидиган нарса оз қолди. Менимча, бу ерда, кенгашда Султон Галиев иши суд муассасасидагидек Султон Галиевни қоралаш ёки оқлаш учун эмас, балки унинг фаолияти партия ичида ва партиядан ташқарида фойдалими ёки зааралими деган маънода изоҳлаш учун қўйилмоқда. Агар шу нуқтаи назардан ёндашилса, афтидан, ўз фикрини билдирган ҳамма ўртоқлар



унга анчайин салбий муносабат билдиришиади. Ўйлайманки, биз қатъий инқилобий қонунлар ва судга тааллуқлилик хусусидаги гап-сўзларни бир четга суриб, ушбу султон галиевчилик йўлини энг қатъий тарзда аямасдан қоралашимиз зарур. Султон Галиев ва унинг издошлари тақдирига келсак... менимча, бу тактик масала. Ўйлайманки, бу нарса бутун дунёга овоза қилишга арзийдими ёки уни тинчгина тугатиш мумкинми – Марказқўм ўзи ҳал этади.

Асосийси, бу йўл ҳақида гапириш керак деб ўйлайман. У ўнгларданми ё сўлми – менимча, унинг ҳамма жиҳатдан сўзсиз партия жиноятчиши эканлиги аён бўлди. У жиноятчи фуқароми ёки йўқми – бу масала кейин, тергов тугаганидан сўнг кўриб чиқилади. Аммо муҳими – ушбу ҳаракатни ўрганиш зарурлиги ҳақидағи масалани қўйиш керак. Аввалги нотиқларнинг изоҳларига кўра, бу ҳаракат мавжуд ва қатъий туришда давом этяпти. Бу нима эканлигини ўрганиш зарур. Албатта, ўрганишлар Султон Галиев хатти-ҳаракатларини тергов қилиш қаби муфассал бўлиши керак. Кейин қандай хulosалар чиқариш зарурлигини кўриб чиқамиз.

Аввало, султон галиевчилик ва унга ўхшаш ҳаракатларни ўрганиш, мавжуд бўлган барча шифрларни расшифровка қилиш керак. Кейин бундай султон галиевчилик қандай заминда юзага келишини аниқлаш лозим. Бу масалага юқоридан ва ташқаридан қаралса, бу гўё зиёлилар ўйинидек кўринади. Битта зиёли ўнг бўлишни, бошқаси сўл бўлишни хоҳлади, бири Султон Галиев бўлди, бошқаси анча ақлли чиқди ва, ўйлашадики, бутун сиёsat шундан иборат. Ҳолбуки, ижтимоий ҳаёт белгилари бўлмаган жойда партияйлик ҳам йўқ. Чунки партиялар ҳам ижтимоий заминда юзага келади. Партия ўз-ўзидан ижтимоийлик (жамоавийлик)нинг олий шаклидир. Айтиш керакки, султон галиевчиликлар асосан Шарқда, ҳар қандай ижтимоийлик ва совет ижтимоий турмуш тарзи бўлмаган заминда пайдо бўлади.

Шарқда ҳар қандай ижтимоийликнинг йўқлиги бундай ижтимоийликнинг юзага келишига сабаб бўладиган мотивлар мавжуд эмаслиги билан, бошқача айтганда, шарқий ўлкаларимизнинг колониал физиономояси билан изоҳланади. Қандай совет вивескаси ёпишириб қўйилса ҳам, барибир мустамлака ҳанузгача мустамлакалигича қоляпти. Мана шунинг сабабини аниқлаш ва баҳолаш лозим.

Султон галиевчилик можиятан нима ўзи? Бу савдо капиталининг вакиллиги, эски рус капиталига рақобатчи.

**Овоз.** Янги давлат капиталига ҳам.

**Хўжанов.** Ҳа, янги давлат капиталига ҳам. Мухолифлар учун унинг рақобатчиси қаёқдан келаётгани ва қандай марка остида ишлаётгани фарқсиз. Татар миссионерларининг, рус миссионерларининг Шарқдаги бутун маданий фаолияти қандай изоҳланди? Бизнинг қирғизлар ушбу миссионерларни жуда яхши эслашади. Бу икки оқим миссионерларининг кураши қандай изоҳланади? Албатта, ўйтит-насиҳатлардан иборат сабаблар билан эмас, иқтисодий сабаблар билан изоҳланади. Буни инқилоб даврида маълум даражада бошқача қилишган, афишаларни ўзгартиришган, ишнинг ўзи аслича қолган. Афтидан, воситачилик капиталининг савдо қатлами совет байроғи остида ўша рақобатни давом эттияпти. Мазкур ҳолатда у Шарқ ҳалқлари ва капиталистик марказ ўртасида сиёсий ҳамда иқтисодий воситачи сифатида чиқяпти. Асосий касаллик, султон галиевчилик юзага келадиган асосий замин – бу ижтимоийлик (жамоавийлик)нинг йўқлиги ва давлат капитализми даврида чекка ўлжаларнинг колониал физиономияни сақлаб қолганилигидир. Назарий жиҳатдан ривожланмаган омма учун давлат капитализми ташқи кўринишидан эски замон капитализмидан сира фарқ қилмайди. Шу боисдан айрим норозилик кўринишлари пайдо бўлиши шубҳасиз ва бундан воситачи жаноблар ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринишади.



Бу ерда гапирилган панисломизм ҳам, аслида, савдо негизига эга бўлган капиталистик таълимотдир. Унинг асосий идеали Фарбнинг йирик капиталлари босимисиз, эркин ва демократик ривожланадиган, ҳеч кимга қарам бўлмаган капитализмни олиб кириш учун Шарқ капиталини Farb капитали васийлигидан халос этишдан иборат. Шундай панисломизм ҳозир ҳам мавжуд ва бизнинг баъзи бир формулировкаларимиз (энг яхши формулировкалар) ушбу панисломистик тенденцияга бирмунча сиёсий замин яратиб беради. Албатта, биз ушбу формулировкалардан воз кечмаймиз, аммо бошқалар ҳам айнан шу қуролдан фойдаланишяпти. Буни ҳисобга олиб қўйиш керак. Ушбу ҳолатда партиянинг ниҳоят колонияларни мустамлакачиликдан халос этиш зарурлиги, чинакамига мустақил, манфаатлар уйғунлигига бўлган ҳаётий истак-ҳоҳишлар асосида бирлашган совет республикаларини ташкил этиш зарурлиги ҳақидаги қарорлари – бу ҳаммаси яхши нарса. Султон Галиев ҳам бу ҳақда гапириган эди. Оддий юриспруденция нуқтаи назаридан Султон Галиевни XII ва X съездлар қарорлари мавжуд бўлгани ҳолда айблаш жуда қийин бўлур эди (Кулги).

Буларнинг ҳаммаси эски замонда йирик капиталистик васийликдан халос бўлишга интилиб келган савдо-воситачилик капитали ўша фойдали фаолиятини давом эттираётганини, эндиликда бунинг учун ислом дини обрўсидан, турк ҳалқларининг патриархал хотираларидан (сарқитларидан), коммунистик партия съездининг обрўли қарорларидан фойдаланишга тайёрлигини кўрсатиб турибди. Шарқнинг асосий касаллиги мана шу. Мана шу заминда ёлғиз султон галиевчиликкина эмас, бошқа бу каби кўплаб авантюралар пайдо бўлади. Чунки нимадир ўсиб чиқиши учун замин мавжуд.

Фалон одам ёмонлигини, фалон гуруҳ жуда ёмон гуруҳлигини исботлашнинг ўзи бошқа гуруҳ яхшилигини кўрсатмайди. Мен шундай

ўйлайманки, майли, яхши ўртоқлар ўзининг фазилатларини гапиришсин, аммо бошқаларни сўкишмасин. Менимча, ҳар бир давр ўз қаҳрамонларига эга.

Бу, айниқса, Россия коммунистик партияси Марказий Комитетига яхши маълум. Шунинг учун фурсат қаҳрамонлари камтар бўлишгани маъқул. Ички партиявий мослашувчанлик, партия ташқарисидаги одоблилик – буларнинг ҳаммаси жуда яхши фазилатлар, аммо гап бу ҳақда эмас.

Менимча, султон галиевларнинг пайдо бўлиши иккита негизга асосланади: биринчи негиз – ўртоқ Икромов гапириган (у мутлақо ҳақ) чекка ўлкаларда мустаҳкам партиянинг йўқлиги. Чинакам партиявийлик йўқ бўлса, партиявийликдан ўз манфаати йўлида фойдаланиш бошланади. Биз тез-тез шундай спе-кулянтларнинггина эмас, бошқаларнинг ҳам қурбони бўламиз (улар жуда кўп бўлиши мумкин). Шу боисдан партия ташкил этиш зарур – бу эса олдиндан қандайдир жамоатчиликни шакллантиришни талаб қиласди.

Шарқ зиёлилари ўзининг давомли тарихига эга. Мен ўртоқ Сталин билан Шарқ зиёлилари олдида яна бир бор таъзим қилишга тайёрман. Аммо мен уларнинг нуқсонлари ҳақида гапираман. Бу зиёлилар воситачи зиёлилардир. Улар Шарқда мустамлакачилик режимининг қуроли бўлишган ва ҳали ҳам шу ролни ўйнашяпти. Барibir биз бу зиёлиларни идеаллаштираслигимиз керак. Албатта, улардан фойдаланиш лозим, саводли одамлар ҳамиша зарур, муайян назорат остида улар рус мутахассисларидан кўра заарлироқ бўлишмайди. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам дунё зиёлиларга қараб қолди деб ҳисоблаш мумкин эмас. Жамоатчиликни топиш керак, зиёлиларни ижтимоий талаблар ва ижтимоий зарурат босими остига қўйиш зарур. Акс ҳолда, ҳозир ҳар бир зиёли ўзини дунёни тутиб тургандек ҳис этиши мумкин. У шундай тасаввур қилиши мумкин, аммо бу партия ичкарисида ҳам, партия таш-



қарисида ҳам ёмон ҳолат, оддий жамоатчилик нүктай назаридан эса жуда заарли. Совет жамоатчилигини шакллантириш ва зиёллардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш Шарқ зиёлларининг монопол ҳолатига ҳам бирмунча зарар етказади. Шундай бўляптики, сўл унсур кетса, ўнг унсур келяпти ва мен яхши деяпти. Наҳотки ўртаҳол унсур топилмаса?! Уни излаш керак. Бунинг йўллари ҳақида ўртоқ Икромов гапириб ўтди. Шундай йўллар бор.

Ўйлайманки, таклиф этилган резолюцияни тўлиғича қабул қилиш ва сulton галиевчилик сиёсий авантюра эканлигини, бунга ўхшаш ҳолатлар мавжуд ижтимоий вазият оқибати бўлиб, яқин вақтлар мобайнida муқаррарлиги, бундан буён биз уларга қарши муваффақиятли кураш олиб боришимиз ҳамда бу каби авантюраларни партия ички ҳаётидан ва унинг ташқарисидан чиқариб ташлашни мақсад қилиб қўйишимиз лозимлигини, улар ўсиб чиқадиган заминни қайта ишлаш, бунинг учун жамоатчиликни ва ижтимоий-партиявий ташкилотни шакллантириш зарурлигини янада кескинроқ кўрсатиб ўтиш шарт. Сulton Галиев иши бўйича резолюцияда уни отиб ташлаш ёки оқлаш хусусида ҳеч нарса демасликни таклиф этаман.

Кенгаш мажлисида **Т.Рисқулов** қайта сўз олиб, айрим нотиқларнинг ўзининг нутқига тааллуқли чиқишлари бўйича маълумот беради. У, жумладан, қўйидагиларни қайд этади: Аввало, сўллар ҳақидаги масала бўйича. Айримлар шундай тушунишибики, гўё мен сўллар деб аталадиган коммунистларнинг, масъул ходимларнинг нутқлари юзасидан фикр билдирибман ва танқид қилибман. Бу билан худди ўнг коммунист мавқеига ўтибман. Ушбу масала юзасидан тўлиқ жавоб бермоқчиман ва ўз қарашимни баён этмоқчиман. Мен ўзимни сўллардан санайман. Чунки коммунистик партия сўл партия ҳисобланар экан, мен ҳам ўзимни сўл деб биламан. Бунинг учун нафақат оғзаки, шахсий баёнотимга, балки тарихий маълумот-

ларга ҳам эгаман. Масалан, менинг 1919 йилги фаолиятим хусусида. Яқинда хорижий «Дни» деган газетада бир мақола чоп этилди. Унда 1919 йилда мен Туркистон Марказий Ижроия Комитетида очарчиликдан азият чекаётган бир неча миллион ерлик аҳолини асраб қолиш учун, миллатидан қатъи назар, барча аҳолидан меҳнат нормасидан ортиқча ҳамма нарсани ва мулкларни мажбурий равишда давлат ихтиёрига олишни таклиф этганим ҳақида сўз борган. Менинг таклифим шундай эди. Бу тўғри. Бироқ рус темирийўл ишчилари томонидан бошқарилган Марказий Ижроия Комитети таклифимни рад этди.

Мен ўз фаолиятимдан бунга доир мисолларни хоҳлаганча келтиришим мумкин. Бирор киши ўзини сўллардан санар экан, у нафақат у ёки бу ишга, балки ўзининг ижтимоий келиб чиқишига ҳам таянади. Мен сўлларни қандай тушунаман? Мен сўллар бўлмаслиги керак, сўлларга қарши курашиш лозим демайман. Сўллардан сўлларнинг фарқи бор. Муайян принципиал позицияда турган ва ўз қарашларни тўлиқ аниқлаб олган сўллар бор. Масалан, Шарқда ёшлар. У ерда ёшлар – энг мақбул ва энг коммунистик қатлам. Биз бу қатламдан куч олишимиз ва партия сафларини тўлдириб боришимиз керак. Ушбу ёшлар принципиал позицияда туришибди. Улар феодализм тарафига, руҳонийлар тарафига, буржуазия тарафига ҳар қандай оғишларга қарши курашяпти.

Келиб чиқиши номаълум бўлган, партия сафига кириб қолган одам ўзини сўл коммунист деб атаб, мавжуд вазият билан ҳисоблашмай, сўл линияни қисташи ва автоном республикаларни тугатишни, зудлик билан коммунизм барпо этишини таклиф қилиши – бу мутлақо бошқа масала. Бу энди сўллик эмас, балки совет ҳокимиятига қарши аксилинқилоб. Бу ерда мен мана шундай сўллар ҳақида гапирдим. Туркистон воқелигига уларга доир фактлар керагича топилади.

Кечада ўнглардан бўлган сўллар бор эди. Улар



аввал ҳукуматнинг ушбу таркиби билан қарашлари мос келишини таъкидлашганди, эртасига, ҳукумат ўзгаргандан кейин эса 1920 йилда гидек бирон-бир мансабни эгаллаш илинжида сўл бўлиб қолиши. Бундай фактлар керагича топилади. Мансабга эга бўлиш учун ўзини сўл деб эълон қилган кишиларга қарши курашиш керак. Босмачиликни ташкил этишини хоҳлаётган, биздан дехқон қатламларини – Шарқда ҳунармандларни узоқлаштиришни истаётган сўлларга қарши курашиш зарур. Партиямизнинг тўғри позицияларида турган, ҳақиқатан меҳнаткаш қатламларни кўзлаб иш тутадиган кишилар – бутунлай бошқа масала – уларга қарши ҳеч ким гапирмайди. Мен ўзимни шундай кишилар сафига қўшаман.

Мана сизларга шу ерда бўлиб ўтган бир факт. Йиғилиш очилишидан олдин сўллардан бири – ҳар ҳолда, у ўзини шундай атайди – ўртоқ Сайд Галиев томонидан Султон Галиев тўғрисидаги биринчи масалани иккинчи ўрининг ўtkазиш ҳақида таклиф киритилди. Чунки Султон Галиевга хайриҳоҳ бўлганлар фикрини очиқ айтишмас эмиш. Агар масала иккинчи ўринга ўtkазилса, уларни чекистларча йўл билан тутиш ва кейин ҳибсга олиш мумкин экан. Ўйлайманки, бу ерда йиғилганларга, ҳозирги пайтда кўпчилиги республикаларда юқори партия ва совет органларига бошчилик қилаётганларга бундай беилтифот ва ярамас муносабатда бўлиннишига йўл қўйиб бўлмайди. Бу ерда ўтирган ва қарийб ҳаммаси Марказқўмга таниқли бўлган кишилар орасидан қандайдир аскилинқилобчиларни тутишга, кейин озиқовқат развёрсткасидаги ўз хизматларини баҳона қилишга ва автоном республикаларнинг тугатилишига рози бўлмаганлигимни таъна қилишларига йўл қўйиб бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси нимани кўрсатади? Бу принципиал йўлни эмас, карьеризмни кўрсатиб турибди. Улар автоном республикаларни тугатиш керак дейишади. Бироқ партия XII съездда бу ҳақда гапирмади, балки чекка ўлкалардаги меҳнат-

каш оммани кенг жалб этиш (жалб этилмаганлари бўлса) ҳақида таъкидлади. Агар ҳозир шундай таклиф билан чиқилса, бу Туркистонда аксилинқилобни ташкил қилиш ва босмачилик ҳаракати позицияларини мустаҳкамлаш дегани бўлади.

Умумий масалалар бўйича чақирилган бундай йиғилишларга татарларга доир ишларни, татарча фитналарни олиб чиқмаслик керак. Султон Галиев ишининг Шарққа, ҳақиқий Шарққа ҳеч қандай алоқаси йўқ, Ўрта Осиёга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бундай катта йиғинларда ўзининг ички ишлари билан шуғулланиш керак эмас.

Бу ерда қайд этиб ўтилдики, гўё мен сўлларга Шарқда жой йўқ, сўллар Шарққа ишлаш учун бормасликлари керак деган эмишман. Мен бундай деганим йўқ. Лекин мен Шарққа бориб олиб, у ерда вазият билан ҳисоблашмай, сўлликни қистайдиган ва бу билан аксилинқилобни юзага келтирадиган сўлларга у ерда жой йўқ дедим. Бироқ масъул ходимлар мавжуд вазиятга мувофиқ келадиган муайян принципиал позицияда туриб ўзининг коммунистик нуқтаи назарини ўтказадиган бўлса, албатта, уларга қарши ҳеч ким бирор гап айтмайди.

Ўнгларга келсак, мен ўнг коммунистларни ёки ўнг оғмачиликка мансуб коммунистларни мутглақо ҳимоя қилмаганман. Ўнг оғмачи маҳаллий коммунистлар орасидан босмачилик тарафга ўтиб кетиш ҳолатлари кўп бўлган.

Жумладан, бу ерда Усмонхўжаев кўрсатиб ўтилди, аммо мен у билан ишламаганман. Афтидан, у бухоролик ходим.

**Троцкий.** Марказий Ижроқўм раиси.

**Рисқулов.** Усмонхўжаевга менинг ҳеч қандай алоқам йўқ, эҳтимол, бошқаларда бордир. Валидовни 1920 йилда кўрганман, биз Марказқўмда қўйилган масалалар бўйича кенгашганмиз. Аммо унда Валидов юксак мансаб эгаси эди, Марказқўмнинг ўзи у билан ҳисоблашарди. Валидов Бошқирдистон Республикасига раҳбарлик қиласарди. Валидов илгари ким



бўлганини билмайман, Марказқўмнинг ўзи унга ишонч билан муносабат билдирганлиги сабабли пировардида Валидов билан бирон-бир воқеа юз беради деб ўйламасдик.

Нима учун Султон Галиев қилмишларини кўрсатиб ўтмаганимни сўрашяпти. Албатта, тўғри, уни қоралаш керак ва Марказий назорат комиссиясининг резолюцияси бутунлай тўғри. Лекин мен бу ҳақда кўп тўхталиб ўтмадим, чунки менсиз ҳам одамлар етарли, Марказий назорат комиссияси менсиз ҳам бу айловни тўла ишлаб чиқкан. Шу боис мажлисда ўзими кўрсатиш учунгина Султон Галиевни сал бўлмаса отиб ташлаш зарурлигини бўрттириб кўрсатишни хоҳламайман. Марказий назорат комиссияси илгари сурган резолюция мутлақо тўғри ва бу ерда ҳеч қандай енгиллик бўлмаслиги керак.

Бироқ Султон Галиевни у билан хат ёзишиб турган ходимлар билан аралаштираслик ҳамда яхлит массага қўшиб юбормаслик лозим. Эҳтиёт бўлиш зарур. Эҳтимол, Султон Галиев билан қарашлари ўхшаш бўлган ходимлар то-пилар. Сўллар деб аталадиганларни қамаш ҳамда ўнг оғмачиликка мансубларни йўқ қилиш учун автоном республикалар ва областлар ходимлари таркибини қайта кўриб чиқиш зарурлиги ҳақида гапирган ўртоқ Скрипникка жавобан айтмоқчиманки, бу, аслида, партия XII съездининг миллий масала бўйича қарорини барбод этиш дегани бўлади.

Мен бу қарорлар мутлақо тўғрилигини ва воқеликка жавоб беришини съезддаги нутқимда айтдим ва ҳозир ҳам айтяпман. Аммо бу қарорларни ҳаётга татбиқ эта олишимиз бўйича мен пессимистик қарашга эгаман, чунки жойларда аҳвол ўта кескинлашган. Маҳаллий аппаратлар таркибига кўп ҳолларда партиянинг XII съезди қарорларига мутлақо хайриҳо бўлмаган кишилар бошчилик қилипти. Агар мавжуд аҳволга сўлликни ҳам, ўзини сўлларданлигини кўз-кўз қилишни ҳам қўшсак, бу партия XII съезди қарорларини

бутунлай барбод қилиш бўлади. Бу қарорлар қуруқ гап-сўзга айланади ва ҳаммаси қофозда қолиб кетади, амалда жойларда ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди. Шунинг учун ўйлайманки, ўз эътиқоди ҳақида гапириш ва шу эътиқодда туриш, дехқонларга нисбатан, майда буржуазияга нисбатан, зиёлиларга нисбатан тўғри сиёsat юритиш – битта масала, автоном республикаларни тугатиш керак деб бу ерда шунчаки қичқириш ва партиянинг XII съезди қарорларига мутлақо мувофиқ келмайдиган хulosалар чиқариш – бу бошқа гап. Бу ерда сўл сифатида чиқиш қилаётган ходимларга айтмоқчиманки, сизлар ҳақингизда (Иброҳимов ва Сайд Галиев ҳақида) ҳамда сизларнинг сўллигингиз хусусида Шарқда ҳеч ким билмайди. Шарқда бу борада ўз одамларини ва ўз сўлларини тарбиялаш зарур.

**Троцкий:** Яххиси, ўртоқлар, расмий статистикани тақоролашга камроқ эътибор берсан, чунки биз бу рақамларни маърузалар тўпламидан топиб олишимиз мумкин. Рақамларга кўп вақт кетяпти, назарий хulosалар чиқариш учун вақт қолмаяпти.

Кенгаш кун тартибига киритилган иккинчи масала муҳокамасида **Иномжон Хидириалиев** (Туркистон) ўз маърузаси билан қатнашади. Маъруза матнини тўлиқ келтирамиз:

Туркистон Республикасидаги босмачиликнинг аҳволини ва ундан келиб чиқадиган оқибатларни, асосийси, очарчиликни ёритиш менинг вазифамга киради. Босмачилик сиёсий ташкилот сифатида дастлаб Фарғона областида вужудга келган. Босмачиликнинг сиёсий жиҳатдан шаклланиши Кўқон буржуа мухториятининг ташкил топишига мувофиқ келади. Инқиlobга қадар, ҳамма жойда бўлганидек, Фарғонада ҳам майда талончи тўдалар бўлган, лекин улар ҳеч қандай сиёсий характерга эга бўлмаган ва асосан текин даромад топиш мақсадларини кўзлаган. 1917 йил охирида ташкил топган Кўқон буржуа мухторияти ўзига қуролли таянч истаб декларация эълон қилган. Унда



барча қуролли унсурлар, жумладан, жиноятчилар афв этилиши ва миллий армия сафига таклиф қилиниши айтилган. Шундай қилиб, Құқонда ушбу Құқон мухторияти тугатилаётганды, таҳминан 1917 йил ноябрь охиридан 1918 йил февраля бошларигача қарийб 2000 кишилик «миллий армия» тузилған. Мана шу жойдан сиёсий босмачилик келиб чиққан. Бу икки минг киши таркибида бөш ролни соғық жиноий унсурлар, талончилар үйнашған. Улар талончиликтер ва қотилликтер учун сурғун қилинған бўлиб, 1917 йили сургундан қайтиб келишгач, 10 – 12 кишилик тўдалар ташкил этишга ултуришған.

Шундай шахслардан бири Эргаш Құқон мухтор ҳукумати томонидан армия етакчиси ва Құқон шаҳри мудофаасининг олий бөшлиғи этиб тайинланған. Сўнгра Құқон мухтор ҳукуматининг большевикларга қарши олиб берган ҳарбий ҳаракатларига диний тус бериш, мұқаддас уруш ҳарактерини бериш учун руҳонийлар уни хон қилиб кўтаришди. У икки кун жанг қилди, икки кун хон сифатида имзо қўйди. Құқон мухторияти мағлубиятга учрагач, унинг етакчилари, буржуя зиёлилари ва руҳонийлар қочиб кетишли. Эргаш Құқондан 20 чақирим жойда лойдан тикланған оддий қалъа ташкил қилиб, ўз атрофига юзга яқин жиноятчи унсурларни тўплаб олди, бошқалар қочиб қолишли. Босмачиликнинг ривожланиши шундан бошланған.

### **Троцкий. Эргаш мусулмонми?**

**Хидирайиев.** Ҳа, мусулмон, жиноий ҳатти-ҳаракатлари учун Сибирга сурғун қилинған ва тўда ташкил этган соғық талончи. 1918 йилдан Эргаш Құқон мухтор ҳукумати берган миллий байроқ билан 1918 йил ноябрригача ҳукмронлик қилди. Шу пайтгача бирон кимса унга қўл текизмади. Бу эса ҳамма жойда майдада тўдалар ташкил этиш учун рағбат бўлған. Босмачиликнинг бөш сабаби, албатта, иқтисодиётдир, бироқ қўлига қурол туттган ҳар бир босмачи ўзига миллий озодлик курашчиси, ислом динининг

ҳимоячиси тусини берган. Авом омма кўз ўнгидан бамисоли иқтисодиёт саҳнадан тушиб, қипяланғоч сиёсат пайдо бўлған.

Шундай қилиб, 1918 йил июль-август ойларигача босмачиликка қарши кураш борасида, ким томонидан бўлмасин, мутлақо ҳаракат қилинмаганлиги билан характерланди. Босмачилик барча уездларда ривожланяпти ва яна таъкидлаб айтаманки, уларнинг бошлиқлари талончилик ва қотилликлар учун Сибирга сурғун қилинған жиноий унсурлардир. 1917 йил августида ҳар бир уездда 50 – 60 кишидан иборат ўз қуролли тўдасига эга йўлбошчилар пайдо бўлди, қурол топа олган бошқа жиноий унсурлар ҳам уларга қўшилиб, оқибатда оммавий талончиликлар содир бўлмоқда.

Айтиш керакки, совет ҳокимияти Туркистонга механик тарзда кириб келганди, ҳокимият дастлаб рус зиёлиларининг қўлига ўтди ва ҳеч ким босмачиликка қарши ҳеч қандай курашни ташкил этолмади. Совет ҳокимияти асосан арманларнинг миллий отрядларига, «Дашноқцутюн»га таянған. Шундай қилиб, босмачиларда қурол кўпайиб борганлигининг иккита сабаби бор. Биринчisi – осон ўлжага эга бўлишни истаган унсурлар ортга қайтаётгандан империалистик фронтнинг кекса аскарларидан қуроллар сотиб олишган. Талончиликлар бошланғандан сўнг ўзига тўқ унсурлар ҳам ўз мулкини ва фаровонлигини ҳимоя қилиш учун қурол сотиб олишга киришишган. Биз 1918 йили бир неча юз сўмга яхши ҳолатдаги учлинейник(милтиқ)ни 200 та патрони билан сотиб олишганининг гувоҳи бўлғанмиз.

Шундай ҳолат ҳам бўлғанки, совет ҳокимиятининг ҳарбий вакиллари олдига босмачилик ўсиб бораётгандан район аҳолиси келиб, 20 кишилик босмачилар тўдаси бир жойда маст ухлаб ётганини, уларни тутиш кераклигини айтганда комиссар бунинг учун қизил армиячиларга олдиндан 10 минг рубль тўлашни талаб қилған. Аҳоли ҳайрон бўлиб, ўз имзолари қўйилған аризани қолдириб кетишишган. Комиссар эса



ушбу аризани босмачилар тўдаси етакчиси-нинг укасига берган, натижада имзо қўйганларнинг барчаси бирма-бир чавақланиб, уйларига ўт қўйилган. Биз бундай ҳолатларнинг бир нечтасига гувоҳ бўлдик.

Сўнгра яна шундай ҳолатлар бўляпти, отрядлар бирон-бир қишлоқда уч кун илгари босмачилар бўлгани ҳақида маълумот олгач, шу қишлоққа келиб, «Бизга босмачиларни беринглар», – деб талаб қилишади. Бу вақт ичида босмачилар ўнта қишлоқ нарига бориб ултуришган бўлади. Мол-мулқлар араваларга юкланиб, шаҳарга олиб кетилади, бир неча киши босмачиларга хайриҳоҳлиқда айбланиб отиб ташланади. Отряд жўнаб кетиши билан босмачилар яна қайтиб келиб, отилган кишиларга аза очиб, худдики ўзларини мусулмонларнинг ҳимоячиси деб эълон қилишади, ўша пайтдан бошлаб европаликларни чавақлаб ташлашларини айтишади. Табиийки, аҳоли, бир тарафдан, ҳокимиётга хабар бергани учун босмачилар чавақлаётганини, бошқа тарафдан, отрядлар отаётганини кўриб туриб умуман гапирмай қўйяпти.

Кураш Фаргона шаҳарларининг рус қисмидагина кузга келиб, сентябрда босмачилар қишлоқ ва шаҳарлар ўртасига чегаралар қўйганда ташкил этиляпти. Бу паллада кураш соғи миллий характер касб этмоқда.

Босмачилик кун сайин кўпайиб боряпти. 1919 йил январь-февралига келиб шаҳарларнинг фақат рус қисмида сақланиб қолган совет ҳокимиёти маҳаллий аҳоли билан алоқага эга эмас. Маҳаллий ишчилар деб аталадиган тўда бундан мустасно. 1916 йили фронторти ишларига сафарбар этилган бу шахслар империалистик фронтда берилган ўша книжка туфайли ишчи бўлиб қолишган. Уларнинг 70 фоизи (мутлақо маъсулият билан айтаманки) безорилар, фирибгарлардан иборат. Уларни аҳоли империалистик ҳокимиёт талабидан қутулиш мақсадида сотиб олиб, фронтга жўнатган. Бу унсурлар фронтларда ўлиб кетишади деб умид

қилишган. Бироқ улар ўлмасдан, ҳокимиёт тепасига келишди.

Мана, энди босмачилик қаерда-ю, тинч аҳоли қаерда – чегарани топиш мушкул. Босмачиликка қарши беаёв кураш бошланди. У энг шафқатсиз миллий кураш тусини оляпти. Шундай кўринишлар кузатиляпти, босмачилар турган қишлоққа хужум қилинганида босмачилар кетганидан кейин қишлоқ бутунлай хонавайрон бўляпти. Биринчи хонавайронлик 1918 йил нояброда рўй берди. Туркистон Республикаси ҳарбий комиссари Осиповнинг (кейинроқ совет ҳокимиётига хиёнат қилган) ўзи раҳбарлигидағи отрядлар қарийб бир ярим минг хонадонлик аҳоли яшаётган Сузоқ қишлоғини бузиб, ёқиб юборишган. Бутун мол-мулқ Осипов қуроллантирган «дехқонлар армияси» (рус посёлкаларидағи Россиядан кўчириб келтирилган дехқонлар назарда тутилмоқда, генерал Муханов, полковник Монстров кўмондонлигига «Крестьянская армия» ташкил этилган – Р.Ш.) томонидан олиб кетилган (бу армия оқ гвардиячилар – қулоқлар тазиёки остида хиёнат йўлига ўтган). Бу қишлоқнинг маҳаллий аҳолисидан мингдан ортиқ киши ўлдирилгани рўйхатга олинган. Мурдалар дарё бўйларида чўзилиб ётган, уларни итлар еган.

Босмачилар эса мусулмонларни ҳимоя қиляпмиз деб лоф уришяпти. Улар мутлақо айбиз евropаликларни сўйиб ташлашган. Улар бир чекка шаҳарга жойлаштирилган, сўнг ўз уйларига кетишини кўзлаётган австрияликлар, мадъярлар ва бошқа ҳарбий асиirlардан 179 кишини сўйиб, мурдаларни дарёга ташлаб юборишган. Сузоқдаги жангдан олдин босмачилар бир қишлоқда ўзларининг иқтисодий ишлари билан бўлиб турган арман миллатига мансуб 13 кишини чавақлашган. Фарғонада босмачиларнинг сон-саноғи йўқ, ҳозиргача бирон киши уларнинг саноғини юритмаган ҳам.

1919 йил май-июнида маълум ўзгариш юз берди. Туркистон олий ҳокимиёти биз аҳоли



билан эмас, балки босмачиларга қарши кураш олиб борамиз деган маънода курашга тузатишлар киритган. Бунда айрим амнистияларга йўл қўйилган, аҳоли томонидан кўрсатилган отрядлар қуролсизлантирилган. Шундай қилиб, 1919 – 1920 йиллардан бошлаб босмачилар бизнинг томонимизга ўтишди, лекин бу ўтиш шундан иборатки, биз уларни қуроллари билан қабул қилиб олиб, совет полки деган ном беряпмиз.

1920 йили иккитасидан ташқари барча босмачилар биз томонимизга ўтишди. Уларни нима қилишимиз керак – биз билмаймиз. Фарғонадан кўчириб юбориш керакми – хоҳлашмайди, ушлаб турсак, улар аҳолини талашяпти, энди улар совет ҳокимияти номидан талашяпти. Шунда биз кнопкани босиб, тўсиқ қўйишимиз керак эди; аммо тўсиқни босмачилар ҳам бизга ўтганларга қарши қўйишди. Бу вақтга келиб алдов йўли билан асирга олинган Мадамин сўйилди. Мадаминни асирга олганлар қизил армия гарнизонига унинг муҳри билан иғво хати юборишган. Бунгача гарнизон қўшинлар штаби томонидан Мадамин музокара учун бораётгани ҳақида хабардор қилинган эди. Гарнизонда хатни олишгач, жангта тайёр бўлмаган ҳолида пешвоз чиқишган ва гарнизоннинг ярми йўқ қилинган.

Босмачилик 1922 – 1923 йилларда камая борди. 1922 йил 1 март ҳолатига кўра, расмий маълумотларга қараганда, 7000 босмачи; 1922 йил августида, ўртоқ Троцкийнинг буйруги ва РКП (б) Марказқўми директиваси келган вақтда Фарғонанинг ўзида 2000 босмачи бўлган. Кейин ноябрда хўжалик, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ва бошқа йўналишлардаги ишлар мувофиқлаштирилгани туфайли, 1922 йил 17 ноябрдаги расмий маълумотга кўра, 800 киши қолган. Ҳозир бизда босмачилар сони яна қўпайиб, 2400 кишига етди.

Босмачилик одамлар сонига нисбатан аввалгидек ҳолатда. Босмачиларнинг аҳоли ҳисобига кўпайиш ҳолатлари йўқ. Эски босмачилик

аста-секин ўз мавқенини йўқотмоқда. Куздан баҳоргача бўлган палладаги охирги кўпайиш ҳарбий босимнинг тўхтаб қолиши ва шу каби қатор сабаблар билан изоҳланади. Босмачилик кенг аҳоли оммасидан янги кучлар келиб қўшилиши эвазига эмас, балки айниб бўлган эски босмачи унсурлар ҳисобига кўпаймоқда. Буни умумий тазиик сусайганда ва босмачилар аҳолини террор билан қўрқитган пайтда кутиш керак эди.

Босмачилар уюшган ва уюшмаган ҳолда талончилик қилишяпти. Уюшган ҳолатда ёзма талабнома кўринишида солиқ йиғувчилар тайинлаб, солиқларни, контрибуция ва бошқаларни йиғишишяпти. Биз озиқ-овқат солигини йиғаётган пайтда улар ҳам шунинг 1/10 улушкини йиғишган. Шуни қўшимча қилиш керакки, қизил армия қисмларини ҳарбий операциялар ўtkазиш вақтида давлат ҳисобидан таъминлаш имконсиз. Чунки озиқ-овқатларни етказиш мумкин эмас, у ерда отлиқлар тоғлар, қоялар ва бошқалар бўйлаб кураш олиб боришади. Шунинг учун ҳам қизил армия қисмлари операциялар даврида аҳоли томонидан таъминланади. Биз қатор қарорлар чиқардик, ҳаммамиз бу ранжиган дэҳқонларнинг харажатларини қоплаб беришга рози ҳам, тайёр ҳам эдик, бироқ, афсуски, маблағ йўқлиги бунга имкон бермаётир. Бош қўмондон Каменевнинг келиши билан бу яна тасдиқланди. Биз қизил армия қисмлари ва милицияни давлат ҳисобидан таъминлаш масаласини Москвада қатъяян қўйиш ҳақида қарор чиқардик. Агар ҳарбий операция даврида таъминотни етказиш имконияти йўқлиги боис халқдан олинадиган бўлса, бунинг учун тўлов қилиниши керак.

### **Овоз: Милиция қанча?**

**Хидириалиев.** Фарғона ва Самарқандда 3500 га яқин. Бундай ҳолатда босмачилар кўпайиб, 10 мингчага этиши мумкин. Агар юз бермаган бўлса, бу фақат босмачилар амалда аҳоли кўз ўнгидаги ўзининг ҳар қандай сиёсий обрўсини йўқотганлиги учундир. Улар аҳолини ниҳоятда



бездеришди. Ҳамма жойда аҳоли жангга тайёр ва кўнгилли милиция тимсолида кураш олиб бормоқда. Асосийси, босмачилар совет давлати амалга ошираётган иқтисодий тадбирлар туфайли камайиб бормоқда. Масалан, ўтган йили кузда биз босмачилар ичида энг жангга қодирларидан бўлган, ўзининг тери заводига эга бўлиб, ўз йигитларига мундир кийдирган Раҳмонқулнинг тўдаси билан шуғулланилган районда далаларга уруғ экиб, оч аҳолини боқиб, уларни қўллаб-қувватлаганимиздан сўнг ўша аҳоли ва йигитлар анчайин кучли қўрбо-

баҳорда ҳам Фарғонага етказилди. Ҳозир биз бу ерга бош қўмондон қўллаб-қувватлаган ҳамда ҳозирда мавжуд босмачилик ва очарчиликни тугатиш бўйича аниқ таклифлар билан келдик.

Мен аввалги ва ҳозирги даврга доир бир қанча рақамларни қелтирмоқчиман. Масалан, 1917 йили экин майдони 886 минг десятинага тенг бўлган, 1922 йилда эса атиги 257 минг десятинани ташкил қилган (буларнинг ҳаммаси сугориладиган ерлардаги ҳақиқатда экин экилган майдонлардир). Ўртоқ Любимов бошини силкитяпти, аммо мен мавжуд рақамлар ва



IV кенгашдан сўнг Файзула Хўжаев 1923 йил июлида СССР Марказий Ижроия Комитети 1-чақириқ III сессиясида ҳам иштирок этган (ўртада Файзула Хўжаев)

шини асир тушишга мажбур қилишди, кейин биз уни отиб ташладик.

Шундай қилиб, биз кўраётган сиёсий чора-тадбирлар босмачиликни тугатишида жуда муҳим роль ўйнаяпти. Аммо бу йўналишда жуда кўп иш қилиш талаб этилмоқда. Биз жуда оз иш қиляпмиз, лекин шуни бўлса ҳам қиляпмиз. Экиш учун уруғлар кузда, кейинроқ

қишлоқ ҳамда посёлкаларга ташрифим натижаси асосида гапирияпман. Бизнинг бюрократик область ер-сув бўлимимизнинг агрономия бўлинмаси 730 минг десятина ерга экин экилишини тахмин қилгани ҳолда, аслида, 1920 йилда 430 минг десятина ерга экин экилган бўлса, бу бизнинг ишёқмаслигимиздан иборат ҳисобот бўлади, бошқа ҳеч нарса эмас.



**Любимов.** Мен ўлка тўғрисида гапиряпман.

**Хидириалиев.** Мен эса Фарғонадаги аҳвол тўғрисида маъруза қилияпман. Бизни босмачиликни тугатишнинг омилларини иқтисодиётдан излашга мажбур қилишганида қишлоқларга бориб, ҳақиқий иқтисодий аҳволни аниқлашимиз керак бўлди. Ўшанда 730 минг десятинадан иборат бўлган экиш режаси 80 фоизга бажарилганини эълон қилган облость ер-сув бўлимимизнинг таклифи ишёқмаслик ҳақидаги ҳисобот эканлигини алам билан қайд этишимиизга тўғри келди.

Сўнгра пахтачиликдаги пасайиш тўғрисида. 1916 йили Фарғонада 348 минг десятина ерда пахта етиширилган, 1922 йилда 17 минг десятина ерга чигит экилган. Ҳосилдорлик 1916 йилда 95 пуд, 1922 йилда 25 пуд, 1921 йилда эса ҳатто 1 десятинадан 15 пудни ташкил этган. Энди пахта нархи билан буғдой нархи нисбати аввал қандай бўлган ва ҳозирда қандай? 1913 йил пахта – 4,7; буғдой – 1,5; демак, бу ерда нисбат деярли з га 1. Бир пуд пахта уч пуд буғдойга тенг. 1921 йили бир пуд пахта 391, буғдой эса 600 – 800 сўмгacha бўлган. Бу ерда нисбат аксинча: бир пуд буғдой икки пуд пахтага тенг.

Энди чорвачилик ҳақида: 1917 йилда Фарғонада жами ҳайвонлар 1 500 000, 1920 йилда 750 000 бош, яъни ярми, қолаверса, ишчи ҳайвонлар бош сони кескин камайиб кетган. Менда ҳозир бу ерда эълон қилишнинг имкони бўлмаган рақамлар бор. Лекин, аслида, шундай бўлдики, илгари ҳар бир хўжаликка ярим бошдан ишчи ҳайвон тўғри келган. Бу ўринда, албатта, бойларнинг ерларига бойларнинг инвентари билан хизмат кўрсатадиган энг камбағал хўжаликлар, ерсиз хўжаликлар ва бошқалар назарда тутиляпти. Эндиликда бу микдор тахминан 15 – 20 баравар камайиб кетди.

Энди очарчилик тўғрисида. Биз, хўжаликнинг умумий яхшиланишига қарамасдан, ўтган йилдан бошлаб 400 мингга яқин очларни рўйхатга олдик. Бу ҳолат иқтисодиётнинг тубдан хонавайрон бўлгани билан изоҳланади ва

у қуйидагича тавсифланади: Ўтган йили жойларда текшириш ўтказганимизда Фарғонада қишлоқ хўжалигининг тахминий балансини сарҳисоб қилиб, катта танқислик мавжудлиги ни аниқладик. Фалладаги танқисликни 10 миллион пуд миқдорида белгиладик. Кейин Тошкентда маблағ етишмаслиги босими остида бу кўрсаткич бузилиб, бузилиб, икки миллиони давлат тартибида, тўрт миллиони эса товар олиб кириш учун белгиланган тарифни пасайтиришимиз туфайли олиб кирилишини ҳисобга олиб жами 6 миллионга етказилди. Бироқ, аслида, НЭПнинг ёрдамида Фарғонага давлат тартибида бир неча миллион уруғ кўринишида ҳамда куз ва баҳор учун қарийб 600 – 700 минг пуд дон очларга ёрдам тариқасида олиб кирилган.

Шундай қилиб, иқтисодиётнинг бу танқислиги бизга очлар сонини камайтириш имконини бермайди. Умуман олганда, иқтисодиёт 1921 йилга қараганда бирмунча яхшиланиб боряпти, лекин оч ошлигича қолмоқда. Биз бош қўймондон (С.С.Каменев) иштироқидаги йиғилишда бир қатор қарорларни қабул қилдик. Биринчидан, биз милицияни, албатта, давлат таъминотига ўтказиш керак деб қарор қилдик (мен қизил армия ҳақида гапириб ўтдим). Кейин очларнинг камида ярми федерация ҳисобига ўтказилиши керак, чунки биз, аслида, 400 минг очдан 8 мингини давлат маблағлари ҳисобидан таъминлаяпмиз, қолганлари эса ўлиб кетяпти.

Бундан ташқари, пахтачилик пасайиб кетган Фарғонада шоличилик кенгайяпти, бу эса безгакка сабаб бўлиб, ундан аҳоли ибтидоий усуlda даволанмоқда. Масалан, безгак тажовуз қилганда сиз кўпроқ ёғ истеъмол қилишнингиз керак, агар сизда ёғ ва дори бўлмаса, унда ҳеч нарса билан даволана олмайсиз, безгакдан халос бўлолмайсиз. Ўтган йили ёзда шаҳарларда безгакдан ўлганлар сони кунига 100 – 150 кишини ташкил қилган, қишлоқда ҳеч ким бунинг ҳисобини юритолмаган.



Шундай қилиб, биз турли солиқлар ва бошқалардан ташқари аҳолидан олинадиган ҳамма нарсаларнинг ҳақини тўлаш ҳақида қарор қилдик. Маблағлар керак, маблағ йўқ. Қизил армия ва қизил милиция ўртасида ташвиқот ишлари, албатта, жуда ёмон ташкиллаштирилган. ГПУ органлари бутунлай заиф деб тан олинди, чунки у ерда ходимлар йўқ, агентура иши учун пул йўқ.

**Сталин.** Миллий қисмлар ташкил қилиш имконияти-чи?

**Хидиралиев.** Миллий қисмлар ташкил қилиш имконияти бўйича менинг бутун бошли маърузам бор.

Ўтган йилги солиқлар бўйича имтиёзлар туфайли Фарғонада қишлоқ ҳўжалигига бирмунча силжишлар юз берди. Биз озиқ-овқат солиқининг 50 фоизини олиб ташладик ва баъзи давлат солиқларини бутунлай бекор қилдик. Бу йилдан Фарғонадан солиқларнинг жами 50 фоизини олиб ташлашни талаб қиласиз. Эндиликда ҳолат шундайки, молия бўлими агентлари бозорда пайдо бўлиши билан бутун бозор қочиб кетади ва талон-торож қилинади, чунки патентлар қиммат, малака эса нотўғри, шунинг учун шаҳарларда бу борада саросима мавжуд. Бошқа томондан, деҳқон 1 пудни бозорга олиб келиб, бўш қоп билан қайтяпти, чунки у ўша пуд молини солиққа, коммуналчиларга ва терисини шилиб оладиган турли-туман воситачиларга беради.

Шундай қилиб, умуман, аниқ таклифлар қуидагилар: ҳарбий босим, сиёсий ишни кўтариш, очларга ёрдам ва ссуда бериш, ҳўжаликни кўтариш учун деҳқон ҳўжалигига кўмаклашиш.

Менда босмачилик бўйича кўплаб характерли ҳужжатлар бор, улар билан ўртоқ Троцкийни таништиришга уриниб кўраман.

**Файзулла Хўжаев (Бухоро).** Ўртоқлар, Бухорадиги аҳвол Туркистондаги бу ерда ўртоқлар тасвирлаган ҳолатдан бирмунча фарқ қиласиди. Бу тафовут инқилобгача, охирги кунлар-

гача Россия империяси қарамлигига бўлгани ҳолида Бухоро ўзининг ички мустақиллигини сақлаб қолганлиги натижасидир. Бухоронинг Туркистондан бошқа фарқи шундан иборатки, унда ўзбеклар, тожиклар ва туркманлардан ташқари бошқа барча элатлар: руслар, арманилар ҳамда шу кабилар жуда оз миқдорни ташкил қиласиди. Мазкур икки ҳолат Бухоронинг Туркистон ва Россиянинг бошқа областлари сингари мустамлакага айлантирилишига имкон бермаган. Шу боисдан ҳозирги вақтда аҳоли ўз олдида фақат совет ҳокимиятини ўз ҳокимияти, маҳаллий ҳокимият сифатида кўриб турибди.

Тахминий маълумотларга кўра, Бухорода аҳолининг умумий сони – ҳанузгача Бухорода статистика бўлмаган ва йўқ – қарийб 3 миллион. Баъзилар ҳатто 3,5 миллион дейишиади, лекин бу ҳали текширилмаган, чунки статистика эндингина йўлга қўйиляпти. Ушбу 3,5 миллиондан ўзбеклар ҳиссасига 1778 минг, қорақирғизлар (қирғизлар – Р.Ш.) ҳиссасига 8 минг, ҳазарлар ҳиссасига 44 минг, форслар ҳиссасига 36 минг, ҳинд-авандлар ҳиссасига 19,5 минг, яхудийлар ҳиссасига 18 минг, туркманлар ҳиссасига 217 минг, қирғизлар ҳиссасига 260 минг, тожиклар ҳиссасига 390 минг, Европа миллатлари ҳиссасига 32,5 минг киши тўғри келади.

Ижтимоий таркиби бўйича аҳоли қуидагича бўлинади: деҳқонлар – 2 126 767 киши; ишчи ва хизматчилар – қарийб 3 фоиз; савдогарлар ва ҳунармандлар – биргаликда қарийб 19 фоиз ва муллалар – 3 фоиз. Ишчилар, ҳунармандлар ва муллалар сони бир хил. Шундай қилиб, совет ташкилотларига қарасак, Халқ Комиссарлари Советида ҳам, Бухоро Марказий Ижроия Комитетида ҳам ва бошқа ташкилотларда ҳам барча масъул лавозимларни нуқул бухороликларнинг ўзлари эгаллаб турибди. Уларни миллати бўйича қуидагича тақсимлаш мумкин: Бухоро Марказий Ижроия Комитети (МИК)да жами 85 аъзо бўлиб, улардан ўзбеклар 67 фоиз,



майда миллатлар – хазар ва қорақирғизлар 1,7 фоиз, яхудий аҳолисидан 1,82 фоиз, турклардан 5,95 фоиз, қирғизлардан 7,65 фоиз ва тоҷиклардан 11,90 фоиз. Бундан ташқари, ўтган 1922 йилда, советларнинг II съездиде бўлаётган вақтда туркманлар билан ўзаро муносабатларга доир масала мухокама қилинди. Чунки туркманларнинг айрим қисми мустақил яшашга интилаётган эди. Туркманлар ҳукуматда ўз вакиллари етарли даражада эмаслигини, улар районлар ҳокимиятида йўқлигини ҳис этишган. Шунинг учун Бухоро коммунистик партияси МК ушбу масалани бирмунча мухокама қилгандан сўнг (ёқлаган ўртоқлар ҳам, қарши чиққанлар ҳам бўлди) Бухоро МИК ҳузурида туркман бўлимини ташкил этишга қарор қилди. Шу бўлим туфайли ҳозир туркманлар Бухоро МИКда вакиллигига эга бўлиб, у туркманларга доир ишлар билан шуғулланяпти. Туркманлар аҳолининг асосий кўпчилигини ташкил этадиган жойларда, Чоржўй ва Керкин районларида – бу районлар чегара дош эмас – маҳаллий ҳокимият нуқул туркманларда иборат. Ўзбеклар ҳам яшайдиган жойларда улар мутаносиб тарзда тақдим этилган. Бу туманларда туркманларнинг саводхонлиги жуда паст, ўзбекларнидан ҳам паст (ўзбекларда 3 фоиз, уларда эса 1 фоиз) бўлганлиги боис уларга айрим техник ходимлар Бухородан ёрдамга юборилмоқда.

**Сталин.** Бухоро МИК президиумида дехқонлар неча фоиз?

**Файзула Хўжаев.** Дехқонлар ёки крестьянлар 66 фоиз, қолгани ҳунармандлар, совет хизматчилари ва аҳолининг зиёли қисми.

**Овоз.** Муллалар борми?

**Файзула Хўжаев.** Бухоро МИКда битта мулла бор. Биз келишувга кўра битта муллани ва битта савдогарни ўтказдик. Бухоро МИКда бошқа мулла йўқ. Президиум 11 кишидан иборат бўлиб, унинг таркибига ишчилардан бир киши, дехқонлардан икки киши, миллатлар вакилларидан уч киши, қолганлари кели-

шув бўйича киритилган. Кейин нозирларнинг ўринbosарлари бор: дехқонлардан ва миллатлар вакилларидан.

Бухоро коммунистик партиясида жами аъзолар сони 1600 киши. Учинчи тозаловдан сўнг атиги минг киши қолди. Улардан 340 киши европаликлар, 200 киши туркман, муайян миқдори ўзбеклар ва тоҷиклар. Партияга номзодлар – 400 киши. Ижтимоий таркибига кўра 320 киши европаликлардан, уларнинг ҳаммаси ишчилар, ҳунармандлар ва ишчилар – 35, хизматчилар – 20, дехқонлар – 45. Руслар қисми ишчиларнинг 80 фоизини берган, лекин амалда бутун ташкилот бўйича ишчилардан кўра дехқонлар ва хизматчилар кўпроқ.

Касаба уюшмалари. Бухоро савдо соҳаси анча ривожланган шаҳар бўлиб, унда ишчи ташкилотлар кўп. Касаба уюшмалари аъзолари – 6312 киши, шундан аравакашлар – 891, совет ходимлари – 550, озиқ-овқатчилар – 1355, қурилиш ишчилари – 780, маориф ходимлари – қарийб 400 киши. Ҳамма районлар бўйича касаба уюшмалари аъзолари сони 12 119 киши, биргина Янги Бухорода 1210 киши, бошқа қисмларда 300 – 400 кишидир.

Матбуот бўйича қайд этаманки, ҳанузгача Бухорода минг нусхалик ададда турк тилида чиқадиган битта газета бўлиб, рус тилидаги адади 500 – 600 нусхадан иборат эди. Кейинги пайтда биз Россиядан типография, қофоз сотиб олдик, ишчилар олдик, энди иккита журнал – иккаласи ҳам ўзбек тилида – чоп этиляпти. Ҳар иккала журнал ҳам мусулмон тилида чиқяпти, уларнинг биттаси касаба уюшмаларининг органи, бошқаси маориф органи; газета Бухоро Марказий Ижроия Комитети органи ҳисобланади. Брошюралар умуман кам нашр қилинган, советлар съездининг, партия съездининг икки-уч қарори, коммунистик партия дастури бундан мустасно. Шунингдек, яқинда Москвада учта брошюра чор эттирилди, иккитаси қишлоқ ҳўжалигига оид, биттаси динга қарши мавзуда. Ҳозиргача биз уни чоп эттиришдан



хавотирланиб турғандик; энди, эҳтимол, у Туркестонда тарқалиб кетар.

**Овоз.** Саводлилар неча фоиз?

**Файзулла Хўжаев.** Мен 3 фоиз деб айтдим, уларнинг ярми муллалар ҳиссасига тўғри келади.

**Овоз.** Муллаларнинг ҳаммаси ҳам саводли эмасми?

**Файзулла Хўжаев.** Йўқ, муллалар саводли, улар 10 – 12 йиллаб ўқишади.

**Овоз.** Сиз муллалар 3 фоиз деб айтдингиз, демак, уларнинг ҳаммаси ҳам саводли эмас экан-да?

**Файзулла Хўжаев.** Бизда статистика йўқ, мен бир фоизга адашаётган бўлишим мумкин.

**Оржоникидзе.** Статистика бўлмагандан кейин, албатта, адашиш мумкин.

**Овоз.** Биз, руслар, статистикага эгамиз, шунга қарамай, янглишамиз.

**Файзулла Хўжаев.** Бухоро инқилоби бошланишида, 1920 йил сентябридан бизнинг олдимиизга ер масаласи қўйилди, ўша даврда бу масалага катта аҳамият беришганди. Албатта, Бухорода аграр инқилобни амалга ошириш ҳақида, помешчиклардан ерларни тортиб олиб, дехқонларга бериш ҳақида талаблар бўлди. Ўшанда бизда Россиядаги маънода, ҳатто айттайлик, Еттисувдаги маънода помешчиклар йўқлигини, шу боисдан Бухорода ер масаласи ўзгача услубда ҳал этилиши кераклигини кўрсатдик. Гап шундаки, Бухоро шаҳридан ташқари бутун республикада сиз аҳолиси 20 – 25 минг кишидан кўп бўлган бирорта шаҳарни топа олмайсиз. Қаршини олиб кўринг, у энг катта шаҳар ҳисобланади, аҳолиси 12 – 20 минг киши. Шу боисдан шаҳар доим ер билан боғлик бўлган. Мен шаҳар аҳолиси ҳақида гапирияпман, бошқа томондан, Бухорода энг қадим замонлардан ерлар давлатга ва давлат йўлбошчиси – амирга тегишли бўлган. Бухорода ер муносабатлари унинг қишлоқ аҳолиси ва ислом феодализми ўртасидаги муносабатларнинг ҳал этилиши натижасида қарор топ-

ган муносабатлар сифатида ажралиб турган. Ушбу ислом феодализми қадим замонлардан бизнинг инқилобгача сақланиб келди. Шунинг учун ҳамма ерлар 4 тоифага бўлинган. Биринчи тоифа энг иириги бўлиб, амлок деб аталган давлат ерлари, бошқа қисми – султон амлоклари деб аталган подшо ёки амир ерлари. Улар фоиз ҳисобида жами ишлов бериладиган ерларнинг қарийб 60 фоизини ташкил қилган. Бундан ташқари, 15 – 20 фоиз ерлар мусулмон масжидлари ихтиёрида бўлиб, улар вақф ерлари деб юритилган. Фақат 20 фоиз ерлар хусусий шахслар қўлида бўлиб, бу ерлар Чоржўй, Бухоро, Қарши шаҳарлари, яъни Фарбий Бухоро ҳиссасига тўғри келган.

Бу ерда ерларнинг катта қисми сунъий усул билан, ариқлар ёрдамида суғорилган, қолган ерларнинг 50 фоизи боғора ерлар деб аталган. Инқилобдан бошлаб, амир таҳтдан ағдарилгандан сўнг бу ерлар ундан тортиб олиниб, ўша пайтда мавжуд бўлган инқилобий комитет томонидан декрет билан давлат ерлари деб эълон қилинган, ҳар қандай дехқон бирон-бир ер участкасида ишлов бериб, уни ўзига бириктириб олиши мумкин бўлган.

Бошқа тарафдан, инқилобгача ердан олинган даромаднинг ярми амирнинг чўнтағига тушган; у ағдарилгандан кейин ушбу солиқлар тугатилди ва 1921 йилгача бизда ҳеч қандай солиқлар йўқ эди. Энди бевосита озиқ-овқат солиги ва сув солиги жорий қилинди. Вақф ерларига доир масала ҳам ҳал этилди. Вақф ерлари тортиб олинди. Улардан келадиган даромадлар маҳсус давлат муассасасига туширилиб, улар турли мақсадларга йўналтирилди. Чунки вақф ерларидан келадиган даромадлар илгари ҳам ижтимоий ва коммунал эҳтиёжлар учун сарфланган. Агар Бухоро совет ҳукумати адашмаганида, айнан жами ерларнинг 5 фоизини ташкил этадиган бевосита масжид (чёрков) ерларини тортиб олмаганида, вақф ерлари масаласи тартибга солинган бўлур эди. Шундан сўнг муллалар даромад келтирадиган ерлари-



дан маҳрум бўлишди, аҳоли эса масжидларсиз ва муллаларсиз қолиши. Бу аҳолига шунчалик салбий таъсир қўрсатдики, босмачилар ҳаракати даврида, анварчилик ҳаракати даврида, Туркистонда бўлгани каби, Бухорода ҳам вақф ерларини қайтариб беришга мажбур бўлдик.

### **Овоз. Тўлиқми ёки йўқ?**

**Файзулла Хўжаев.** Ҳа, тўлиғича тикладик (қайтардик). Аммо энди биз вақф ерларини бир нечта тоифаларга бўлиб, масжидларга алоқаси бўлмаган тоифаларини давлат даромадига айлантириш масаласини қўйдик. Бу масала ҳали ҳал бўлгани йўқ, афтидан, уни Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар билан биргаликда ҳал этишга тўғри келади, чунки бу масала ҳамма учун умумий.

Бизда судга доир ишлар Туркистондагидан бирмунча бошқачароқ эди. Бизда ҳеч қандай ҳамма ҳеч қандай фуқаролик қонунлари бўлмаган. Бизда ҳар қандай можароларни, ҳар қандай ишни ҳал этишда шариат, Муҳаммад қонуни қонун бўлиб хизмат қилган. Ишлар шу шариат бўйича ҳал қилинган. Замонавий асосларга таянган қонунлар, фуқаролик судлари совет ҳокимияти томонидан жорий этилмоқда. Инқилоб бошида ушбу қозилик суди, шариат судлари тутатилди, лекин босмачилар ҳужуми туфайли ўтган йили улар тикланди, совет судлари эса айрим жойларда бутунлай йўқ қилинди, улар фақат республиканинг руслар яшайдиган қисмида ва марказий жойларда қолган. Жорий йил бошида совет судлари йирик пунктларда қайта тиклана бошлади. Ҳамма пунктларда улар борлигини билмайман-у, лекин айрим жойларда улар қайта тикланди. Бизнинг Бухорода судлар масаласини бу икки типдаги судларни таққослаб, тизимли кураш йўли билан ҳал этишга тўғри келади. Бунинг устига, шуни қўшимча қилиш жоизки, никоҳ масалалари, мусулмон аҳоли нуқтаи назаридан соф диний масалалар, шубҳасиз, ҳозиргacha бўлган ҳолатда қолади, чунки ҳозир бирон-бир ўзгариш қилиш имконсиз бўлиб турибди.

Энди қишлоқ хўжалигига доир бир неча оғиз сўз. Бухорода қишлоқ хўжалиги ҳанузгача ибтидоий аҳволда турибди. Ҳеч қандай янгилик бўлган эмас. Босмачилик туфайли қишлоқ хўжалиги анча зарар кўрди. Бир қатор тармоқлар, масалан, пахтачилик зиён кўрди. Фақат кейинги пайтда деҳқонларни давлат кредити билан таъминлаш учун, вайрон бўлган хўжаликни қисман тиклаш учун ҳукумат томонидан чоралар кўрилди. Айниқса, бу Шарқий ва Фарбий Бухоро ўртасидаги минтақага тааллуқли. Ишчи ҳайвонлар билан, шунингдек, янги ишлаб чиқариш қуроллари билан ёрдам кўрсатиш кўзда тутилмоқда. 1922 йил ўрталарида ушбу кредит учун олтин ҳисобида 300 минг рубль ажратилди. У пайтларда ҳеч қандай кредит ташкилотлари йўқ эди, фақат Давлат банки ўз фаолиятини бошлаганди. Уч йил муддатга берилган ушбу кредит фоизсиз бўлиши, деҳқонлар уч йилдан кейин уни натура ҳолида қайтаришлари керак эди. Кейин Бухорога 5000 бош ишчи ҳайвон келтирилиб, шундай асосларда тарқатилиши, деҳқон уни шу йил олиб, кейинги икки йилда пулинни бўлиб-бўлиб тўлаши кўзда тутилганди. 5 минг бош ҳайвоннинг ҳаммаси бўлмаса-да, лекин анча катта қисмини олиб келиб, деҳқонларга тарқатишга муваффақ бўлинди. Сўнгра бу йил Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар билан келишиб, қишлоқ хўжалиги кредити ташкил қилинди. Унда Бухоро олтин ҳисобида 500 – 700 минг рубль билан қатнашяпти. Ушбу кредит тўлиғича Бухоро деҳқонлари орасида тарқатилиши керак эди. Кейин ҳозир артеллар барпо этиш ҳамда шунинг замирида айрим деҳқон қисмларини ташкил қилиш, шундай тарзда ерга ишлов беришнинг янгича усувларига бирмунча кўни-киши учун аҳолига имкон бериш мақсадида Москвада ва Россиянинг бошқа қисмларида 200 та ўроқчи машина ва 20 тагача янчиш машинаси харид қилинди.

Саноатга тўхталарадиган бўлсак, албатта, у бизда мавжуд эмас. Бир нечта пахта тозалаш



заводлари бор, ишчилар жуда оз, уларнинг кўпчилиги бошқа жойдан келганлардир, маҳаллий ишчилар эмас. Иккита ёф заводи ва тегирмон бор. Ўтган йили бизга тўртта фабрика берилди, улардан иккитаси Бухорога жойлаширилди, биттаси ёзув қофози ишлаб чиқардиган, иккинчиси тери-кўнчилик фабрикаларидир. Ушбу фабрикаларни жойлаштириш икки ой аввал бошланган, энди бизда кредит етишмаётганлиги сабабли бу иш қисман тўхатилди. Чунки айни пайтда пул белгиларини унификациялаш (бирхиллаштириш) ўтказиляётганлиги сабабли ҳозир бу қурилишларга кредит ажратиш мумкин эмас. Бошқа фабрика ҳозир Москвада ишлаб турибди, Бухоро пахтасини қайта ишлаяпти, шу жойдан Бухорога матолар, чит, йигирилган иплар ва бошқалар юбориляпти, у ерда 2 мингга яқин киши ишланияпти. Бу фабрика Бухорога кўчириб ўтказилиши мумкин эмас, чунки бино ҳам, тегишли миқдордаги ишчилар ҳам ва кредитлар ҳам йўқ – ўйлаймизки, бу ишни яқин 2 – 3 йил ичida амалга ошириш мумкин бўлади. Шундай қилиб, мазкур икки фабрика Бухорода саноатга асос солади. Бу йил Эски Бухоро шаҳри бўйлаб электр тортдик. Кўчалар бўйлаб симёғочлар ўрнатилди, ҳамма нарса жойлаштирилган ва ўн кунлардан кейин шаҳар ёритилади.

#### Овоз. Электр ёниб турибдими?

**Файзулла Хўжаев.** Бу Бухоро учун улкан иш, аҳоли ҳеч қачон электрни билмаган, ҳозир эса шаҳар ёритилди ва яқин жойлашган айrim заводлар шу энергияда ишлайдиган бўлади.

Вайрон бўлган шаҳарларни тиклаш бора-сида катта ишлар бошланди. Шарқий Бухоро бўйича ҳамда Шарқий ва Фарбий Бухоронинг ўрта минтақаси бўйича бундай вайрон бўлган шаҳарлар сони саккизтага боради. Биринчи навбатда Бухоро шаҳрини тиклајмиз, зоо ўринли университет интернати билан 1500 то-мошабинга мўлжалланган театр қуриляпти, тегишли бозорлар ва бошқалар тикланмоқда. Бу йил тегишли ташвиқот ҳамда муллалар-

нинг тегишли дуоси билан шаҳар марказидаги у пайдо бўлган вақтлардан буён мавжуд бўлган йирик қабристонни буздик. Аввалбошда бу иш ёмон дейишганди, қабристон ўрнида яхшиги-на кўча пайдо бўлганини кўришгандан кейин теваракдаги туманларнинг аҳолиси ҳам улар яшайдиган ҳудуддаги мозорларни ҳам бузиб, шундай кўчалар ўтказиб беришни сўрашди. Шундай қилиб, тиклаш ишлари бошланди. Бундан уч ойча илгари Қарши ва бошқа шаҳарларга ишлар режасини ишлаб чиқиши учун одамлар юборилди, бунинг учун тегишли асигновка ўтказилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида катта ишлар амалга оширилди. Инқилобга қадар 3 миллион аҳолига иккита доктор ва битта дорихона бор эди. Ҳозирги вақтда барча асосий шаҳарларда унча катта бўлмаган шифохоналар, йирик пунктларда фельдшерлик пунктлари мавжуд. Бунинг устига, аҳолининг бир қисми дориларни текин оляпти, тўловга қурби етадиган бошқа қисми тегишли равишда ташкил қилинган дорихоналардан харид қилмоқда.

Аммо безгак – бу халқимиз бошига тушган ballo. Мана шу безгак туфайли кўпчилик Бухорога боришдан бош тортади. Бу безгакка қарши биз катта кураш олиб боряпмиз. Германиядан 150 пуд хина сотиб олиб, уни Москва орқали Бухорога жўнатдик. Қарийб бешта безгакка қарши станция Моствадаги станциялар услубида жиҳозланди. Доктор Исаев бошчилигидаги рус врачлари гурухи жойга бориб, ботқоқликларни қуритиш, аҳолини даволаш билан шуғулланмоқда. Шундай қилиб, катта аҳамиятга молик бу иш ҳозир бошланган.



Григорий Бродо – Шарқ халқлари коммунистик университети ректори, миллатлар иши халқ комиссари ўринbosари



Яна бир неча оғиз гап босмачилик тұғрисида. Бугун үртоқ Хидирайлиев Фарғонадаги босмачиликнинг аҳволини ва унинг пайдо бўлиши сабабларини қисман тасвирлаб берди. Менимча, босмачилик қачондир Қўқон мухтор ҳукумати тузилгани учунгина эмас, балки жаҳон уруши энди бошланган вақтда Туркистон, Бухоро ва Хоразмда иқтисодий аҳвол ёмонлаша бошлаганлиги сабабли ҳам юзага келди. Чунки бу уч мамлакат барча ҳаётий ишларда Россия билан боғланмаган эди. Февраль ва Октябрь инқилоблари туфайли улар кўп нарсанни бой беришди. Чунки йўллар беркилганди, ҳеч қандай алоқа йўқ эди. Дехқонлар ихтиёрида бўлган бир пуд пахта 10 рубль ўрнига 80 тийингача борди, шунинг учун аҳолининг жуда катта қисми мутлақо ишсиз қолди. Сўнгра Туркистон пахта етиширишга мослаштирилган эди, ғалла экишга эса аҳоли бирданига ўтгани йўқ, чунки ғаллани Шимолий Кавказдан кутарди – очарчилик юзага келди. Ушбу очарчилиқдан юз минглаб аҳоли, айниқса, қирғизлар орасида қирилиб кетди. Бошқа тарафдан, инқилобдан сўнг, Туркистон Россиядан узилиб қолган ва ўз ҳолига ташлаб қўйилган вақтда Туркистон таркибида бир-бирига душман бўлган, бир неча марта ўзаро жанглар қилган ўз амирлари, ўз қўшинлари бўлган Бухоро, Хоразм мавжуд бўлган пайтда Афғонистон ҳамда Англияликлар Бухорога ва Бухоро орқали бошқаларга таъсир кўрсатмай қолмади. Англияликлар Бухорода инқилоб бошланган вақтда пайдо бўлишди ва уларнинг таъсири жуда катта кўлам касб этган босмачиликнинг ривожланишида катта аҳамиятта эга бўлди. Шунинг учун Бухородаги, Фарғона ва бошқа жойлардаги босмачилик масаласини кўриб чиқаётган вақтда унга алоҳида тор масала сифатида қарамаслик керак, балки Ўрта Осиё республикалари учун умумий кўриниш сифатида кўриб чиқиш зарур.

Ўтган йили Анвар Шарқий Бухорода, икки ойдан сўнг Фарғонада ўз ҳаракатларини бошлади. Кейин унинг ўрнига 1915 ёки 1916 йилда Қашғар билан чегарарада қирғизлар, ўзбеклар ва

бошқаларни қўзғолонга кўтарган, анча эпчил ва анча айёр Салим пошо келди. У босмачиларга раҳбарликка қилаётган турк зобити ва Туркия ҳукумати эмиссари бўлиб, босмачилар доимий равишда унинг кўрсатмаларига амал қилишяпти. Ҳозир босмачилик ўтган йилдаги каби аҳамиятга эга эмас, лекин биз тактик хатоларга йўл қўядиган бўлсак, у аҳамият қасб этиши мумкин. Босмачилардан халос қилинган жойлар иқтисодий жиҳатдан тикланиши, бу жойлар аҳолиси совет ҳокимияти яратган қандайdir нарсалардан фойдаланиши, совет ҳокимияти аҳолига яқинроқ бўлиши учун ҳозир тегишли чора-тадбирларни кўрмасак, босмачилик яна муваффақият қозониши мумкин. Босмачилик хусусида мана шуларни айтиш мумкин.

**Овоз.** Валидов нима қиляпти?

**Файзула Хўжаев.** Валидов Ўрта Осиёда бир жойдан бошқа жойга кўчиб юрибди, у гоҳ Бухорода, гоҳ Тошкентда, гоҳ Хоразмда. У босмачиларнинг раҳбарларидан бири ҳисобланади.

Энди қизил армия билан муносабатлар хусусида бир неча оғиз сўз. У ерда ҳеч қандай қарма, ҳеч қандай қурилма, ҳеч қанақа ғалла қабул қилиш пункти бўлмагани сабабли у тарафга ҳаракатланган армия ғаллани ва бошқа барча керакли нарсаларни аҳолидан олишга мажбур бўлди. Аҳоли эса тоғларга қочди. Қазармалар йўқлиги боис қўшинлар масжидларга ва бошқаларга жойлаштирилди – буларнинг ҳаммаси Шарқий Бухоро аҳолиси ва Қизил Армия ўртасида душманлик қайфиятини юзага келтирди. Бу, табиийки, инқилобнинг дастлабки даврида, тегишли ҳарбий маъмурлар томонидан ҳам етарли чора-тадбирлар кўрилмаган пайтда давом этди.

Мен кўрилган чоралар ҳали ҳам етарли эмас деб ҳисоблайман. Шунга қарамай, бу чоралар Ғарбий Бухорода ҳозиргача мавжуд бўлган вазиятни маълум даражада юмшатди, аҳолининг қизил армияга муносабати яхши-



ланиб бормоқда. Шуни қайд этишим мүмкінки, у ерда муносабатлар дўстона ва қардошларча. Бутун Бухоро советларининг III съездидан сўнг у ерга жўнаб кетган комиссиямиз фаолиятидан кейин бу, айниқса, сезиларли бўлиб қолди. Комиссия билан РКП Марказқўми вакили ўртоқ Соколов бор эди, Бухородан маҳаллий маблағлар ажратилди, базаларга тегишли озиқ-овқатлар келтирилди, казармалар имкон даражасида ташкил қилинди, шу боисдан шикоятлар охирги пайтда тобора камайиб борди. Ўйлайманки, бундан буён ҳам тегишли чора-тадбирлар кўриладиган бўлса, Шарқий Бухорода ушбу казарма шароити туфайли, озиқ-овқатларнинг этишмаслиги туфайли, қизил армия мутлақо уст-бошсиз келгани сабабли юзага келган муносабат барҳам топади. Қизил армия хусусида шуларни айтиш мумкин.

**Овоз.** Сизларда миллий қисмлар қанча?

**Файзулла Хўжаев.** Бизда иккита полк бор, биттаси – отлик, бошқаси – пиёдалар полки. Бундан ташқари, қарийб 3 минг кишилик милиция бор. Тўғриси, ўтган йилга қадар бу милиция ҳеч қандай куч эмас эди. У тарқаб кетарди ва баъзан босмачиларга қўшилиб оларди. Шунингдек, бизда ҳарбий қўшинлар ҳам фақат бошланғич ҳолатда эди, аммо бу йилги амалиёт мутлақо аксини кўрсатди. Чунончи, милициянинг оддий ходимлар ва қўмондонлар таркиби айрим қисмлари ва бошқалар тозаловдан сўнг яхши натижалар берди. Бу йил биз Чоржўда маҳаллий милиция ва босмачилар ўртасида бўлиб ўтган бир нечта шафқатсиз курашларга гувоҳ бўлдик. Жойда қўлга тушган босмачилар тирик қолдирилмаётганди, уларни йўқ қилишаётганди, ижтимоий тартибни бузиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида ҳокимиятнинг бу ишларга аралашувига тўғри келди. Шаҳсов облости хусусида ҳам шуни айтиш мумкин. У ерда бошидан охиригача маҳаллий милиция шаҳарни босмачилар хужумларидан ҳимоя қилиб келди ва унинг бевосита иштирокида босмачилар

даф қилинди. Ушбу шароитлар туфайли, биз ўйлаганимиздек, у ерда ҳам босмачилик тарқалиб кетди, республиканинг бошқа туманларида ҳам ҳозир милиция дуруст ташкил этилган.

Ушбу иккита полкни кучайтиришни ўйляпмиз, аммо бизда қўмондонлик таркиби умуман йўқ. Ўқув рус тилида олиб бориляпти, команда ҳам рус тилида бериляпти, лекин биз Чоржў шаҳрида битта ҳарбий мактабга – отлик ва пиёда қўшинлар мактабига эгамиз. Унинг биринчи битиравчилари бўлди, лекин бу битириш етарли асосга эга бўлмади. Ўйлаймизки, агар келажақда ушбу мактаб муайян миқдорда қўмондонлар ва комиссарлар чиқарса, унда биз аввалги қўмондонлар таркибини алмаштириш, миллий турк тилини жорий қилиш имкониятига эга бўламиз.

Ўз-ўзидан равшанки, турк тили давлат тили саналади, туркманлар ва тожиклар яшайдиган жойларда туркман ва тожик тиллари шундай бўлади, бунинг устига, ўзбек ва туркман тиллари ўртасида катта фарқ йўқ, форс ва ўзбек тиллари ўртасида эса катта фарқ бор.

Энди СССРга муносабат хусусида. Биз ҳанузгача СССР таркибига кирмадик. Бу масала бизнинг олдимизга қўйилмаган бўлса-да, Бухорода уни қисман муҳокама қилдик. Ўйлаймизки, Бухоро СССР таркибига алоҳида иқтисодий бирлик сифатида бевосита кириши керак ва бу борада вакилимиз советлар съездидан тегишли баёнот берган. Ҳозир бу масалани Ўрта Осиё бюросига қўйдик, лекин ҳанузгача ҳал этилгани йўқ. Бир тарафдан, биз халқ республикасиз, шу боис Иттифоқка кирмадик, бошқа тарафдан, айрим комиссарликларимизни қўшиб юбордик, пул белгиларимизни бирхиллаштиридик... Умуман, бу масала ҳали ойдинлаштирилмаган. Ҳар ҳолда, бизнинг иттифоққа муносабатимиз айнан шунақа.

**Фрунзе.** Бунга аҳоли қандай қарайди?

**Файзулла Хўжаев.** У ерда ҳеч қандай уюшган ташвиқот ишлари олиб борилмади, шу



боис аҳолининг бу масалага муносабатини аниқлаш мумкин бўлмади.

**Раис.** Пул ислоҳоти сизларда ҳали ҳам ўтка-зилияптими?

**Маърузачи.** Пул ислоҳоти бошланган, аммо у нима билан тугаши номаълум.

**Г.Бройдо (Хоразм)...** Мен масъул вакилимиз Городецкийдан анкетада берилган саволларга жавоб сифатида рақамлар олдим. Улардан кўринадики, Хоразм Республикаси бизнинг барча районларимиздан анча қолоқ. Қуидаги рақамлар энг характерлilари ҳисобланади. Партия 1035 кишидан иборат. Ижтимоий таркибига кўра у қуидагича: 50 фоиз савдогарлар (собиқлар эмас, ҳозир савдо ишларни олиб бораётганлар), 10 фоиз руҳонийлар (собиқ эмас, фаолият олиб бораётганлар), 15 фоиз хизматчилар, косиблар, ҳунармандлар – бу партияning синфий таркиби.

**Фрунзе.** Бу савдогарлар жами аҳолининг 50 фоизими?

**Троцкий.** Жами аҳолининг 50 фоизи савдогар бўлганини қаерда кўргансиз? Улар нима билан савдо қилишади? Бу партияning 50 фоизи – савдогарлар, ахир улар энг прогрессив унсурлар-ку (*кулги*).

**Бройдо.** Маданий аҳвол шундай: Хоразмда турлича мактаблар 29 та, ўқитувчилар 63 киши, улардан 50 нафари бошқа жойдан келган татарлар, диний мактаблар 282 та. Аҳоли сони 1 млн 250 минг киши. Давлат аппаратига келсак, у ерда тозалов ва қисқартиришдан кейин 674 киши қолган; раҳбар доиралар 200 кишидан ортиқ, улардан ўзбеклар 110, қирғизлар 11 ва туркманлар 5 киши. Бу ерда шуни қайд этиш жоизки, Хоразм Республикасида устун миллат билан мазлумлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар автоном республика ичкарисида анча ёрқин намоён бўлган. Республика ичкарисидаги ўзбеклар ва туркманлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар шундайки, 25 – 30 фоиз туркманлар бўла туриб, Хоразмда уларни партия ва совет қурилишига жалб

етиш борасида ҳеч нарса қилинмаган.

Халқ маорифи борасидаги ишлар янада ёмонроқ аҳволда. Масалан, 1,5 минг ўқийдиган болалар ўртасида 120 – 125 нафари туркман болалари, қолганлари ўзбеклар.

Хоразмдаги энг оғир масала шуки, ўзбеклар эртароқ келиб ўтроқлашгани учун сув йўллари жойлашган ҳудудни эгаллашган, магистрал ариқларни олишган, сувнинг ҳаммасини қўлга киритишган. Туркманлар эса фақат энди ўтроқлашияпти ва ўзбекларга бутунлай қарам бўлгани ҳолда сув беришни талаб қилишапти. Ўзбеклар аппаратда ва хўжалик органларида юқори мансабларни эгаллашган. Хоразмдаги мавжуд босмачилик ҳам асосан ўзбеклар ва туркманлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар билан изоҳланади.

Хоразм Республикасидаги асосий вазифа туркманлар банд этган чўлларда ирригация қурилишини кучайтиришдан ҳамда туркманларнинг ўтроқлашувига ва ўтроқ хўжалик билан шуғуланишига кўмаклашишдан иборат. Мана шу заминда бошқа соҳалардаги ижтимоий тенгсизлик ҳам барҳам топади.

Хоразм ҳудудида ҳарбий қисмлар бўлиб, улардаги аскарларнинг сони мингдан икки минггacha боради. Ҳарбий қисмларни сақтаб туриш қашшоқ республика гарданига оғир юк бўлиб тушяпти. Бу масала кескин бўлиб турибди; босмачиларнинг мавжудлиги ушбу аҳвoldан чиқиб кетишга имкон бермаяпти. Шундай қилиб, биз ирригация хўжалигини юритиш зарурлигига яна бир бор дуч келяпмиз. Бу ерда туркманларнинг кучларидан фойдаланиб бу ишни энг оддий тарзда амалга ошириш мумкин бўлур эди. Хоразм ҳукумати айрим чораларни кўрди, лекин улар етарли эмас. Бу борада уларга кўмак кўрсатиш зарур.

**Раис.** Хоразм Республикасининг тўлиқ номи қандай?

**Бройдо.** Хоразм Совет Халқ Республикаси («Социалистик»сиз).



# УЛАР СТАЛИН ҚАБУЛИДА БҮЛГАН ЭДИЛАР

Р. Шамсутдинов, М. Худоёров, А. Маҳкамов



1924 – 1953 йилларда И.В.Сталин қабулхонасида фаолият кўрсатган навбатчи котиблар томонидан унинг қабулига келганлар минут-ма-минут рўйхатга олиб борилган. Бу ҳақдаги маълумот ва материаллар 2008 йили Москвадаги «Новый хронограф» нашриётида чоп этилган «На приёме у Сталина» номли китобдан ўрин олган. Бу ноёб асар Сталин ва сталинчи-

ликнинг очилмаган сир-асрорларини акс эттирувчи қимматли манбадир.

1922 йил апрелида РКП (б) Марказий Комитетининг бош котиби лавозимига сайланган И.В.Сталиннинг қабулхонасига улкан мамлакатнинг турли жойларидан кўплаб раҳбар ходимларнинг, оддий кишиларнинг ташрифи сира тўхтамаган. Айрим кунлари Сталин ху-



зурига 40 нафаргача киши ташриф буюрган. Улар орасида Сталиннинг яқин сафдошлари, партиясиз фаоллар, таниқли ёзувчилар, камтарин совет хизматчилари, кўзга кўринган ҳарбий бошлиқлар, партизанлар отрядларининг раҳбарлари бўлган. Бу жойга кўплаб олимлар, конструкторлар, меъморлар, учувчилар, разведкачилар, дипломатлар, журналистлар ва бошқалар қадам ранжида қилишган. Улар орасида талайгина чет эллик меҳмонлар, партия, давлат ва жамоат арбоблари, ҳарбийлар, адабиётчилар, элчилар, тадбиркорлар, руҳонийлар ва бошқалар бўлган. Улар бу кабинет соҳибига ўткир қизиқиш билан ва ички эҳтиёткорлик билан қараганлар, чунки бу ерда миллионлаб кишиларнинг тақдири ҳал қилинади. Сталин кабинетига кирганларнинг ҳар бири рўйхатдан ўтарди. Қабулхонада навбатчи котиблар ташриф буюрувчиларнинг исму шарифини, улар Сталин хонасида қачон ва қанча муддат давомида бўлганини қўнт билан ёзib боришган. 1925 йил март ойининг ўзида Сталин 127 кишини қабул қилиб, улардан фақат 1 кишига рад жавобини берган. Бошқа раҳбарларга қараганда Сталин кўпроқ одамларни қабул қилган. Масалан, 1925 йил марта А.А.-Андреев 56 кишини, Л.М.Каганович 73 кишини, Вячеслав Молотов 109 кишини, И.В.Сталин эса 127 кишини қабул қилган. Сталин кечки ва тунги соатларда ишлашни афзал билган. Бу билан унинг сафдошлари ҳам ҳисоблашишган. 1930 йиллар охири – 1940 йиллар бошларида қабул 14 – 15 соатлаб давом этган. Одатда, қабул кечки соатларда бошланиб, тунги соат 3, тонгги соат 5 гача давом этарди (1938 йил 28 сентябрь, 21 октябрь, 7 декабрь).

Сталиннинг шахсий ҳокимияти мустаҳкамлангани сари давлатнинг ички ва ташқи сиёсати масалаларини ҳал қилишда унинг таъсири тобора кучайиб борган. Кўплаб масалалар унинг сафдошлари, Марказий Комитет Сиёсий бюроси аъзолари ёки таклиф қилинган хўжалик тармоқлари раҳбарлари, фан, мада-

ният, таълим ходимлари орқали ҳал қилинган.

Сталиннинг улкан қабулхонаси Совет Иттифоқидаги миллий республикалар қатори Ўзбекистоннинг раҳбар ходимлари, вакиллари учун ўз замонида мўътабар даргоҳ бўлган. Мазкур мақолада Stalin қабулида бўлган ўзбекистонликлар ҳақида айрим маълумотларни келтиришни жоиз деб билдиқ.

И.В.Сталин жойлардаги миллий ходимларга нисбатан ниҳоятда талабчан ва ғамхўр эди. У Туркистоннинг таниқли арбоби Иномжон Хидиралиевни ҳам қадрлаган. Биринчи бор И.Хидиралиевни Сталин 1921 йил марта партиянинг X съездида кўрган. Кронштадтда аксилинқилобий исён кўтарилиши муносабати билан уни бостириш учун съезд делегатларидан зоо нафари сафарбар қилинган. Улар орасида И.Хидиралиев ҳам бўлган. Жанглардан бирида у чап оёғидан ўқ еган ва оёғи кесиб юборилган эди. 1922 йил октябрида эса Марказнинг розилиги билан қўлтиқтаёқлик И.Хидиралиев Бутунтуркистон Марказий Ижроия Комитетининг раиси лавозимига сайланди. Бунда миллатлар иши халқ комиссари И.В.Сталиннинг хизмати катта бўлган эди.

И.Хидиралиевнинг И.В.Сталин билан навбатдаги учрашуви 1923 йил 8 – 12 июнда Москвада РКП (б) Марказий Комитетининг миллий республикалар ва обlastлар масъул ходимлари билан ўtkazilgan IV кенгашида юз берган. Кенгаш бевосита И.В.Сталин томонидан ташкил этилган. Унда Марказий назорат комиссиясининг Султон Галиев тўғрисидаги масаласи ва XII съезднинг миллий масала бўйича қарори асосида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар кўриб чиқилган. И.Хидиралиев ҳар иккала масала бўйича нутқ сўзлаган. У Туркистон Республикасидаги босмачилик ва очарчилик оқибатларини тутатиш тўғрисида катта нутқ сўзлаётган вақтда И.В.Сталин «Миллий ҳарбий қисмлар ташкил қилиш имконияти масаласи чи?» деган савол берган. Хидиралиев: «Миллий ҳарбий қисмлар ташкил қилиш имконияти ма-



саласи бўйича менинг бутун бошли ҳисоботим бор», – деб жавоб қиласди ва мазкур масалани батафсил баён этиб беради. Бундан И.В.Сталин ва кенгаш иштирокчилари мамнун бўлишади.

Ўзбек арбоби Иномжон Хидиралиев 1924 йил 19 – 26 январда бўлиб ўтган Бутунrossия Советларининг XI съезди, 31 январдаги СССР Советларининг II съездидаги РСФСР Марказий Ижроия Комитети Президиуми аъзоси, СССР Марказий Ижроия Комитети Президиумининг аъзоси сифатида иштирок этган. 1923 йил нояброда эса СССР Марказий Ижроия Комитети III сессиясида маъруза қилиб, Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитети фаолияти ҳақида ҳисобот берган. Шунда ҳам И.В.Сталин билан учрашган. И.Хидиралиевни раҳбарлик лавозимларидан маҳрум қилиш учун Туркистонда айрим сўл коммунистлар Марказга хатлар билан мурожаат қилишган. Шу муносабат билан И.В.Сталин 1924 йил 26 марта ВКП (б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси раиси Р.И.Карклин, Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг маъсул секретари И.М.Варейкис, Усмонхон Эшонхўжаевга хат билан мурожаат қилган. Шу куннинг ўзида Карклин ва Варейкисларга яна хат билан мурожаат қилган. Бу икки ҳужжатда И.В.Сталин Туркистондаги сўллар Иномжон Хидиралиевни раҳбарлик лавозимларидан маҳрум қилиш масаласини кўтарганини қайд этиб, бунга асло йўл қўйиб бўлмаслигини, Иномжон Хидиралиевдек ходимдан Туркистонда фойдаланмаслик жиноят ҳисбланишини, уни раҳбарлик лавозимидан олиш учун қилинаётган барча ҳаракатларга чек қўйиш кераклигини алоҳида таъкидлаган эди.

И.В.Сталиннинг И.Хидиралиевга бўлган ишончи ва хурматини англаш учун яна бир ҳужжатни кўриб чиқамиз. Маълумки, 1924 йил апрель – август ойларида Лондонда совет-англия дипломатик конференцияси ўтказилади. X.Раковский раҳбарлигидаги совет делегацияси М.М.Литвинов, М.Радченко, Н.Шверник, М.Преображенский, М.Томский,

А.Шейнман, И.Кутузов, Ф.Родштейн, И.Житков, Б.Стомонянов, Иномжон Хидиралиевдан иборат таркибда РКП (б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва Халқ Комиссарлари Совети томонидан тасдиқланган. Аммо Иномжон Хидиралиев чўлоқ бўлганлиги туфайли оёғига протез қўйишни истайади. Ўша даврда СССРда протез қўйишнинг иложи бўлмаган, протезни хориждан келтириш мумкин экан. Шу боис И.Хидиралиев протезни четдан сотиб олиш учун хат орқали И.В.Сталиндан илтимос қилган. Мана ўша хат:

«Секретарю ЦК РКП (б) тов. Сталину. Прошу сделать распоряжение о выдаче мне средств для заказа протеза за границей. По наведенным справкам протез на заказ стоит 400 – 500 руб, а если иметь в виду, что надо заказать и запасный, то потребуются  $400 \times 2 = 800$  рубль. Член РКП (б) Хидиралиев» («РКП (б) МК котиби ўрт. Сталинга. Чет элда протез тайёрлатишга буюртма бериш учун менга маблаг ажратилиши ҳақида фармойши бершингизни сўрайман. Олинган маълумотларга кўра, буюртма бўйича тайёрланадиган протез 400 – 500 рубль туради, захира протезга маблаг, яъни 400 – 500 рубль ажратишни сўрайяпти. 1924 йил 25 марта (РГАСПИ, 17-фонд, 112-рўйхат, 529-иши, 169-варақ).

Масала ижобий ҳал этилган. Яна ҳужжат келтирамиз:

«Резолюция тов. Ксенофонтову. Тов. Сталин просить выдать средств на один протез, то есть, 400 – 500 руб. 25 марта 1924 года» (Резолюция: Ўрт. Ксенофонтовага. Ўрт. Сталин битта протезга маблаг, яъни 400 – 500 рубль ажратишни сўрайяпти. 1924 йил 25 марта (РГАСПИ, 17-фонд, 112-рўйхат, 529-иши, 169-варақ).

«Бюро секретариата т.т. Хидиралиеву, Донскому, Ксенофонтову. Выписка из протокола №85 заседания Оргбюро ЦК РКП (б) от 26 марта 1924 г. Слушали: 38. Просьбу тов. Хидиралиева об отпуске ему средств в размере 500 руб для заказа протеза за границей. Постановили: Просьбу удовлетворить. Секретарь ЦК



РКП (б)»<sup>1</sup> (*Секретариат бюроси: Хидиралиевга, Донсковга, Ксенофонтовга. РКП (б) МК ташкилий бюроси 1924 йил 26 марта даги мажлисининг 85-баённомасидан кўчирма. Тингланди: 38. Хидиралиевнинг чет элда протез тайёрлатишга буюртма берши учун 500 рубль миқдорида маблаг ажратишни сўраб қилган илтимоси. Қарор қилинди: Илтимос қондирилсин. РКП (б) МК котиби (РГАСПИ, 17-фонд, 112-рўйхат, 529-иши, 168-варақ).*

Туркистон Совет Автоном Республикаси Марказий Ижроия Комитети раиси Иномжон Хидиралиев 1924 йил январида Туркистон АССРнинг СССР ҳукуматидаги мухтор вакили лавозимида хизмат қилаётган чоғида – **1924 йил 21 июля ва 1925 йил 28 сентябрда** ЎзССР ер-сув ишлари халқ комиссари сифатида И.В.Сталин қабулида бўлган.



**Зеленский Исаак Абрамович** (1890 – 1938) – 1921 йилдан Москва шаҳри партия комитетининг биринчи котиби, 1924 йил августидан РКП (б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси раиси, 1931 йилдан Центросоюз бошқармаси раиси лаво-

зимида ишлаган, Сталин қабулида 6 марта бўлган: **1924 йил 15 июль, 1926 йил 19 март, 1928 йил 17 июль, 1929 йил 19 ноябрь, 1930 йил 16 июль, 1931 йил 27 октябрь.**



Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби **Икромов Акмал Икромович** (1898 – 1938) жами 15 марта ба: 1925 йил 22 май, 1926 йил 13 апрель, 1928 йил 17 июль, 1930 йил 16

июль, 1931 йил 19 март, 4 ноябрь, 1935 йил 8 июнь, 1936 йил 4 январь, 2 декабрь, 1937 йил 31 май, 4, 8, 9 ва 10 сентябрь кунлари И.В.Сталин қабулида бўлган. Қабулда бўлган соатлари ҳам қайд этилган: 1937 йил 31 май куни соат 16:35 дан 17:15 гача; 4 сентябрь куни соат 16:25 дан 17:30 гача; 8 сентябрь куни соат 19:45 дан 20:35 гача, 9 сентябрда соат 16:40 дан 17:15 гача; 10 сентябрь куни соат 18:30 дан 19:20 гача.



**Файзулла Хўжаев** (1896 – 1938) – 1924 йилдан Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси, 1926 йил 20 январь куни, 22 март куни, 23 апрель куни, 1932 йил 2 сентябрда соат 16:10 дан 17:30 гача, 1933

йил 13 февралда соат 15:40 дан 16:20 гача Сталин қабулида бўлган.



Бутуниттифоқ оқсоқоли М.И.Калинин Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси Абдужаббор Абдураҳмонога Мехнат Қизил Байроқ орденини топширмоқда.

**Абдужаббор Абдураҳмонов** (1907 – 1975) – 1938 йил 23 июндан Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси: 1939 йил 17 деқабрда, 1947 йил январда ва 1949 йил 1 февралда И.В.Сталин қабулида бўлганлиги қайд этилган.

<sup>1</sup>РГАСПИ – Россия ижтимоий-сиёсий тарихи давлат архиви (РИСТДА), 17-фонд, 112-рўйхат, 529-иши, 168 – 169-варақлар).



**Султон Сегизбоев** (1899 – 1938) – 1924 – или Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган. 1937 – 1938 йилларда Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси, 1937 йилдан СССР Олий Совети 1-чақириқ депутати, 1937 йил 10 сентябрда соат 19:55 дан 20:11 гача И.В.Сталин қабулида бўлиб, у билан суҳбатлашгани қайд этилган. 1938 йилда қамоққа олинган, ўлим жазосига ҳукм этилган. Ўлимидан сўнг реабилитация қилинган.



**С.И. Огольцов** (1900 – 1977) – генерал-лейтенант, 1952 йил февраль – ноябрьда ЎзССР Давлат хавфсизлик комитети министри, 1952 йил 13, 20 ноябрь кунлари Stalin қабулида бўлган.



**Абдулла Раҳимбоев** (1896 – 1938) – миллата ўзбек, 1896 илии Хўжанд шаҳрида туғилган, Хўжанддаги «Шўрои Исломия» ташкилоти раҳбарларидан бири бўлган. Самарқанд области партия комитети раиси, 1920 – 1921 йилларда ва 1922

йил июль – октябрида Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитети раиси лавозимида ишлаган. 1927 йил 28 декабрь, 1935 йил 28 февралда Stalin қабулида бўлган.



**Константин Константинович Шубладзе** (1907 – 1985) – 1944 – 1946 йилларда Андижон области партия комитетининг биринчи котиби, 1947 йилдан 1950 йилгacha Ўзбекистон ССР сув хўжалиги министри бўлиб хизмат қилган, 1947 йил 27 май куни соат 20:20 дан 23:45 гача Stalin қабулида бўлган.



**Усмон Юсупович Юсупов** (1901 – 1966) – 1929 – 1936 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари, 1937 – 1950 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари лавозимида фаолият кўрсатган. Усмон Юсупов 1930 йил 16 июля, 1937 йил 20 октябрда соат 14:45 дан 15:10 гача, 21 октябрда соат 18:15 дан 18:30 гача, 1938 йил 16 январда соат 18:30 дан 20:15 гача, 31 июля соат 17:35 дан 18:10 гача, 1939 йил 19 – 20 октябрь кунлари, 17 декабря, 1946 йил 9 январда, 1947 йил 24 январда, 1948 йил 23 январда соат 23:30 дан 00:40 гача, 1949 йил 1 февралда, 30 декабря И.В.Сталин қабулида бўлган.



**Акбар Исломов** – 1896 илии Қўқон шаҳрида дурдгор оиласида туғилган, рус-тузем мактабида, янги усул мактабида таълим олган. 1925 йил августидан 1927 йил январигача Тошкентда, Сирдарё области совети



раиси, 1927 йил январидан 1929 йил январигача Москва шаҳрида Ўзбекистоннинг ССРдаги доимий вакили бўлиб хизмат қилган. 1925 йил 7 январда И.В.Сталин қабулида бўлган.



**Недирбой Айтаков** (1894 – 1938) – 1923 йилдан Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитетининг раиси ўринбосари, 1924 йил 9 январидан Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитети раиси, 1924 йил февралдан 1925 йилгача Туркманистон революцион комитетининг раиси, 1925 йил февраль – 1937 йил июль оралиғида Туркманистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг раиси лавозимида хизмат қилган. 1925 йил 25 майда И.В.Сталин қабулида бўлган.



**Қайгусиз Сардорович Отабоев** (1887 – 1938) – Туркманистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси (1925 йил январь – 1937 йил), 1925 йил 25 майда И.В.Сталин қабулида бўлган.



**Владимир Иванович Иванов** (1893 – 1938) – 1924 йил октябридан ВКП (б) Марказий Комитетининг Ўзбекистон ССР бўйича ташкилий бюроси раиси, 1924 – 1925 йилларда Ўзбекистон Компартияси

муваққат ташкилий бюроси биринчи секретари, 1925 – 1927 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, 1924 – 1925 йилларда Ўзбекистон ССР революцион комитети аъзоси. 1927 йил 16 февралда И.В.Сталин қабулида бўлган.



**Карл Янович Бауман** (1892 – 1937) – 1931 йилдан ВКП (б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси биринчи котиби, 1932 йил 13 февраль, 1933 йил 17 январь, 26 ноябрь, 28 ноябрь, 1 декабрда И.В.Сталин қабулида бўлган.



**Ефим Георгиевич Евдокимов** (1891 – 1940) – 1931 йилдан Тошкентда жойлашган ОГПУнинг Ўрта Осиё бўйича доимий вакили бўлиб хизмат қилган. 1931 йил 1 январь, 31 январь, 14 февралда И.В.Сталин қабулида бўлган.



**Серафима Тимофеевна Любимова** (1898 – 1970) – 1924 йил ноябрдан 1926 йил ноябригача ВКП (б) МК Ўрта Осиё бюросининг аёл ходимлар бўлими мудири. 1926 йил 2 январда И.В.Сталин қабулида бўлган.

**Роман Александрович Пилляр** (1894 – 1937) – 1933 йил ноябридан ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги муҳтор вакили, 1934 йил июлидан



НКВДнинг Ўрта Осиё бўйича раҳбари. 1933 йил 28 ноябрь, 1 декабрь кунлари И.В.Сталин қабулида бўлган.



**Илья Савельевич Шелехес** (1891 – 1937) – 1924 йил ноябридан 1926 йил февралигача СССР Мехнат ва мудофаа советининг Ўрта Осиёдаги доимий вакили бўлиб турган. 1925 йил 3 апрелда И.В.Сталин қабулида бўлган.



Ижроия Комитети раисининг биринчи ўрин-

босари, 1924 – 1925 йилларда РКП (б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси аъзоси, 1928 йилда Тошкентда ВАСХИЛ бўлимини ташкил қилган. 1927 йил 23 февралда И.В.Сталин қабулида бўлган.



**Турор Рисқулов** (1894 – 1938) – Туркистон коммунистик партияси мусулмонлар бюроси раиси, Бокудаги Шарқ халқлари съезди делегати, Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси, 1929 йил 4 декабрь, 1931 йил 14 майда И.В.Сталин қабулида бўлган.



**Иван Федорович Федко** (1897 – 1939) – 1924 йил апрелидан 1927 йил февралигача Туркистон фронтининг 13-корпус командири, 2-ўқчи корпуси командири, 1925 йил 4 ноябрда И.В.Сталин қабулида бўлган.




# ТУРКИСТОНДАГИ БОСМАЧИЛИК ХАРАКАТИ ҲАҚИДА

Мустафо Чүқай



Мустафо Чүқай  
– озодлик шамчироғи



Мұстафа ШОҚАЙ

ШЫҒАРМАЛАРЫНЫҢ  
ТОЛЫҚ ЖИНАФЫ

III

Туркистан (Үрта Осиё)да құзғолончи ҳаралат сифатида қаралған «босмачилик» энди түхтатилди. Тошкентда нашр этиладиган айрим газеталарда «босмачилар», улар устидан ўтқазилған суд жараёнлари ҳақида баъзида чиқаётган хабарларда гап құзғолончилар ҳақида эмас, балки үғрилик ва талончиликтар ҳақида боради. Шу ўринда «босмачи» сүзи үзбек шевасида «қароқчи», «босқинчи», «йүлтүсар» деган маъноларни англатишини билиш керак. Бундай атама туркистонлик исёңчиларга ана шундай хатти-ҳаракатлари учун берилганды, урушаётган томонлар, хусусан, со-

ветлар рақиблари бўлған исёңчиларнинг бир қисмини оддийгина «тўда» деб атаган.

Сўнгги буюк уруш йиллари даврларида «немис гуруҳлари», «рус гуруҳлари» ва ҳоказо гуруҳлар ҳақида кўп эшитганмиз. Хуллас, улар ана шундай гуруҳлар тарзида ҳаракат қилиган.

Құзғолончиларнинг юқоридаги ном билан аталишига яна бир сабаб, ҳақиқатан ҳам Туркистан құзғолончиларининг биринчи етакчилари ҳақиқий қароқчилар («босмачилар») бўлишган. Мисол учун, Эргаш ва Мадамин – большевиклар томонидан Туркистан



Мухторияти ҳукумати ағдарилганидан сўнг улар совет ҳукуматига қарши қўзғолончиларнинг етакчиларига айланишган. Аслида, улар бир вақтлар қароқчи тўдаларни бошқаришган. Умумий стихияли қўзғолон пайтида большевиклар бутун мусулмон аҳолисини мамлакатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этди, янада соддароқ айтганда, «очарчилик қамали»да ушлаб турди. Ана шундай шароитда оломон шахсий жасорат ва ғайрат кўрсатгандарга бажонидил эргашди. Ана шундай бир вазиятда етакчиларнинг ўтмиши, уларнинг ахлоқий фазилатларига умуман эътибор қаратишмаган. Қўзғолончиларнинг бу икки етакчиси, хусусан, Эргаш кўрсатган ғайриоддий жасорати билан оломонни ўзига мафтун қилди. Улар бундан ярим йил аввал Россия империясига қарши муваффақиятсиз қўзғолон кўтаришга уринган.

Ўзларини миллий-озодлик ҳаракатининг йўлбошчилари сифатида кўрсатган ва Туркистонда раҳбарликни қўлга олган большевиклар ёлғончи, хоинликлари сабаб охироқибат «бузғунчи, оддий жиноятчи» эканликлари юзага чиқди.

Ҳукмрон синф томонидан алдангани ва ўзининг инсоний ҳақ-ҳуқуқлари топталгани учун «босмачи» тўдалар етакчиларига эргашган ҳолда қасос олишга уринган оломоннинг хатти-ҳаракатлари «миллий озодлик учун кураш»га tengлаштирилган, лекин уларнинг ҳаракатлари ўзининг асосий мазмунини йўқотган эди.

Ҳозир Туркистонда қўзғолончилик ҳаракати йўқ эканлигини юқорида таъкидлаб ўтдим. Қўзғолоннинг сўнгги авж олиши бир йилдан кўпроқ вақт аввал содир бўлган. Бу Хива туркманлари етакчилари Жунаидхон ва унинг энг яқин сафдошлари Шалтай Ботир ва Анна Боланинг чиқишилари эди.

Икки йил аввал Жунаидхон хотиржам эди. Айни пайтда, ҳатто совет ҳокимиятини эътироф этди. Туркманистон пойтахти Аш-

хободда бўлиб ўтган советлар съездидан ўз вакилларининг иштирокидан сўнг ҳукуматга ўз садоқатини изҳор этганди. Ўз навбатида, совет ҳукумати Жунаидхоннинг машҳурлиги ва обрў-эътиборини ҳисобга олиб у билан жанг қилишга йўл қўймасдан усталик билан ҳаракат қилди. Совет ҳарбийлари bemalol ўлканинг турли ҳудудларига кириб борди. Советлар қуролли кучларини хавф остига қўймасдан Ўрта Осиёнинг энг хавфли ва ўжар душмани билан бажонидил муроса қилди. Ҳатто Жунаидхон қўл остидаги кўп сонли қўриқчиларини (йигитларини) қолдиришга рози бўлди. Лекин бундай расмий ярашувдан кейин ҳам Жунаидхон Тошқовуз ҳудудидаги қумликларда (Қизилқум қумликларида) қолиб, шаҳарларда кўриниш бермади. Ҳар икки томон – большевиклар ҳам, Жунаидхон ҳам бир-бирларига бўлган чуқур ишончсизликни яшириб, бир-бирини йўқ қилиш учун қулай фурсатни кутар эди. Айниқса, большевиклар қулай имкониятни кутаётган эди. У билан қайта музокара ўтказишни истамасди. Яъни Жунаидхонни бутунлай йўқ қилишни мақсад қилган эди. Жунаидхон ҳам, ўз навбатида, туркман қўзғолончиларининг қизил армия билан тўғридан-тўғри жангда муваффақият қозониши мушкул эканлигини билмаслиги мумкин эмасди. Айниқса, Жунаидхон бунга 1925 йил сентябрда туркман қўзғолончиларининг энг жасур бошликларидан бири Яхшигелди ҳалок бўлганидан кейин ишонч ҳосил қилган бўлиши керак.

Яхшигелди отрядининг қизил армия қисмлари билан тўқнашуви бутун Туркистондаги қўзғолончилар курашининг энг ёрқин саҳифаларидан бири эди. Айтиш керакки, Яхшигелди турк зобитини инструктор сифатида ўз хизматига олди. Офицернинг вазифаси Яхшигелдига бўйсунувчи туркман қабилаларини ҳарбий соҳага ўргатиш эди. Турк зобитининг режасига кўра, 1924 йилда йирик қалъя – Яхшигелди ҳарбий базаси барпо этилди. Мазкур



қалъада катта миқдордаги ҳарбий қурол-аслаҳа ва озиқ-овқат захиралари сақланарди.

Большевикларнинг Яхшигелди билан учрашуви ҳам айнан ана шу қалъада бўлиб ўтди. У ерга совет отряди туркман қўзғолончилари билан тинчлик музокаралари олиб боришини мақсад қилган парламент ниқоби остида киради. Бу воқеа 1925 йил 12 сентябрда содир бўлди. Кўп ўтмай большевикларнинг асл мақсади ошкор бўлди, уларни тор-мор этишга кеч қолинган эди. Кейинги жангда Яхшигелди ҳалок бўлди ва унинг отряди қалъа худудидан қочишга мажбур бўлди. Қолган аскарлари эса Жунаидхон аскарлари сафига келиб қўшилди.

Большевикларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Яхшигелди қўшинлари анчагина қурол-аслаҳага эга бўлган. Хусусан, 1200 дона милитиқ (инглиз Ли-Энфелд қуроллари), 220 000 ўқ-дори, 2 та пулемёт ва катта миқдордаги қўл гранаталари мавжуд эди.

Айтиш керакки, Туркистон қўзғолончилари ҳеч қачон бунчалик кўп қуролга эга бўлмаган, аксарият ҳолларда улар ов милитилари, эски ҳарбий тузумдаги найза ва қалқонлар билан қуролланган эдилар.

Британия милитикларининг мавжудлиги, туркман исёнчилари инглизлар томонидан қўллаб-қувватланганлиги ҳақидаги фикр ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки туркманлар ўтмишда Хива хонлари билан кураш пайтида (масалан, 1916 йилда) инглиз қуроллари билан қуролланган эдилар. Улар ушбу қуролларни Форс ва Афғонистондан келган контрабандачилар орқали олишган, умуман, туркманлар ҳеч қачон қурол етишмовчилигини сезишмаган.

Бу ҳолат Жунаидхон ва унинг қўшинлари учун совет ҳукуматига қарши кураш олиб бориши учун қулай вазиятни юзага келтирган. Мен ана шу вазиятлар хусусида мазкур баённинг якунида Туркистонда яна озодлик учун қўзғолонлар юзага келиши ҳақида сўз юритилганида тўхталаман.

## Туркистонда босмачилик ҳаракати юзага келишининг сабаблари

Совет манбаларида баён этилишича, «босмачилик» ҳаракати Фарғона области мусулмон аҳолисининг совет қўшинлари томонидан Туркистон Мухтор Муваққат ҳукуматининг ағдарилишига қарши норозилик ҳаракати сифатида вужудга келган (1918 йил 12 февраль). Ба бу ҳақиқатга тўлиқ мос келади. Агар большевиклар ўzlари эълон қилган баёнетларга қатъий амал қилган ҳолда 1917 йил 28 ноябрда Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган Бутунтуркистон қурултойида сайланган Туркистон Мухторияти Муваққат ҳукуматини, унга берилган ваколатларни тан олиб, Туркистон мусулмонларининг ўз тақдирини ўзи белгилаш, ҳатто Россиядан ажralиб чиқиши мумкинлиги ҳақидаги ваъдаларига амал қилганларида, ҳеч қандай қўзғолонлар бўлмаслигини катта ишонч билан айтишим мумкин.

Марказий Россияда ҳокимият советлар қўлига ўтган даврда Туркистон мусулмон аҳолиси бутунлай хотиржам, «бетараф», ноҳушлиқдан кўра кўпроқ хайриҳоҳ эканликларини, туркистонликлар Россияда буржуазия ҳокимиятини сақлаб қолишдан унчалик ҳам манфаатдор эмаслигини билдирган эдилар. Советларнинг миллийлаштириш, мусодара ва реквизиция қилиш тўғрисидаги декрети Туркистон мусулмонларининг хотиржам ва бетараф бўлишини йўққа чиқарди. Бу каби жараёнлар, яъни Россияда ҳукумат яккаҳокимиятчилик сиёсатини юритиш большевиклар қўлига ўтиши энди Туркистон мусулмонлари ни жиддий ташвишга сола бошлади. Иккинчи томондан, бетарафлик туркистонликларнинг янги ҳукумат билан бўладиган муносабатларига мос келмас эди.

Гап шундаки, эски тузум ағдарилган пайтдан бошлаб Туркистонда ҳукумат фақат руслардан иборат бўлиб қолди. Маҳаллий туркистонликларнинг миллий ташкилотлари



орқа планга ўтиб, воқеалар ривожи, сиёсий жараёнлардан умуман четга чиқиб қолди. Бунга эса йўл қўйиб бўлмасди. Шу боис, бир томондан, Муваққат ҳукуматга нисбатан умидсизлик, иккинчи томондан, советларга ишончсизлик юзага келди.

Давлат ҳокимияти Ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари советлари қўлига ўтиши билан Туркистонда миллатчиликнинг заррача кўринишига ҳам жиддий душманлик позициясида турилди. Уюшган ишчилар, асосан темирийўлчилар орасида бирорта ҳам туркистонлик йўқ эди. Почта, телеграф, телефон, трамвай – буларнинг барчаси маҳаллий туркистонликлар учун тақиқланган соҳалар бўлган. Ҳарбийлар сафига ҳам маҳаллий туркистонликлар умуман олинмаган. Армия сафларида асосан Россиянинг туб аҳолиси вакиллари бўлган. Ҳарбийларга хизмат кўрсатувчи мусулмонларнинг Туркистондаги ҳарбий казармаларда бўлиши ҳам чегараланган эди. Рус деҳқонларига келсак, уларнинг барчаси Россиянинг турли ҳудудларидан кўчириб келингандар бўлиб, улар маҳаллий аҳолига тегишли ерларни зўрлик билан тортиб олиб, ерларга эгалик қилилардилар.

Давлат бошқарувининг советлар қўлига ўтиши маҳаллий аҳоли томонидан қандайдир мавҳумлик билан кутиб олинаётганига ажабланмаслик мумкин эмасди.

Марказий совет ҳокимиятининг «сиёсий жиҳатдан заиф миллатларга нисбатан зулм ўтказиш сиёсатига абадулабад чек қўйиш» ваъдаси билан қабул қилинган мурожаат ва декретлари туркистонликларнинг мустақил бўлиш хусусида фикр айтишдан қайтарди. Бу, энг аввало, совет аскар ва ишчи-деҳқон депутатлари олиб борган айёrona миллий сиёсатга қарамай, рус инқилобига ишонган, Туркистон меҳнаткашларининг рус демократлари ва инқилобчилари билан самимий ва ҳалол ҳамкорлик қилишини истаган Туркистон миллий ҳаракати етакчиларининг

фаолияти ва оммага таъсирида намоён бўлди.

Давлат кемасининг рулини ўз қўлига олган советлар ўзларининг барча ваъдаларидан возкечиб, Туркистонда ҳокимият фақат русларники эканлигини кўрсатувчи сиёсат олиб борди. Ана шундай бир вазиятда туркистонликлар мустақил, ўз миллий бошқарув дастури билан ҳаракат қилишларига тўғри келди.

1917 йилнинг 28 ноябрида Қўқон шаҳрида ҳокимият Халқ кенгashi ва Муваққат ҳукуматга ўтиш шарти билан Туркистон Мухторияти ташкил этилди. Совет ҳукумати Туркистон мусулмонларига «Россия таркибидан ажралиб чиққунча» ўз тақдирини ўзи белгилашни ваъда қилган ҳолда халқ иродасининг ифодаси сифатида шаклланган Қўқондаги миллий ҳукуматни аксилинқилобий куч деб билди. Туркистон қўшиналрига миллий ҳукуматни ағдаришни буюрди. Ушбу буйруқ тезлик ва мисли кўрилмаган шафқатсизлик билан бажарилди. Қўқон шаҳри вайрон қилинди, 12 000 дан ортиқ мусулмон ҳалок бўлди. М.Чўқаев бошчилигидаги миллий ҳукумат ағдарилиб, унинг аъзолари «қонундан ташқарида» деб эълон қилинди.

Туркистон Мухториятини ҳимоя қилиш учун Қўқон деворлари ичидаги олиб борилган кураш мағлубиятга учради. Шаҳар вайрон қилингач, бу кураш советларга қарши халқ қўзғолонига айланди. Энди шаҳар атрофи, яқин ва олис ҳудудларда давом этаётган бу кураш совет ҳукуматининг Туркистондаги сиёсатига қарши кураш деб аташ тўғрироқ бўлар эди.

Ана шу курашга «босмачилик» ҳаракати деб ном берилди.

Шундай қилиб, Туркистонда «босмачилик» ҳаракати Россиянинг турли ҳудудларида советларга қарши бошланган ҳаракатларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ҳолда юзага келди. Бу ҳаракат Туркистон умумий аҳолисининг 96 фоизини ташкил этган мусулмонларнинг большевикларнинг шафқатсиз сиёсатига қарши жавоби эди.



## Исёнчилар аҳолининг қайси қатламларига таянган эди?

Советларнинг Туркистондаги мутлақо аксилмусулмон сиёсати мамлакат туб аҳолиси барча қатламларининг исённи очиқдан-очиқ қўллаб-қувватлашига сабаб бўлди. Юқорида санаб ўтилган сабаблар билан изоҳланган умуммиллий норозиликдан ташқари аксарият аҳолининг қўзғолончилар томонида бўлишининг яна қатор сабаблари бор эди. Айниқса, мулқдорлар синфи орасидаги норозилик, қўзғолонларга хайриҳоҳлик кучли бўлган. Чунки совет тазииклари, реквизициялари ва мусодараларига дучор бўлган ушбу қатлам энг кўп азият чеккан. Большевик Георгий Сафаровнинг гувоҳлиги ва ёзган мақоласига (Правда. 20.VI.1920) кўра, бундай ҳолатлар бутун Туркистон бўйлаб «оддий талончиликка айланган».

**Ўрта савдогарлар синфи.** Улар тажрибали қишлоқ хўжалиги аҳолисини йўқотдилар. Биринчидан, улар экин уруғларини йўқотдилар. Иккинчидан, рус кўчманчилари мамлакатнинг тўлақонли хўжайини бўлиб, маҳаллий деҳқонлар ерларини тортиб олишга киришдилар.

Ерсиз, ишсиз ва даромадсиз қолган ва советлар томонидан «рус батраклари» олдида таҳқирланган кўплаб чоракор ва деҳқонлар қўзғолончилар сафига қўшилиб кетдилар. Чунки улар жангчи сифатида даромад топишдан умид қилганлар.

Зиёли аҳоли вакиллари ҳам қўзғолончиларни қўллаб-қувватладилар. Чунки улар ҳам юзага келган вазиятда одамларнинг, умуман, мамлакатнинг ҳақ-хуқуқлари учун курашнинг бошқа йўлини кўрмадилар. Ва ниҳоят ўзбек аҳолиси ўртасида катта обрў-эътибор ва алоҳида мавқега эга диндорлар ҳам қўзғолончиларни муборакбод этиб, дуо қилдилар. Чунки большевиклар ва совет ҳукумати мусулмонларнинг диний удумлари, эътиқоди

ва диний туйғуларини топтайди деб ҳисобладилар.

Шу ўринда савол туғилади: **нима учун миллий аҳолининг кенг қатлами билан ҳам қўзғолончилар муваффақиятга эриша олмадилар?**

Бунинг кўп сабаблари бор эди. Туркистон миллий озодлик ҳаракатининг айрим раҳбарлари (М.Чўқаев, Убайдуллахўжа ва бошқалар) аввалданоқ қўзғолончилар ҳаракати муваффақиятга эришиши жуда мушкул эканлигини англаб етганлар. Аммо улар бу ҳақда бошқаларни огоҳлантирмадилар, бонг урмадилар. Қолаверса, совет ҳукумати жуда шафқатсиз эди. Тўғри ва оқилона фикр, эҳтиёткорлик юзасидан советларга қарши сўз айтган кишилар аямасдан жазоланар эди.

Қўзғолон барбод бўлиши, муваффақият қозона олмаганигининг энг биринчи ва муҳим сабаби қўзғолончиларнинг қўлида қуроляроғнинг йўқлигига эди. 1916 йилдаги қўзғлон олдидан жойларда аҳолининг турли кўтарилишлари юзага келиши эҳтимоли назарда тутилиб мусулмон аҳолидан барча ов қуроллари тортиб олинган эди. Бундан ташқари, ҳатто аҳолининг катта пичноқ олиб юриши ҳам тақиқланганди.

Бунга яна ҳарбий техника ва қўзғолончиларни бошқарадиган тажрибали раҳбарларнинг йўқлигини ҳам қўшиш мумкин.

Қўзғолончиларда ягона қўмондонлик йўқ эди. Алоҳида қўзғолончи отрядлар ҳаракатини мувофиқлаштирадиган ягона бошқарув бўлмаган. Ҳар бир қўрбоши ўз ҳолича, ўзининг кураш мақсадини белгилаб олган. Қўзғолончилар қайсиdir жойда савдога эркинлик беришни талаб қилган бўлсалар, бошқа бир жойда шариат қоидлари асосида ҳукм чиқарилишини тиклаш талабини қўйиб чиқдилар. Қўзғолончилар жипслашмадилар, ўз олдиларига ягона мақсад ва талабни қўймадилар.

Бундан кўриниб турибдики, қўзғолон раҳбарлари совет тузумини ағдариш учун жипс-



лашиб ҳаракат қилмадилар. Кейинчалик эса, аксинча, уларнинг кўплари ўзлари талаб қилган савдо эркинлиги берилиши, шариат тартиблари тикланиши ҳақидаги ваъдаларга ишониб янги ҳукуматни тан олдилар. Аммо уларнинг талаблари амалда мутлақо бажарилмади.

Бундай чалкашликлар, айрим қўрбошиларнинг саросимага тушиши туфайли большевиклар қўзғолончиларни бирин-кетин осонгина тор-мор этдилар. Айрим жанглар баъзи қўрбошиларнинг бутун қўшини билан советлар томонга ўтиб кетиши билан тугади. Бу сотқинлар қандайдир унвонлар, арзимаган мукофотлар учун кейинчалик ўз сафдошларига қарши кураш олиб бордилар.

Мамлакатнинг бутун мусулмон аҳолиси томонидан эътироф этилган обрўли ҳокимиятнинг, йўлбошчининг йўқлиги, ҳар бир қўрбоши (саводсиз жасурлар) ўзи ҳокимият тепасига келишга интилиши муваффақиятсизликларга сабаб бўлди. Айрим қўрбошилар бошқасини тан олмади. Ҳаракат қилаётган ҳудудда ўзини мутлақ ҳоким деб эълон қилди. Битта йўлбошчига эргашиш, бўйсуниш кераклигини, шунда кутилган натижага эришиш мумкинлигини англамади ёки англаса-да, иккинчи қўрбошига тобе бўлишни хоҳламади. Шундай қилиб, қўзғолончилар ҳаракатининг асосий маркази бўлган Фарғона вилояти бир қанча алоҳида, деярли мустақил «босмачи» гуруҳларга бўлиниб кетди. Уларнинг ҳар бирiga ўз қўрбошилари раҳбарлик қилди.

### **Яна бошқа-бошқа сабаблар туфайли қўзғолончилар мағлубиятга учрадилар.**

Юқорида келтирилган барча сабабларнинг йиғиндиси аҳолининг барча қатламлари томонидан қўллаб-қувватланган қўзғолон нима учун муваффақият қозонмаганлигини кўрсатади.

Шунга қарамай, қўзғолончиллик ҳаракати бир неча йиллар давом этгани эътиборга молик. Бунинг асосий сабаби, албатта, совет

ҳукумати томонидан Туркистонда ўта шафқатсизлик билан олиб борилган сиёsat маҳсулидир.

Босмачилик ҳаракатининг омадсизлигини яна бир қанча сабаблар орқали тушунтириш мумкин.

Оммавий қўллаб-қувватлашдан фарқли ўларок, «босмачилар» ҳаракати четдан қўллаб-қувватланмади. Туркистоннинг энг яқин қўшнилари бўлган Форс ва Афғонистон давлатлари ҳеч қандай ёрдам кўрсатмади. Қўшни Афғонистон ҳақида гапирадиган бўлсак, бу давлат кўпинча исён ва қўзғолонлар ривожланишига тўқсинглик қилган.

Афғонистон чегарасини кесиб ўтган қўзғолончилар етакчиси Шермуҳаммад (ёки халқ ичида Кўр Шермат) Афғонистон ҳукумати томонидан «муҳим музокаралар учун» Кобулга чақирилгани ва у ердан қайтиб келмаганлиги маълум.

Шермуҳаммаднинг Туркистон Мухторияти ҳукуматининг собиқ раиси М.Чўқаевга йўлланган хабарида афғон ҳукумати Шермуҳаммад ва унинг халқи томонидан совет ҳокимиятини тан олиш бўйича музокараларда воситачиликни зиммасига олганлиги, ўзига амнистия берилиб, ватанига қайтишига руҳсат берилиши баён этилган.

Шермуҳаммад томонидан ушбу таклиф рад этилган.

**Британиядан ёрдам.** Агар Британия томонидан ёрдам берилган бўлса, бу шунчалик аҳамиятсиз бўлган бўлиши керакки, ҳатто гапиришга ҳам арзимайди. Айтишим мумкини, қанақадир дараҷада ёрдам кўрсатилганилиги ҳақида қатъий гапиришга имкон берадиган бирор-бир ишончли маълумот йўқ. Тан оламан, айрим ҳолларда баъзи бир қўзғолончиларнинг Ҳиндистон чегарасини кесиб ўтишига ёрдам беришган ва бу шахслар икки ёки учта милтиқ, чўнтакларида бир неча фунт стерлинг билан қайтишган бўлиши мумкин. Бошқаси эмас.



Менинг кўлимдаги маълумотлар (Пешовар, Бадахшон, Кобул, Қашғардан олинган маълумотлар) инглизлар томонидан туркистонлик исёнчилар қўллаб-қувватлангани ҳақида кўпроқ гапиришга имкон бермайди.

Қўзғолончиларнинг ўzlари ҳақида гапирадиган бўлсак, улар Англияниң ёрдам беришига умид қилишган. Ҳатто 1921 йилда Туркистон мусулмонларининг пул ва қуроляроғдан ёрдам берилишини сўраб ёзган илтимосномасини инглиз консулига тақдим этиш учун Тошкентдан Фулжага (Хитой Туркистонида) делегация юборилди. Бу пайтда Туркистоннинг асосий шаҳарларида маҳаллий ташкилотларнинг яширин мажлислари чақирилиб, барча қўзғолончи отрядларни ягона штаб бошчилигида бир марказ атрофида бирлаштиришга қарор қилинган эди. Делегация белгиланган манзилга етиб бормади. Делегация аъзолари Аули-Ота (Авлиё ота) шаҳрида ҳибсга олиниб, Тошкентга қайтариб олиб келинган ва судланган.

### **Анвар пошо ва Жамол пошонинг роли**

Туркистон қўзғолончилик ҳаракатининг алоҳида эътиборга лойиқ жиҳатлари ҳам бор.

Анвар пошонинг бутун мусулмон давлатлари, шунингдек, Туркистонда катта ҳурмат эътиборга эга эканлигини истисно қилмаган ҳолда айтиш мумкинки, агар у Туркистон мусулмонларининг ҳаёти ва турмуш тарзи ҳақида озгина бўлса-да маълумотга эга бўлганида эди, бу мамлакатдаги миллий озодлик ҳаракатлари ривожида муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин эди.

Туркистонда илгари бўлмаган, Туркистон раҳбарларининг ҳеч бири билан таниш бўлмаган Анвар пошо 1921 йилнинг нояброда тўсатдан Бухорода пайдо бўлиб, «босмачилик» ҳаракатига ўзи раҳбарлик қилишга қарор қилди. Халифанинг күёви Анвар, афтидан, Бухоро амирининг тож кийган аёли илтимосини эътиборсиз қолдирмоқчи бўлмаган. Иккинчи томондан, ҳеч ким билан маслаҳатлашмасдан

совет қўшинлари томонидан Бухоро босиб олингач (1920 йил 5 сентябрь), Афғонистонга қочиб кетган амир билан музокаралар олиб борган.

Амир Сайд Олимхон даврида Бухородаги бошқарув тартиби билан бироз бўлса-да таниш бўлган ҳеч бир киши тушунмаслиги, билмаслиги мумкин эмас эдики, амир байроби остида ҳатто совет тузумига қарши кураш ҳам олдиндан муваффақиятсизликка маҳкум эди.

Анвар Бухоро Ҳалқ Республикаси ҳукуматидан унинг томонига ўтган «Ёш бухороликлар»ни ўз сафига қўшиб, эҳтимол, хато қилган эди. Чунки «Ёш бухороликлар» Анварни «Бухоро амири қўшинлари қўмондони» этиб тайинланганидан хабар топгач, буни нотўри ҳисоблаб, унинг Афғонистонга муҳожирлика кетишини (ҳижрат қилишини) афзал кўрдилар.

Бу эса қўйидагиларга олиб келди:

а) Бухорода қолган ва Анварга қўшилиш ниятида бўлган ҳукумат аъзолари ҳам унга эргашишдан бош тортдилар. Бундан ташқари, улар большевикларга яқинлаша бошладилар;

б) Анварнинг амирлик қўмондони эканлигини билган бошқа вилоятлардаги қўзғолончилар ҳам унинг ҳукмронлигини тан олишдан бош тортдилар, ҳатто кўнгиллиларнинг унинг тарафига ўтишига тўсқинлик қилдилар;

в) Шарқий Бухорода (ҳозирги Тожикистон) фаолият юритаётган отрядларнинг бир қисми «амир қўшинлари» муваффақиятига ҳисса қўшмаслик учун ажralиб кетди.

Ўзининг бепарво ҳаракатлари билан қўзғолончиларнинг кучайиб бораётган жабҳаси норозилигини келтириб чиқарган Анварнинг ўзи 1922 йилнинг 4 августида Балжуwon шаҳри яқинидаги тенгсиз жангда ҳалок бўлди (у жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлди).

Мамлакат, умуман, бутун Туркистон аҳолисининг ўз амирига нисбатан бундай салбий муносабатда бўлишининг қатор сабаблари



бор эди. Биринчидан, Бухородаги бошқарув тизими гарчи номукаммал бўлса-да, барча учун тенг бўлган қонунларга амал қилмасди. Мавжуд тартиблар мансабдор шахсларнинг ўзбошимча ихтиёрига асосланган эди. Меҳнатига яраша даромад олмаётган аҳоли ҳеч кимга арз қила олмас эди. Бухоро ўзининг асл деспотик турмуш тарзида қотиб қолганди.

Иккинчидан, Туркистонни руслар босиб олганидан бошлаб Бухоро амири рус мустабид ҳокимиятининг хонликдаги рамзи бўлиб қолди. Хонлик тузуми ва мавжуд тартиб-қоидалар Европа цивилизациясини забт этишга интилган туркистонликларнинг барча илгор ташаббусларига ўчмас қора доғ қўйди.

Бухоро амирлиги мавжуд бўлган барча даврда бирорта ҳам бухоролик ҳатто ўрта европа маълумотига эга бўлмаган. Амирликда европа таълими масаласида иккита реакцион тамойил тўқнаш келди: бир томондан, эски рус ҳукумати бухороликларнинг таълим олиши, маърифатли бўлишини унчалик рағбатлантирмаган бўлса, иккинчи томондан, амирнинг ўзи эскилиқ, яъни халқнинг абадий зулматда ва эски тушунчаларда қолишининг ашаддий тарафдор эди.

Туркистондаги рус тузуми қанчалик оғир бўлмасин, Бухорода ҳукмрон бўлган ялангоч деспотизм билан солиштирганда Европа маданий ҳаётининг чўққисидек туюларди. Шунинг учун ҳам инқилобдан олдин кўпчилик Туркистон мусулмонларининг Бухоро хонлигининг Россиянинг Туркистондаги вилоятларидан бирига айлантирилиши ҳақидаги фикрларини эшлиши мумкин эди.

Жамол пошо қўзғолончиларга муносабатда Анвардан бироз бошқачароқ йўл тутди. Жамол пошо Туркистон қўзғолончилари ҳаракатининг инқилобий авангارد озодлик армиясига айланишини истади, худди инглизлар ҳукмронлигига қарши курашаётган Ҳиндистон армияси каби. Бу фикр Жамол пошони, айниқса, афғон қўшинининг таш-

килотчиси бўлган пайтдан бошлаб банд қилган эди. У туркистонликларни совет тузумига қарши турли курашлардан воз кечишига чақириб, уларга «мустамлакачилик-озодлик инқилоби» байроғи атрофида бирлашишларини маслаҳат берди.

Жамол пошо Туркистоннинг баъзи раҳбарлари билан алоқада бўлди. Улардан ўзояларини амалга оширишда ёрдам беришларини сўради. Чунки, у айтганидек, «инглизларни Ҳиндистондан ҳайдаш ҳақидаги буюк ғоя амалга ошиши жуда яқин» эди. Менга шу маълумки, унинг ғоя ва режалари амалга ошишини қўллаб Туркистондан ҳеч ким чиқмади. Аниқки, Жамол пошо туркистонликлар олдида турган энг муҳим ҳаётий вазифа – ўз ватанларини қизил босқинчилар исканжасидан озод қилишдек улуғ мақсадни тушунмаган ёки тушунишни умуман истамаган.

Шундай қилиб, Туркия тарихида ўзига хос ўрин тутган икки йирик давлат арбоби ўз кўз ўнгидан бўлаётган воқеа ва жараёнларнинг моҳияти ва маъносини тўғри тушуна олмади. Бири туркистонликларни Эски Бухоро деспотизм ҳукмронлиги остига тортган бўлса, иккинчиси большевиклар томонидан шафқатсизлик билан ёзилган «Жаҳон мустамлака инқилоби»нинг байроғи остида бўлишга чақириди.

Юқорида айтилганларнинг барчаси эски Россия Туркистони ва Бухородаги қўзғолончиллик ҳаракати ҳақида эканлигини алоҳида эътиборга олиш керак.

Жунаидхон бошчилигидаги Хивадаги қўзғолонлар ҳақида мазкур баённинг бошида айтиб ўтилган эди.

Хива қўзғолони инқилобгача бўлган ҳаракатлар эди. Унинг ўзига хос тарихи ва ўзига хос анъаналари бўлган. Инқилобдан олдинги Эски Хива аҳолиси икки гуруҳдан: ўзбеклар ва туркманлар (ёвмут қабиласи)дан иборат бўлган. Хива хони ўзбекларнинг қўнғирот қабиласидан бўлгани учун хонликдаги бутун



ҳукмрон табақа ўзбеклардан танланган. Қолаверса, ўзбеклар сугориш каналларининг юқори қисмларига жойлашиб, кўпинча ўзларининг бу имтиёзларидан фойдаланишган, туркман-ёвмутларнинг сувга бўлган эҳтиёжларини эътиборга олишмаган. Шундан ўзбеклар ва туркманлар ўртасидаги доимий адоват келиб чиқкан.

Моҳиятан ана шу қабилаларро адоват Хива хонлиги амалдорлари томонидан ҳам ушлаб турилган. Хивадаги бошқарув худди Бухородаги каби давлат амалдорлари томонидан шакллантирилган авторитар тузумга асосланган эди. Аммо Хива хонлиги аҳолисининг кўпчилиги кўчманчи бўлганлиги боис Бухородаги каби одамларга нисбатан зулм таъсири у қадар юқори бўлмаган. Ёки аҳоли зулм ва адолатсизликлардан маълум муддат холи юриш имконига эга эди.

Хива хонлиги бошқарув тизимининг Бухоро амирлиги бошқарув тизимидан фарқли хусусияти шунда эди, Хивада диний муносабатлар Бухородаги каби катта таъсир кучига эга эмас эди. Бухорода аксарият амалдорлар (ниҳоятда нодон ва ўз манфаатини кўзлаган) ўзларининг ҳар қандай хатти-ҳаракатини шариат тартиблари билан мустаҳкамлаб олишар, аҳолини унга итоат этишга мажбурлашар эди.

Юқоридаги ҳолатлар (бошқаларини айтмаса ҳам бўлади), яъни хонлар сулоласи сиёсатининг қабилавий табиати, кўчманчилар ҳаракатининг қулийлиги, қолаверса, хон бўйсунувчиларга ўта оғир ҳолатларда ўзбошимчаликни бошқа томонга йўналтириш имконини бериши бошқарувнинг ўзига хос жиҳатларидан бўлган. Бундан ташқари, мансабдор шахсларнинг эркин, умуман назоратсиз эканлиги, «шариат таянчи»нинг заифлиги Хива аҳолисининг ҳокимиятга қарши сезиларли фаол бўлишига имкон берди. Айниқса, хон ҳокимиятининг «қабила деспотизми» оғирликларини бошидан кечирган туркманлар марказий ҳу-

куматга қарши бир неча бор қўзголон кўтардилар. Жунаидхон (асл исми Қурбон Мамед) ёшлигиданоқ «ўзбек хони»га қарши курашда туркман қабилаларининг етакчиларидан бирига айланган.

Мен бу ерда туркманлар хонининг ишончли вакиллари (ўзбеклар) билан курашининг турли босқичларини тасвиrlамайман. Бу мени мавзудан узоқлаштиради ва энди бу қизиқ эмас. Туркманлар Асфандиёрхондан (тўлиқ исми Сайд Исфандиёр Баҳодирхон) сувдан фойдаланиш ва солик тўлашда ўзбеклар билан ҳуқуқларини тенглаштиришни талаб қилдилар. Уларнинг ушбу талаби қондиримагач, қўзголон кўтардилар. Охирги буюк Европа уруши бошланиши билан Россия асосий дикқат-эътиборини фронтта қаратди, бундан фойдаланган туркманлар аскарларини кўпайтириб, ҳарбий салоҳиятини кучайтирилар ва ўзбеклар билан тенг ҳуқуқли бўлишни қатъий талаб қила бошладилар.

Жунаидхон 1916 йилда Хива хонлигининг пойтахти Мадвафони эгаллаб олди ва Асфандиёрхонни ўта таҳқирловчи вазиятда туркманлардан солиқлар олиш бўйича янги фармонни имзолашга мажбур қилди. Бундан ташқари, ўзбеклар билан бир қаторда туркман вакилларини турли лавозимларга тайинлаш, сув тақсимлашда ўзбеклар билан тенг ҳуқуқли бўлиши билан боғлиқ тартибларни жорий этди.

Жунаидхон Хивада ҳокимиятни узоқ ушлаб тура олмади. Тошкентдан Сирдарё ҳарбий губернатори, генерал Галкин бошчилигига рус қўшинлари хонга ёрдам бериш учун юборилди. Хиваликларда Россия жазо экспедицияси ҳаракатларидан жуда оғрикли хотиралар қолди. Туркманлар яна кенг қумликларга тарқалиб кетишиди.

Уларни таъқиб қилган рус жазо бўлинмалари томонидан кўчманчилар фойдалангандан қудуқлар қумга тўлдирилди. Сув танқислиги натижасида кўплаб чорва моллари нобуд бўл-



ди. Шу ўринда айтиш керакки, рус ҳарбийлари хонлик учун туркманлардан тортиб олган кўп миқдордаги мол-мулклар хонлик хазина-сига умуман келмади.

Ўшандан бери Хива туркманлари русларни кечира олишмайди, уларга нисбатан гина-кудурат сақлаб келишади.

Рус инқилоби бошланди (1917 йил март). Хива хони ўз ҳолати, хонликка нисбатан хавф-хатарини сезди. Шу боис Бухоро амиридан ўрнак олиб конституция жорий этиш тўғрисида манифест чиқаришга шошилди.

Туркистон миллий ҳаракати марказининг тазиёки остида Жунаидхон хонга қарши курашни қайта бошлашдан тийилди. Россиядаги октябрь инқилобига қадар бўлган давр Хивада кутиш ҳолатида ўтди.

Большевиклар ҳокимиятга келиши билан вазият кескин ўзгарди. Туркистонда совет ҳокимияти мусулмонларни давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва бошқарув ишларида иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилди. Хиванинг руслар томонидан узил-кесил босиб олинишига йўл қўймаслик учун Жунаидхон қатъий ҳаракат қилди. У яна Хивани эгаллаб олди. Бу сафар хиёнаткор Асфандиёр қатл қилинди. Тахтга хоннинг амакиси қўйилди. Лекин Хиванинг ҳақиқий ҳукмдори Жунаидхоннинг ўзи эди.

Жунаидхон ҳали қабилавий тузум қолдикларини енгиб ўтмаган ўз қабиладошлари – туркманларни хонликнинг юқори лавозимларига тайинлади, ўзбекларни ҳокимиятдан четлатиб, уларни ўзига қарши қилиб олди. Большевиклар бу вазиятдан, яъни Хивадаги қабилалараро қурашдан фойдаланиб мазлум меҳнаткашларни Жунаидхон феодализмiga қарши синфий қурашнинг қизил байроғи остида бирлаштируди.

Ўзбеклар ёрдам сўраб қизил Тошкентга юзланди. Хивада Хоразм Халқ Республикасига асос солинмоқда эди. Бу ерда ўзбек комиссарлари кўмагида бутун ҳокимият қизил армия қў-

лига ўтди. Туркманларнинг мамлакатни бошқариши гумон остида қолди. Ана шундай вазиятда ҳам ўзбеклар ва туркманлар ўртасидаги қабилалараро адоват сақланиб қолган эди.

1924 йилда Жунаидхон Хивани эгаллай олмади. Бу Хива қўзғолонининг кескинлик энг юқорига чиққан даври эди. Ўшандан бошлаб қўзғолон сусайди.

Совет ҳукумати 1924 йил охирида Туркистоннинг миллий таркибига кўра узоқ вақтдан бери режалаштирилган қатор «мустақил миллий республикалар»га бўлинишини амалга оширди. Бу большевикларнинг ўзбек, қозоқ, қирғиз ва туркманларнинг «ягона давлат» бўлиб бирлашиш борасидаги уринишларига жавоб эди. Ана шу тарзда Туркистон парчалаб юборилди.

1919 йилдаёқ ўзбек, қозоқ, қирғиз ва туркман коммунистлари бўлиниш ва бўлинган ҳудудларни алоҳида миллий хусусиятлардан келиб чиқиб номлаш, шунингдек, ўзларини «Туркий коммунистик партия» деб номлашни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Худди шу фармонга кўра Туркистон (шу жумладан, Бухоро ва Хива ҳам) бундан буён «Туркистон Турк Совет Республикаси» деб номланishi керак эди.

Бу хусусда тарихчи, большевик С.Муравейский Ўрта Осиёдаги инқилобий ҳаракат совет ҳокимиятининг «миллий зиёлилари» томонидан миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашнинг носоғлом, катта салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган йўлидан кетганини таъкидлайди.

«Миллий ўз тақдирини ўзи белгилаш хавфи»га қарши большевиклар «қабилаларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши» назариясини илгари сурдилар ва бу назарияни амалиётга татбиқ этдилар.

Шундай қилиб, «қабила» республикалар: Ўзбек, Туркман, Қозоқ, Қирғиз Республикалари ташкил топди. Аслида, Туркистонда миллий асосда ўз тақдирини ўзи белгилаш-



да фақат иккига бўлиниш бўлиши керак эди. Яъни турклар (ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, қорақалпоқлар) ва тожиклардан иборат.

Большевиклар алоҳида «қабила республикалари»ни яратиб, Туркистондаги ягона туркий халқлар ва қабилаларни бегоналаштиришга, улар ўртасига турли тўсиқлар қўйишга эришмоқчи бўлишди. Бошқа томондан, со биқ Хива хонлигидаги ўзбек-туркман адоватига гўё энди ҳеч қандай асос қолмагандек эди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, бутун Ўрта Осиёда фақат Хива хонлиги қабилалараро адоват майдонига айланган эди. Бунинг сабабларини юқорида айтиб ўтдим. Ўрта Осиёнинг қолган ҳудудларида қабилалар ўртасида ҳеч қачон адоват ва кураш бўлмаган.

Дарҳақиқат, Хива туркманларини ўз ичига олган Туркман Республикаси (1924 йил 19 ноябрь) тузилгандан сўнг Жунаидхон олиб борган ўзбекларга қарши ҳаракатларга умуман ўрин қолмаган эди. Жунаидхон эса икки йилдан бери жим ўтириби.

Аммо янги ташкил этилган «қабила республикалари» чегараларидаги совет милллий сиёсати аҳоли ўртасида кескин норозиликни келтириб чиқармоқда. Аста-секин қўйида русларга қарши ва Россияга қарши ҳаракатлар кучаймоқда. Маҳаллий коммунистлар орасида «антирус миллатчилиги» бошланди.

Совет ҳукумати томонидан баъзи масалаларда (масалан, динга қарши тарғибот) жуда қўйпол усувлар, шунингдек, «русларнинг маҳаллий аҳолига нисбатан такаббурона муносабати» асосида иш юритилди. Туркистон совет матбуотининг чиқишиларида маҳаллий ишчиларнинг яхши маошли ишларга жойлашишига тўсқинлик қилиш, маҳаллий аҳолини шунчаки масҳаралаш, ҳатто давлат лавозимларини эгаллаб турган таниқли кишиларни камситиш ҳолатлари ифодаланади. Буларнинг барчаси маҳаллий, милллий шовинизмнинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Мамлакатда Жунаидхон учун қулай вазият юзага келмоқда эди. Аммо Жунаидхон ўтган йиллар тажрибасидан биладики, ўзига қарши яхши қуролланган ва яхши ташкил этилган қизил армия кураш олиб бормоқда. Бундан ташқари, советлар мамлакатнинг барча аҳоли пунктларини эгаллаб олишга муваффақ бўлган. Бундан кўринадики, у барбод бўлишга маҳкум. Муваффақиятга умид қилиш мумкин бўлган вазиятларни кутиши керак. Жунаидхон ва унинг халқига нисбатан бу ҳолат Совет Иттифоқи ва Англия ўртасидағи яқинлашиб келаётган уруш ҳақидаги совет ҳукуматининг хавотирли чиқишилари унга ана шундай умид учқунларини берарди.

Туркистонда кўп ойлар давом этган мудофаа ҳафталиги, самолёт йиғишининг кўпайиши, «Чемберленга жавобимиз», Англия билан уруш бўлган тақдирда синов сафарбарлиги – буларнинг барчаси яқинлашиб келаётган урушнинг яққол белгилари эди.

Ана шундай бир даврда советларга қарши ҳаракатнинг стихияли тўлқини бутун Туркистонни қамраб олди. Тошкент, Самарқанд ва бошқа йирик шаҳарларда бўлиб ўтган съездларда «уруш бўлса, тайёр бўлиш» учун ноқонуний мурожаатлар ўқилди.

Совет матбуоти (1927 йил баҳори)да ўзбеклар орасида «Яқин вақтлар ичидаги Туркистон Россия ҳукмронлигидан озод бўлади деган умид учқунлари пайдо бўлмоқда» мазмунидаги эслатмалар тарқалди. Ёки айрим зиёли ва амалдор ўзбеклар ўртасида Англия ва Совет Иттифоқи ўртасида бошланадиган уруш Туркистонни Россия ҳукмронлигидан озод этиши мумкинлиги муҳокама қилинади.

Ниҳоят қуролини ташламаган Жунаидхон яна бош кўтарди. Совет Иттифоқи ва Буюк Британия ўртасида уруш бошланишидан умид қилиб совет ҳокимиятига қарши курашга астойдил тайёргарлик кўра бошлади.

Бинобарин, Совет Иттифоқининг ташки урушга кириши билан Туркистон ҳудудида



яна «босмачилик» ҳаракатининг пайдо бўлиши эҳтимоли ортди.

Мен бу ерда «босмачилик» ҳаракати пайдо бўлишининг бошқа сабаби бор деб ҳисобла-майман. Бу жараён бошқача ҳам бўлиши мумкин. Аммо бир нарсани тан олиш керак: ҳозир «босмачилик» учун замин ниҳоятда ноқулай, бу Туркистонда совет ҳокимииятининг мустаҳкам ўрнашиб олгани (ҳарбий нуқтаи назарда) учун эмас, балки, бир томондан, аҳоли, ҳатто унинг энг фаол қисми (Хива туркманлари) ҳам совет ҳокимииятидан мустақил равишда қутулиш имконияти борлигига ишонмай қўйди. Иккинчи томондан эса қўзғолончиларга осонгина қўшилиб кетадиган оч, ғазабланган омма йўқ.

Совет тузумига қанчалик миллатчилик нуқтаи назаридан қарамасин, тан олиш керакки, жойларда аҳолининг турмуш дара-жасини кўтаришга қаратилган ер ислоҳоти, мактаб ислоҳоти (мактаблар қанчалик ёмон бўлмасин) амалга оширилаётгани, коопера-тивларнинг тузилиши халқнинг кайфиятини сезиларли даражада ўзgartирди.

Ҳозирга келиб, камдан-кам бўлса-да, собиқ «босмачи» отрядларининг қолдиқла-ри оддий қароқчилар тўдаларига айланган, бундай қолдиқлар жуда оз. Алоҳида гурух-ларда беш-олти, камдан-кам ҳолларда ўндан ортиқ отлиқлар бўлиб, улар Тожикистоннинг турли ҳудудларида ёки Самарқанднинг тоғли ҳудудларида ҳаракат қилишади. Очифи, уларга аҳамият бериш ёки улар жиддий кучга айланади деб ҳисоблаш уччалик тўғри бўлмасди.

**Туркистонлик муҳожирларнинг «босмачилик» ҳаракатига қандай алоқаси бор?**  
Бу, албатта, қизиқарли савол.

Туркистонлик муҳожирларининг салмоқли қисми «босмачилик» ҳаракати билан бевосита алоқадор эди. Бу ерда уларга «босмачилик» ҳаракати ўз даврини ўтаб бўлганлигини тан олишлари бироз қийинчилик туғдиради.

Туркистонлик муҳожирларнинг ана шу қисми (муҳими, улар кўпчилик эканлигини айтдим) «босмачилик»ни совет ҳокимииятига қарши кураш, «қаҳрамонлик» деб ҳисоблади. Улар ҳаракатининг ўз-ўзидан пайдо бўлган анар-хистик характерга эга, ўзининг олдига аниқ сиёсий дастур ҳам белгилай олмаган ҳаракат эканлигини ҳисобга олмади ва буни тан олиши ҳам истамайди.

Ана шу ўжарлик «босмачилик»ни «идеал-лаштириди», қолаверса, бундай қарашда осиё-ликлар табиатига хос нуқтаи назар ўз аксини топганлигини кўриш мумкин.

Исёнчилар томонидан тан олинган босма-чиларнинг энг охирги ҳарбий раҳбари Шер-муҳаммад (Кўр Шермат) Кобулда яшайди. Ўз-ўзидан аёнки, у ҳар дақиқада курашни бошлишга тайёр. Унинг сиёсий мақсади, интилиши, агар унинг амалга ошишига ишониш мумкин бўлса, «Туркистонда мусулмон давлатини тузиш» эди. Бироз вақтдан кейин Жунаидхон ва Шермуҳаммад бошчилигидаги исёнчилар ўз ҳудудига бормоқчи бўлганида афғон ҳукумати бунга тўскинлик қилди.

Туркистонга қўшни Афғонистон ва Форс-даги вазият, кайфият билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас. Совет тузумига ва большевизмга умуман бегона бу иккала давлат Россияда совет ҳокимииятининг тез орада йўқ бўлиб кетишидан қўрқишиади. Бу уларнинг большевикларга ҳамдард ёки хайриҳоҳликлари учун эмас, балки большевиклар ўрнини эски Россия императори эгаллаб олишидан хавфисирашади.

Шу ўринда айтиш керакки, совет ҳокимиияти таҳтдан ағдарилган Россия императо-ри сингари ана шу мамлакатларга нисбатан ҳукмронлик сиёсатини юритмади. Император Россиясининг бу мамлакатларга сиёсати йў-лидан бормади. Афғонистон ва Форс туркистонликлар совет тузумини ағдарибгина қолмай, балки Россия билан улар ўргасида тўсиқ яратса олади деб ҳисоблаган эди. Қолаверса,



кейин ҳам уларнинг «босмачилар» ҳаракатига муносабати ўзгармади.

Ушбу баён муаллифи сифатида мен ҳам Афғонистон ва Форс давлатлари вакиллари (норасмий) билан қайта-қайта суҳбатлар орқали бунга ишонч ҳосил қилдим.

Жунаидхон ҳали ҳам исталган вақтда катта саҳнага чиқиши имкониятига эга. У энди ўз қариндошлари – Форс туркманлари орасига яширинган, улар қабилавий удумларга кўра Жунаидхонга қўлларидан келганча ҳурмат-эҳтиром кўрсатдилар.

Кобулда Шермуҳаммад билан боғлиқ вазият бирмунча фарқ қиласди. Афғон ҳукумати уни бошқа ушлаб турмасликка қарор қилган тақдирда ҳам, Шермуҳаммад ўз юртининг ҳудудига етиб бориш учун анчагина қийинчиликларни енгиб ўтиш керак бўлади. Гап шундаки, Афғонистон билан ўзбеклар (Шермуҳаммад – ўзбек) ўртасида тоҷик ерларининг бир қисми жойлашган. Совет ҳукумати ҳозир бор кучи билан ўзбеклар ва тоҷиклар ўртасига нифоқ солишга ҳаракат қилмоқда ва баъзи ҳудудларда бунга эришди ҳам. Шермуҳаммад Афғонистондан юртига қайтиш учун йўлга чиққан тақдирда ҳам, тоҷиклар яшайдиган ҳудудларда турли тўсиқларга учраши эҳтимоли катта.

«Босмачилик» ҳаракати ҳақидаги айrim мuloҳазалар туркistonlik мухожирларнинг яна бир қисмида унга тарихда қолган ҳодиса сифатида қараш фикрини юзага келтиради.

Умуман, кўп йиллик фуқаролар уруши ва иқтисодий вайронагарчиликдан ҷарчаган «босмачилик» ҳаракати энди Туркistonда учрамаслиги аниқ.

Туркistonда янги авлод вояга етди. Уларнинг дунёқарashi эскисиникидан бутунлай фарқ қиласди. Янги авлод энди «шариат», «одат», «уруг», «қабила тартиби» қандайлигига эътибор қаратиб ўтирмайди. Янги авлод вакиллари курашнинг яланғоч шакли билан қаноатланмайди. Бу аниқ дастур, сиёсий ва

ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишни талаб этади. Яна бир муҳим жиҳат, у совет ҳокимиятининг аксарият ислоҳотларига қарши чиқмайди. Шу билан бирга, Москва гегемонлигига, миллий ўз тақдирини ўзи белгилаш ғоясига ҳам мос. Энди улар «қабилавий республикалар» қобигидан чиқиб, мамлакат доирасида миллий давлат органини яратишга интиладиган кучдир.

Кейинги пайтда «босмачи тўдалари»га қарши маҳаллий кучларнинг (милиция ва ихтиёрий отрядлар) туриши бир хил қийматга эга бўлган иккита ҳодисадан далолат беради:

- а) собиқ қўзғолончилар қолдиқлари ҳақиқий «босмачилар» (қароқчилар) наслига айланди;
- б) аҳоли қайфиятидаги ўзгаришлар исёнчилар фойдасига бўлмади.

«Маҳаллий кучлар» ҳақида гапирганда бу кучлар жуда кам эканлигини таъкидлаш керак. Қизил армия таркибида арзимас сонли тубжой туркistonliklar (туркманлар, ўзбеклар ва қирғизлардан иборат биттадан отлиқ бригада) бор. Ҳа, улар ҳарбий хизматга чақириув асосида эмас, кўнгиллилардан саралаб олинади. Яқинда 1907 йилда туғилган кўнгилли ёшлар учун чақириув эълон қилинди. Чакирилган кўнгиллиларнинг ярми комсомол аъзоларидан, учдан бир қисми «уюшган қишлоқ ёшлари» («Қўшчи» уюшмаси аъзолари», ишчилар)дан иборат бўлди. Қолган 20 фоиздан кўп бўлмаган ёшлар маҳаллий партия ва совет органлари масъулияти остида чакирилган уюшмаган ёшлар вакиллари эди.

Совет ҳукумати Туркiston туб аҳолисининг ҳарбий тайёргарлигига қандай муносабатда бўлганини мен Тошкентдан 5 ноябрда олган қўйидаги қисқача маълумотномадан кўриш мумкин.

Жорий йилнинг куз-қиши мавсумида чақириувгacha бўлган тайёргарликни қамраб олишимиз керак. Биз ушбу газеталарда 1907 йилда туғилган фуқаролар контингентини ўқий-



миз. Ҳаммаси бўлиб бооо киши чақиругвача бўлган тайёргарликдан ўтади, улардан 2000 нафари маҳаллий аҳоли вакиллари, 4000 нафари эса европаликлар, яъни руслар.

Бу қисқача рақамлар бизга совет ҳукуматининг Туркистоннинг туб ахолисига ишончи қай даражада эканлиги ҳақида жуда аниқ ва асосли фикр беради.

«Босмачилик» (бу ерда мен бу сўзни халқ қўзғолони маъносидан ишлатаман) Туркистондаги қизил армия миллий таркибининг ҳозирги нисбати ўзгарғандагина муваффақият қозонади.

Бу ўзгариш амалга оширилмагунча «босмачилик» ҳеч қандай муваффақиятга эриша

олмайди, бу ҳаракат ўн минглаб одамларнинг иқтисодий ва жисмоний ўлимидан бошқа ҳеч нарсага олиб келмайди.

Ва бунда фақат маҳаллий аҳоли ҳалок бўлади, чунки руслар ҳар доим кутилмаган ҳужумлардан мукаммал ҳимояланган темир йўл ҳудудларида яшайдилар. 1928 йил 19 ноябрь.

Рухсат этилган матн ёзуви. Россия давлат ҳарбий архиви. 461-фонд, 1-рўйхат. 407-иш, 40 – 53-бетлар. 1928 йил 19 ноябрь. Муаллиф томонидан машинкада ёзилган матн. Россия давлат ҳарбий архиви. 461-фонд, 1-рўйхат, 407-иш, 40 – 53-варақлар.

*Русчадан Фахриддин Убайдуллаев таржимаси*



# ГПУ ШАРҚИЙ БҮЛИМИ БОШЛИҒИ Я.ПЕТЕРС НИНГ “ҮРТА ОСИЁДА БОС- МАЧИЛИК ҲАРАКАТИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ” ҲАҚИДАГИ ЁЗМА ДОКЛАДИ



1918-1919 йиллар. РСФСР ВЧК раиси Ф.Э.Дзержинский ва РСФСР ВЧК раиси ўринбосари Я.Х.Петерс (1917-1919 йиллар).

Мен ўз ёзма докладимда Ўрта Осиёдаги босмачилик ҳаракатининг тарихига, бу ҳаракатнинг иқтисодий ва сиёсий сабабларига тұхталиб үтирумайман. Улар мен мазкур ёзма доклад билан мурожаат қилаётган орган-

ларга илгари тақдим этган докладларимда ва ёзма докладларимда батағсил ҳамда бир неча марта баён қилинган. Улар, айниқса, 1921 йил 20 октябрдеги “Босмачилик ва унинг тугатилишини кечиктираётган сабаблар” деб



номланган докладимда, 1922 йил февраль ойидаги “Туркистоннинг сиёсий ва ҳарбий аҳволи тўғрисида”ги ёзма докладимда мұфассал ёритилган.

Мазкур ёзма докладимнинг мақсади Ўрта Осиёдаги босмачилик ҳаракатининг ҳозирги аҳволини, босмачиликка қарши курашда биз йўл қўйган хатоларни ҳамда уни муваффақиятли тугатиш учун кўрилиши зарур бўлган ҳарбий ва чекистларча чора-тадбирлар ҳақидаги фикримни баён қилишдан иборат.

Босмачилик ҳаракати ҳозир бутун Ўрта Осиёни, айнан Бухоро, Хива ва Туркистонни (Афғонистоннинг кўллови билан) қамраб олди. Бухорода босмачилик шарқий Бухородан то эски Бухоронинг ғарбий дарвозаларигача бўлган ҳудудга ёйилди. Аммо бизнинг Қизил армия қисмлари томонидан Бухоро остоналарида тор-мор этилишидан олдин у чекиниб, ғарбда, Кармана районида қўрбoshi Сайд Ниёзов ва сабиқ ҳарбий вазир Орипов қўл остида жамланди. Майда тўдалар Чоржўйнинг шимоли-ғарбидаги ва эски Бухоронинг шимолидаги районни эгаллашди. Босмачиларнинг асосий кучлари эса Бухоро шарқидаги Бойсун, Фузор, Қарши, Душанбе районларида, асосан Бойсун районида жамланди. Бойсунда Анвар пошшо Ўрта Осиёдаги барча босмачилик қисмларининг бошида туриб, отрядларни фаол ҳарбий тайёргарликдан ўтказмоқда, дала шароитида жанг қилиш усулларини ўргатмоқда. Олинган мълумотларга кўра, Анвар пошшо Афғонистондан қурол-яроғ олиб туриди, бу ўлгадагилар эса ўз навбатида инглизлардан олишяпти. Одамлар билан ёрдам кўрсатиш масаласига келсак, ҳозиргача ўлдирилган босмачилар орасида Афғонистон фуқаролари бўлганлиги аниқланди, афғонистонликлар Анварга кўмак учун ўз аскарларини бошқача кийинтириб юборишаётгани эҳтимоли бор.

Шарқий Бухорода бизнинг агентура ишимиз жуда ёмон йўлга қўйилган. Аммо бир нечта манбалардан олинган мавжуд мълумотларга қараганда, бутун Бухоро бўйича Анвар қўл остида 24 минг босмачи бор. Бу миқдордан ярмини умуман қуролланмаганлар сифатида ва Керки – Мозори Шариф районида турган 4 минг туркманни чиқариб ташлаш керак. Чунки улар нисбатан суст ҳолатда бўлиб, фақат бизнинг чегара ҳудудларимизга уюшмаган ҳужумлар уюштириб туришибди, Чоржўй ва Термиз ўртасида Амударё бўйлаб пароход қатновига хавф солишаپти. Агар Анварга қарши белгиланган операция қисмларимиз учун муваффақиятли бўлса, Анварга кўр-кўrona ишониш ғойиб бўлади ва моҳирлик билан иш тутилса, туркманлар Анварнинг ўзига қарши қуролга айланишади.

Афғонлар ҳозир юқорида эслатилган туркманларни Бухоро совет ҳокимиятига қарши қилиб қўйиш учун ҳамма нарсани қилишаپти. Аммо Афғонистоннинг ўзида туркманлар жуда қийин турмуш кечиришмоқда. Такорр айтаманки, у ёки бу даражада моҳирона иш тутилса, улардан осон фойдаланишимиз мумкин.

Босмачилик, аниқроғи, Бухородаги антисовет ҳаракати Бухоро учун совет ҳокимияти сингари янги. Айниқса Шарқий Бухоро совет қурилишини кўргани йўқ. Бухородаги “инқилоб”дан сўнг, Шарқий Бухоро сабиқ амир учун, амир Афғонистонга қочгандан кейин қолиб кетган унинг амалдорлари армияси учун фалокат жойи бўлди. Улар қишлоқларга тарқалиб, олти ой жазоланмай амирнинг ишини давом эттиришди. Совет ҳокимияти эса у ерга Қизил армиянинг елкасида келди ва совет тартиботининг энг ёмон намунаси бўлди. Бу ҳақда бир неча марта ёзилган.

Бунга яна Бухоро билан ўзаро иқтисодий ва сиёсий муносабатларда йўл қўйилган қатор тутуриқсизликларни ҳам қўшиш керак. Уларни Сиёсий бюро ҳисобга олиб, ушбу ма-



сала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Шундай қилиб, буларнинг ҳаммасини эътиборга олиб, агар Сиёсий бюро қабул қилган эркин товар айирбошлаш учун Бухоро чегарасини очиш тўғрисидаги қарор қоракўлни Россияда бўлмаса, ташқи бозорда реализация қилиш имкониятини берса, агар бошқа томондан, қўшинларнинг Бухоро гуруҳи штаби томонидан июнда шарқий Бухорода белгиланган операция ҳақиқатан тинч аҳолига тазийқ қилмасдан, мувофиқлаштирилган ҳарбий ҳаракатлар, сиёсий ташвиқот ва иқтисодий чора-тадбирлар билан ўтса, ажralиб қолган шарқий Бухорони Россия ва Бухоро бозори билан боғлайдиган Қарши темирйўл тармоғи қурилишини тугаллаш бўйича шошилинч чоралар кўриладиган бўлса, у ҳолда июн зарбасидан сўнг, Анвар пошшо қандай тактикани қўллашидан – Афғонистон ҳудудига чекинадими ёки фарғоналик босмачилар тактикасини қабул қиладими – бундан қатъи назар, у барибир ўз авантюраси учун базадан маҳрум бўлади.

Ҳориган дехқонлар оммаси тарқалиб, тинч меҳнатга киришади. Бунинг устига жорий йилда Бухорода ҳосил ниҳоятда яхши. Таркибига Бухоро ҳокимияти вакили ҳам кирган Ҳарбий инқилобий кенгаш томонидан Бухорода қўшинларнинг махсус гуруҳи тузилгани Бухорода босмачилик ҳаракатини тугатишнинг муваффақиятли якунланишига умид уйғотади.

### **Туркистондаги босмачилик ҳаракати**

Туркистондаги босмачилик ҳаракати мутлақо ўзгача манзара касб этган. У Фарғонада айrim шахслар ва гуруҳларнинг чуқур иқтисодий ва сиёсий зўравонлиги вақтида юзага келган ҳамда ўзининг ўсиши ва ривожланишида турлича босқичларни босиб ўтган. Уларга мен тўхталиб ўтиrmайман, бу ҳақда жуда кўп ёзилган.

Ҳозир Туркистондаги босмачилик ҳаракати бутун Фарғона водийсини қамраб олди, қарийб 10 минг кишидан иборат, деярли ҳаммаси анча яхши қуролланган. Самарқанд области, асосан Панжикент уезди ва Самарқанд шаҳри атрофида тахминан 800 кишидан иборат ва Тошкент яқинида, Обликас фронтида ҳам кучайди. Шу билан бирга Туркистондаги босмачилик ҳаракати характери жиҳатидан ҳам ўзгарди. Кўқон муҳторият ҳаракатининг акс-садолари тугатилгандан сўнг, 1920 йил баҳоридан тахминан 1921 йил кузигача Фарғонадаги босмачилик ҳаракати аҳолидан бутунлай ажralиб қолган эди ва соғ бандитларча характер касб этганди. У аҳоли томонидан қўллаб-қувватланмаётган эди, агар баъзан аҳоли босмачиларга кўмак кўрсатган бўлса, бу фақат қўрқув туфайли бўларди. Чунки босмачилар томонидан бизнинг қўшинларимизга озроқ кўмак кўрсатганларни жазолаш ёвзликнинг барча чегараларидан ошиб кетарди. Ҳатто босмачилар томонга қочиб ўтган Туркистон Марказий ижроқўми раисининг собық ўринbosари Жонузоқов ҳам ўз докладида “Фарғона босмачиларини сиёсий шиорлар теварагида бирлаштириш мумкин эмас” лигини тан олишга мажбур бўлган. Собиқ каторжник Кўршермат ўзини Фарғона обlastидаги барча мусулмон қўшинларининг қўмондони деб атаса-да, у аслида аҳолидан ғоявий жиҳатдан ажralиб қолган, нуқул иқтисодий фожиалар туфайли хароб бўлган унсурларга ва ўз ёвзлигига таянган жиноятчи-каторжникилигича қолаверган.

Аммо Жонузоқов қилолмаган ишни – босмачиларни сиёсий шиорлар теварагида бирлаштиришни биз ўзимиз амалга оширдик. 1921 йил ёзида Фарғонадаги босмачиларга қарши у ёки бу даражада радикал ҳарбий чоралар кўрилганда, ҳарбий қисмларимиз уларга муваффақиятли зарба бера бошлаганда, аҳоли орасида ҳам талончиларга қарши қатъият пайдо бўлди. Ҳатто аҳолининг бос-



мачиларга ҳужум қилиши ёки тошлар билан улардан ҳимояланиши ҳолатлари учради. Айнан шу вақтда босмачилар совет ҳокимияти билан тинчлик музокаралари йўлига ўта бошлади. Бу таклифни муҳокама қилиб, биз босмачилар ҳамма қуролини топшириши шарти билан тинчлик музокараларини олиб боришга қарор қилдик. Бироқ ўртоқлар тинчлик таклиф этишга шундай берилиб кетишиди, Фарғонадаги тинчлик музокараларига нафақат Туркистон ҳокимиятининг олий вакиллари, ҳатто ўртоқ Йоффе ҳам борди. Босмачилар хайрлашиш чоғида маҳаллий одатга кўра уларга юксак шараф кўрсатиб, тухфалар тортиқ этишди – кимгадир тўн кийдиришиди, кимгадир от миндиришиди, бошқасига бузоги бор сигир беришиди. Буларнинг ҳаммаси карикатура кўринишида эди. Ўшандан буён тинчлик музокаралари тўхтагани йўқ, аммо ҳаммаси муваффақиятсиз бўлиб чиқди. Тинчлик музокараларидан босмачилар кўп нарса ютишди, чунки аҳоли Совет ҳокимияти босмачиларга тенг тараф сифатида қараганини кўриб турди ва шундай қилиб, биз ўзимиз уларга аҳоли кўз ўнгига кўпроқ обрў олиб бердик.

### **Босмачиларга қарши курашда йўл қўйилган асосий хатолар**

Сиёсий ва айниқса иқтисодий соҳаларда биз йўл қўйган хатоларни ҳар бир докладимда ёритганим сабабли мен бу ерда ҳам батафсил тўхталиб ўтолмайман. Лекин босмачиларга қарши курашда мувофиқлаштирилган иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий-чекистларча чора-тадбирлар зарур деб ҳисоблаганим сабабли бу ўринда фақат ҳарбий-чекистларча ҳаракатларда йўл қўйилган хатоларга тўхтalamан.

1) Босмачиларга қарши курашдаги асосий хато кураш унинг учун ҳеч ким жавобгар

бермайдиган тарзда йўлга қўйилганидадир. Ҳарбий қўмондонлик бу масалада тўлиғича Туркистон бюросига бўйсундирилган. Туркбюро тез-тез ўзгаряптики, бу ҳолда ҳеч қачон ўз тажрибаларининг натижаларини ҳисобга ололмайди. Мазкур сабабга қўра шундай бўляптики, Туркбюронинг бир таркиби томонидан йўл қўйилган ва босмачилик ҳаракатини тугатишига жуда ёмон таъсир этган хатолар бюронинг кейинги таркиби томонидан айнан тақрорланяпти. Мусулмон ўртоқлар эса ҳар қандай йирик ва мураккаб ишда шу қадар тажрибасизки, улар ушбу хатоларни ҳеч ҳисобга олишолмаяпти.

2) Ҳарбий диктатурадан фуқаролик органдарининг оператив режаларга аралашиш ҳолати 1920 йилда Фарғонада ҳарбий диктатура мавжуд бўлган вазиятда содир бўлди. Ҳарбий-инқилобий кенгашлар ва ҳарбий қисмлар қўмондонлари инқилобий қўмиталарга буйруқ бера бошлади – кейин янги сиёsat жориий бўлди, шундай ҳаддан ошиш кузатилдики, сал бўлмаса, қисмларга уезд қўмиталари қўмондонлик қила бошлади. Кўпинча оператив режалар облост ва уезд қўмиталарида муҳокама этилди.

3) Босмачиларга қарши курашда маҳаллий аҳолидан фойдалана олмаслик. Босмачиларга қарши кураш бошида маҳаллий аҳоли мутлақо жалб этилмаганди. Бизнинг ҳарбий қисмларимиз, пиёдалар, отлиқ аскарлар, артиллерия қишлоқлардан ўтиб боришарди, аҳоли қочиб, тарқалиб кетарди, босмачилар тинч аҳолига айланиб олишарди. Қисмларимиз кўринмай қолгандан кейин аҳоли ва босмачилар яна пайдо бўлишарди, баъзан қизил армиячиларимиз томонидан, гоҳида босмачилар томонидан талаб кетилган квартиralарни топишарди, аммо ҳамма бемаънигарчиликлар қизил армиячиларимиз ҳисобига ёзиларди. Эслатиб ўтилган кўринишлар 1921 йилда босмачиларга қарши курашга маҳаллий аҳолини жалб этиш зарурлиги ҳақидаги



масалани күтаришга мажбур этди. Асосан яқинлари босмачилар томонидан үлдирилган ва уларда хусумати бўлган кишилар жалб этилди. Ушбу унсурларни бизнинг Қизил армия қисмларимизга кўмак кўрсатувчи отрядларга тортиш зарур эди. Аммо ҳар бир шошилинч ва жиддий ишни барбод қиласиган мусулмон ўртоқларнинг доимий дангасалиги ва совуқлонлиги туфайли бундай отрядлар шакллантирилмади. Улар энг кам қаршилик кўрсатиш йўлидан боришли. Дастреб ҳудудий полкни ташкил этишга қарор қилишли, кейин эса Туркбюро қарорисиз Теркуловнинг кўмагида биз тарафга ўтган босмачилардан иккита ҳудудий полк ташкил қилинди. Иккала полк ҳам яхшигина қуроллантирилди, улардан бири тўлиғича босмачилар томонга ўтиб кетди, иккинчисининг бир қисмини қуролсизлантиришга муваффақ бўлинди. Эслатиб ўтилган 1-полк яна биз тарафга ўтди. Ушбу полк командири Жонибеков билан тузилган шартномани илова қилияпман (1-иловага қаранг). Агентурамиз хабарига кўра, Жонибеков 100 та яроқсиз винтовкани топширган, қолганини яшириб қўйгандир, эҳтимол, қуролни ғамлаб олгач, яна бизга қарши тарафга ўтади.

Шу билан бирга шакллантирилгандан кейин босмачилар тарафга ўтган ва қуролни олиб кетган мусулмон отрядлари рўйхатини илова қилияпман (2-иловага қаранг). (Хошиядаги ёзув: “Илова қилинмаган”) Ташкил этилган мусулмон қисмлари ўртасида сиёсий ишларни яхши йўлга қўйишга, аскарларни кийинтириш ва овқатлантиришга ҳаракат қилишмади, такрор айтаманки, энг кам қаршилик кўрсатиш йўлидан боришли, биз тарафга ўтган босмачиларни қуроллантиришибди ва ўргатишибди. Ёки ҳеч ўйлаб ўтирамасдан аҳолини қуроллантиришибди. Бу йил биргина Фарғонада апрель ойигача аҳолига 4 минг дона винтовка тарқатилди (3-иловага қаранг).

4) Сиёсий ишларнинг йўлга қўйилмаганини. Босмачилар бўлиб турган районларда ҳеч қандай сиёсий иш олиб борилмади. Фарғонага бир неча марта партиявий сафарбарлик эълон қилинди, лекин ҳеч қандай натижада бермади. Чунончи, 1921 йил августида биз Туркбюрода кўпчиликни ташкил этган пайтда Рудзутакнинг келишига Фарғонада босмачиларни тугатиш бўйича жиддий чоралар қўришиб қарор қиласиган. У томонга Туркистон компартияси Марказқўми аъзоси ўртоқ Баранов қўмондон сифатида юборилди, яхши чекистлар йўлланди. Шунингдек, кенг партиявий сафарбарлик ҳар доимгидек муваффақиятсиз чиқди, 150 партия ходими ўрнига 6 ёки 10 киши жўнаб кетди, улар ҳам тез орада қайтиб келишли.

5) Босмачиларга хушомадгўйлик. 1920 йил баҳорида фавқулодда ноқулай, ҳеч қачон фронтда бўлмаган, сиёсий жиҳатдан мутлақо ўсмаган, психологик жиҳатдан умуман бизга ёт бўлган Отабоев бошчилигида ҳарбий диктаторлик учлиги ўрнатилди. Отабоев маҳсус поездда Фарғонадан Тошкентга сайд қилияпти, босмачилар билан эса қарийб бир йилдан бери тинчлик музокаралари олиб боряпмиз. Бу аҳоли кўз ўнгидаги уларнинг обрўсини оширяпти, қуролланиб олишига ва Анварнинг режаси бўйича қайта гурухланишига имконият беряпти.

6) Ҳарбий қўмондонликнинг хатолари. Юқорида эслатиб ўтилган хатолардан, яъни ҳарбий диктатурадан босмачилар билан муносабатларда хушомадгўйликка тўлиқ ўтиш, уларга нисбатан суст муносабатда бўлиш, мусулмон тузилмалари ва милиция орқали уларни доим қурол билан таъминлашдан ташқари улар қаторига ҳарбий қўмондонлик тактикасининг хатолигини қўшиш керак. Ҳарбий қўмондонлик аҳоли кўз ўнгидаги ўзининг ҳар қандай обрўсини бой бермаганида, босмачиларга қарши 4 йиллик кураш даво-



мида ўзининг уқувсизлигини кўрсатмаганида босмачилар билан хушомадгўйликлар бу қадар узоққа чўзилмаган бўлур эди.

Фарғонадаги ҳарбий қўмондонлик уни оқкупация қилиш учун етарли қўшинга эга бўлган вақтлар ҳам бўлганди. Лекин ҳарбий операциялар шу қадар расво ўтдики, улардан босмачилар ҳеч қандай заарар кўрмади, аksинча, наф кўрди. Фарғонада катта миқдордаги артиллерия, ҳатто оғир артиллерия ҳеч кимга керак бўлмай турганди, аҳолини мўтаб ётишарди, очарчилик юзага келди, отлар нобуд бўлди, қизил армиячилар оч-наҳор эди, очликдан патронларни босмачиларга очиқ-часига сотишарди.

Фарғонадаги ҳарбий операциялар фронт қўмондонлигининг барча қоидаларига муовифик ўтказиласпти, босмачиликнинг партизанча характери мутлақо ҳисобга олинмаяспти. Босмачилар агар мажбур этилмаса, деярли ҳеч қачон очиқ жанг қўлмаслигига қарамасдан, ҳарбий қўмондонлик уюшган ҳужум тактикасини қўллаяспти. Тактикани ўзгартириб, қисмларнинг ўзларига ташаббус кўрсатишга имконият беришмаяспти. Бундай тактиканинг оқибати отлар ва одамларни ҳолдан тойгани бўляспти, босмачилар эса қишлоқлардаги тинч аҳоли орасига тарқалиб кетяспти, яна фронт ортида пайдо бўляспти ва операция қайтадан бошланмоқда.

1921 йил ёзида мен ҳарбий қўмондонликка Фарғонадаги барча ҳарбий қисмларни муайян районларга тақсимлаб ва бириттириб, уларга ташаббус кўрсатишга имкон беришни таклиф қилдим. Шу вақтнинг ўзида Фарғонадаги босмачилар бўлиб турган районларда агентура иши кучайтирилди. Фаол босмачиларни ва босмачиликнинг ғоявий илҳомлантирувчиларини рўйхатга олиш бошланди, Андижон районида тажриба ўтказилди, яъни агентларимиз рўйхатга олишини ўтказган қишлоқларда операциялар анча яхши натижалар билан якунланди: кўплаб

қурол ва бошқа нарсалар топилди. Аммо бошида менинг лойиҳамга хайриҳоҳлик билан қараган ҳарбий қўмондонлик бу уларнинг режаси эканлигини айтди, пировардида унинг амалга оширилишини йўққа чиқарди. Сайр қилиш ва натижасиз ҳужумлардан иборат эски тактикани қўллашга киришилди. Кейин ЧК органларини мусулмонлаштириш учун кураш бошланди ҳамда шу билан бирга агентуранинг ўзи ва рўйхатга олиш барҳам топди.

Хивадаги ва Туркманистон обlastидаги босмачилик ҳақида гапирмайман, чунки босмачилик ҳаракати жиддий роль ўйнамайди ва ўйнай олмайди ҳам.

### **Босмачиликка қарши муваффақиятли курашиш учун қандай чораларни кўриш зарур?**

1. Босмачиликка қарши кураш бўйича бутун масъулиятни ҳарбий қўмондонлик зиммасига юклаш.
2. Фуқаролик ҳокимииятининг қўмондонлик ишига аралашувига чек қўйиш, инқи lobiy-ҳарбий кенгашларни улар таркибига маҳаллий фуқаролик ҳокимииятининг битта вакилини киритган ҳолда ташкил этиш.
3. Босмачилар билан тинчлик музокаралари олиб бориш ваколатини фуқаролик ҳокимииятидан олиб, тўлалигича ҳарбий қўмондонлик ихтиёрида қолдириш. Ушбу музокараларга муайян муддат ва қуролни топшириш бўйича қатъий шартлар қўйиш.
4. Айниқса Фарғонада мусулмон тузилмалари ташкил этишни тўхтатиш, милицияни шакллантиришда шахсий таркибни жиддий текшириш.
5. Қуролни сақлаш ва патронларни ҳисобга олишга алоҳида эътибор қаратиш.



6. Фарғонадан Туркистон Ҳалқ Комиссарлари Совети раиси Отабоев ва Хидиралиевни ишга фақат халақит бераётганлар сифатида чақириб олиш.

7. Фарғонадаги партия ташкилотларида уларни тарқатиб юборишгача бўлган чуқур тозалов ўтказиш ва янги аъзолар қабул қилиш.

8. Ҳарбий қўмандонликнинг Фарғонадаги тактикасини менинг кўрсатмаларимга мувофиқ қайта ташкил этиш (ушбу ёзма докладнинг 8-бетига қаранг).

9. Туркистондаги ГПУ органларини жиддий қайта шакллантириш, уларнинг раҳбарлигига тегишили партия стажига эга бўлган ўта тажрибали чекистларни тайинлаш.

ГПУ Шарқий бўлими бошлиғи Петерс

*1922 йил 15 июнь.<sup>1</sup> (Русчадан ўзбекчага Қатагон қурбонлари хотираси музейи кичик иммий ҳодими М.Худоёров таржимаси)*

---

<sup>1</sup> РГАСПИ – Российский государственный архив политической истории - (Россия сиёсий ташкилотлар давлат архиви) 17фонд, 84-рўйхат, 356-иш, 67-74-варақлар.



# БУХОРО

Абдураҳим Юсуфзода, Бухоро Ҳалқ Совет Республикасининг  
СССР ҳукумати ҳузуридаги мухтор вакили<sup>1</sup>

Бухоро нуқул қишлоқ хўжалигига ихтинослашган мамлакат бўлиб, хўжалик бирлиги сифатида Россия саноатининг хомашё базаси ҳисобланади. Мавжуд унча катта бўлмаган завод ишлаб чиқариши саноат учун мўлжалланган маҳсулотларни бирламчи қайта ишлаш кўринишида яна бир карра Россия саноатига хизмат қилади. Шу боисдан Бухоро хўжалигини тиклаш айнан рус саноатининг тикланиши билан чамбарчас боғланган ва унга боғлик.

Россия билан бундай узвий иқтисодий муносабатга, аввало, мамлакатнинг географик жойлашуви, табиий чегараларнинг қулайлиги, унинг энг яқин ва бевосита саноат сифатида рус саноатига тарихан шаклланган мойиллиги, унинг қудратли темирйўл магистрали орқали алоқалар йўлга қўйилгани сабаб бўлган. Мана шу омилларга кўра Бухоронинг бутун қишлоқ хўжалиги саноати ўз ишлаб чиқаришининг асосий турларини рус саноатига тақдим этиб ва бунинг эвазига қайта ишлаш саноати учун зарур бўлган предметларни олиб, тўлалигича ушбу саноат талаб ва эҳтиёjlарига мослашган ҳамда улар асосига қурилган.

Бухоро ва Россия табиий-иктисодий муносабатларининг мустаҳкамлиги фуқаролар уруши даври (1918 – 1920 йиллар)да амир ҳукумати Россия билан савдо алоқаларини узиб, уларни Афғонистон ва Ҳиндистон билан савдо алоқаларига алмаштиришга уринганда ажойиб тарзда тасдиқланди. Ушбу савдо ўта фойдасиз бўлиб чиқди, чунки молни ташиб олиб

боришининг кўп вақт талаб этиши ва нарх-навосининг баландлиги ниҳоятда қимматга тушди, хўжаликка жуда катта зарар келтирди.

Россия билан алоқа ташқи савдо шаклида амалга оширилган. Ҳар йили унинг обороти тилла билан 75 миллион рублга етган, мамлакат умумий хўжалигини кредит тақдим этиш, хомашёни интенсив ҳарид қилиш ва Россияга жўнатиш тартибида кенг рағбатлантирган. Шу боисдан экспорт предметлари давлатнинг алоҳида эътиборига лойиқдир.

Пахта, қоракўл, тери хомашёси, жун, ичаклар, қизилмия илдизлари, гиламлар экспортнинг асосий предметлари ҳисобланади. Улардан энг қимматлиси пахтадир. Ҳозирги пайтда давлат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ҳунармандчилик саноатининг барча турларини қамраб олишга қодир эмас. У ўз хўжалик қурилиши тартибида тўлалигича фақат мана шу маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини бошқариш билан машғул бўлиши зарур.

Давлатнинг мазкур соҳадаги иши иккита йўналиш бўйича: 1) ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва бирламчи қайта ишлаш, бу жараёнларни механизациялаштириш; 2) давлат савдосини ташкил қилиш орқали ҳарид қилиш ва сотиш орқали олиб бориляпти. Хўжалик идораларининг бутун фаолияти кўрсатиб ўтилган жараёнларни бошқариш билан чекланиши керак.

Энг интенсив экин ҳисобланган ва талаб катта бўлган пахта етиштириш жараёнида дехқон хўжалигига катта бесаранжомлик-

<sup>1</sup>Бухара. – Москва: Красная Пресня, 1924. – С.8 – 16.



ларга сабаб бўлади. Пахта ҳосили ва сифати, шунингдек, унинг қиммати тупроқса, такрорий ишловга, ўз вақтида йиғиб-териб олишга боғлиқ. Унга сарфланадиган меҳнат узлуксиз бўлиб, катта сарф-харажатларга олиб келади. Ишлаб чиқаришнинг кўп меҳнат талаб қилиши ёлланма меҳнатга зарурат яратади. Бу эса, ўз навбатида, кредиттга эҳтиёж туғдиради. Кредит олишга кабала шартлари асосида бўла жак ҳосилни гаровга қўйиш орқали эришилади. Натижада пахта таннархидан паст нархда сотилади, танқис бўлиб, дехқон хўжалигининг муқаррар хонавайрон бўлишига олиб келади.

Одатда, пахтани дехқондан маҳаллий қулоқ сотиб олади ва «чисточ» (камида бир вагон пахта сотиб оладиган киши) учун пахта харид қиласидиган комиссионерга сотади. «Чисточ» пахтани фирмага ёки банкка топширади. Бу ердан пахта ниҳоят фабрикага етиб келади. Шундай қилиб, пахта фабрикага етиб келгунча 5-6 қўлдан ўтади, аста-секин нархи ортади, дехқоннинг ишида бир қатор паразитларни яратади. Бу жараёнда пахта бирламчи қайта ишланади (тозаланади ва прессланади).

Туркистондан фарқли ўлароқ, Бухорода Америка пахтасидан кўра сифати ёмонроқ ва фойдаси камроқ пахта<sup>1</sup> етиштирилади. Бу ҳолат шу нарса билан изоҳланадики, амирлик даврида амалда бўлган тартиб-қоидаларга кўра, амлокдор ҳосилнинг салмоғини далада баҳолаб, солиқ миқдорини белгиламагунча дехқон ҳосилни йиғиб олишга киришолмайди. Америка пахтаси пишиб етилиши билан тез териб олиниши керак, акс ҳолда, нобуд бўлади. Бу ҳолатда Бухоро пахтаси ойлаб тураверади. Ҳозирги вақтда бу ҳолатларга барҳам берилди, давлатнинг навбатдаги вазифаси Америка пахтаси етиштиришни ўзлаштиришдир.

Тинчлик даврида 80 минг десятина ерда ўртacha 1200 тоннадан (1914 йилда 1600 т) пахта етиштирилган. Бу мамлакат савдо балансига 12 – 15 миллион рубль даромад келтирган. 1917

<sup>1</sup> Матнда бу ўринда «хлопок гузоломочный» деган ибора қўлланилган.

йилдан бошлаб умумфуқаро уруши ҳамда савдо йўлларининг беркилиб қолиши туфайли пахта сотилмай қолиб, уни етиштириш ҳало катли суръатда қисқара бошлади ва 20-йилга келиб тўла таназзулга юз тутди. Ҳозирги вақтда умумий шароитлар яхшилангани сабабли пахтачилик қайта тикланиб бормоқда ва жорий йилда тинчлик давридаги даражанинг 25 фоизига етди, бунинг устига, янада ривожланиш тамойилига эга.

Ўрта Осиёning қолган қисмига зид равишда Бухорода пахта етиштириш ташқаридан ғалла етказиб келинишига боғлиқ эмас. Чунки унинг ўзида Қарши райони ва Шарқий Бухоро каби ғаллага бой ҳудудлар мавжуд. Улар Бухоро амирлигининг ўзинигина эмас, балки Туркистоннинг бир қисмини ҳам ғалла билан таъминлаган. Шундай қилиб, Бухоро ўзининг озиқ-овқат билан таъминланиш даражасига зарар етказмаган ҳолда сугориш тизимларини яхшилаш ва лалмикор экинларни кўпайтириш ҳисобига пахта етиштиришни янада кенгайтириш имкониятига эга.

Қишлоқ хўжалиги типига мансуб техник экинлар тоифасига қизилмия (ширинмия) илдизини кўшиш зарур. У мамлакатнинг табиий бойлигини ифодалаб, тиббий дори-дармонлар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Бу экин Чоржўй, Карки, Қабали, Келиф районларида Амударё бўйларида унча катта бўлмаган бутазорлар кўринишида, минтақани тасмадай энига 2 – 3 верст, бўйига 10 – 15 верст қоплаб ўсади. Қизилмия илдизи август-сентябрь ойларида териб олинади. Етилган поялар кўк майсалардан тозаланиб, кесиб олинади ва тўп-тўп қилиб заводга жўнатилади.

Териб олинадиган қизилмия илдизи миқдори йилига 640 минг пудгача етади. Бир пуд илдизни териб олиш 20 – 30 тийинга тушади, бу маҳаллий аҳолига 200 минг рублгача кўшимча даромад келтиради. Қайта ишланган ва прессланган илдиз хорижга экспорт қилинади ва у ерда таннархидан зоо фоиз қимматроқса со-



тилади.

Республика хўжалигининг ўзига хос хусусиятга эга бўлган бошқа бир ўта муҳим тармоғи қоракўлчиликдир. Иқлимнинг, ўсимликлар дунёсининг, тупроқ ва сувнинг ўзига хос хусусиятлари қоракўлчилик учун қулай шароитлар яратади. Бу дунёдаги қоракўл тери етишириш учун қулай бўлган ягона жойдир. Зеб-зийнат буюми сифатида қоракўл терига Россиядан, Фарбий Европа ва Америкадан талаб катталиги, унинг нархи ҳам юқорилиги (бир донаси ўртacha тилла билан 10 – 15 рубль туради) қоракўлчиликнинг кенг ривожланишига имконият яратди. Тинчлик даврида йилига  $1\frac{1}{2}$  миллионгача қоракўл тери хорижга чиқарилган, собиқ хонлик савдо балансига тилла билан 15 минг рублгача маблағ келтирган.

Сувсиз чўллардан сув чиқариш (кудуқлар ковлаш), қаҳратон қиши кунларида ҳайвонларга озуқа топиш билан боғлиқ чорвачилик хўжалиги шарт-шароитлари, чорвадорнинг озиқ-овқат маҳсулотларига ва рўзгор буюмларига бўлган эҳтиёжлари кредит олишга зарурат туғдиради. Чорвадор савдогарнинг олдига бориб, ундан маблағ (бўлгуси қоракўл тери ҳисобидан бўнак пули ёки товар) олади. Бу кредит унга хўжалигига зарар етказадиган кабала шартлари асосида берилади.

Тайёрланган қоракўл теридан жойнинг ўзида чекланган микдорда фойдаланилади, унинг қарийб ҳаммаси четга чиқарилади. Жўнатишдан олдин қоракўл терига бирламчи ишлов берилади, яъни консервировка қилиниб, навларга ажратилади. Консервировкалаш ибтидоий усулда амалга оширилиб, кўпинча товарни яроқсиз ҳолга келтиради. Қоракўл терига якунловчи ишлов Москвада ва Лейпцигда берилади. Чорвадорларга зарур миқдорда кредит бериш шарти билан давлат қоракўл тери тайёрлашга нисбатан монопол ҳуқуқса эга бўлмоғи ҳамда терига жойнинг ўзида якунловчи ишлов берилишига эришмоғи зарур.

Экспортга мўлжалланган хомашё турларидан жун, тери, ичаклар ҳам эътиборга лойик. Чорвачилик хўжалигининг кенг йўлга қўйилгани кўрсатиб ўтилган маҳсулотларни кўп миқдорда етказиб беришга шароит яратди. Жун катта ҳажмда маҳаллий эҳтиёжлар (кигиз-гиламлар) учун йўналтирилган, шунга қарамай, катта миқдордаги, тахминан 200 пудгача жун ортиб қолган ҳамда Россия ва бошқа чет мамлакатларга ташиб кетилган. Четга чиқариладиган жунга бирламчи ишлов берилади – ювилади, қўл билан ва машинада тозаланади ва прессланади. Жун бўнак пули бериш тартибида комиссionерлар орқали харид қилинади. У 1200 – 1500 рублдан сотилади.

Чорвачиликнинг жундан ташқари анча муҳим маҳсулотлардан бири тери бўлиб, унинг иирик – оғир (сигир, буқа териси) ва майдаги (кўй, эчки териси) турлари мавжуд. Терининг анчагина қисми маҳаллий эҳтиёжларни қондириш учун йўналтирилади, ортиқчаси бирламчи ишлов берилганидан сўнг ёки полуфабрикат кўринишида четга: кўй, сигир ва буқа териси Россияга, эчки териси Германияга чиқарилади. Ҳар йили хорижга 1 млн 700 минг пуд тери ташиб кетилган.

Тери хомашёси билан бир қаторда ичаклар ҳам экспорт предмети саналади. Улар жойнинг ўзида мутглақо сотилмайди. Ичаклар асосан шаҳар ва иирик қишлоқлардаги күшхоналардан йигиб олинади. Аҳоли ичакларни унча қадрламайди, шу боис уларни харид қилиш ниҳоятда арzonга тушади. Тинчлик даврида умумий қиймати тилла билан 50 минг рубль бўлган  $\frac{1}{2}$  миллион дона ичаклар хорижга чиқарилган.

Қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликнинг кўрсатиб ўтилган маҳсулотларини бошқариш билан параллель равишда гилам тўқиши ҳам ҳунармандчилик саноатининг энг қиммат ишлаб чиқариши сифатида давлатнинг алоҳида эътиборига молик. Ишнинг кўп диққат ва сабр-тоқат талаб этиши билан боғлиқ мурак-



кабликлар туфайли гилам тўқиши билан асосан ўта камбағал аҳоли шуғулланади, бунинг учун хомашё ва зарур материалларни кабала шартлари бўйича қўлга киритади – оқибатда оғир меҳнатга фавқулодда паст ҳақ тўланади. Давлат хомашё таъминотини бошқариши ва меҳнатга нормал ҳақ тўланишини таъминлайдиган қулай иш шароитлари яратиши зарур.

Саноатнинг кўрсатиб ўтилган тармоқларидан ташқари ипакчилик масаласи алоҳида ўрин тутади. Бухоро ипаги газламанинг пишиқлиги ва кўркамлиги билан машҳур. Ипакчилик инқилоб ва фуқаролар уруши туфайли батамом таназзулга юз тутди ва ҳозирги вақтда бутунлай тўхтаб қолди. Ипакчилик ишини Туркистон ва Бухоронинг тегишли ташкилотлари куч-ғайратларини бирлаштириш орқали кўтариш мумкин.

Саноатнинг барча кўрсатиб ўтилган тармоқлари экспорт предметлари сифатида аҳамиятга эга ва давлат ташқи савдосининг асосини ташкил этади. Республиkaning бутун савдо баланси асосан уларнинг ривожланишига таянади.

Аввало, чегарадош давлатларга нисбатан географик жиҳатдан қулай жойлашганлиги мамлакат савдо фаолиятига шароит яратади. Афғонистон, Хива ва Туркистоннинг марказида жойлашиб Бухоро, бир томондан, бу мамлакатлар экспорт моллари учун транзит йўли бўлиб хизмат қиласи, бошқа томондан, ўзи уларнинг туташ районлари билан бевосита интенсив савдо-сотиқ олиб боради. Бухоро иқтисодий жиҳатдан ўзи томон интиладиган бу районлар учун улар хомашёсининг истеъмолчиси ҳамда хомашёни сотиш ва рус заводларининг, ўз ҳунармандчилик саноатининг маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича амалдаги воситачи сифатида намоён бўлади.

Бухоро ўз ички хўжалик ҳолати бўйича бир қатор иқтисодий районларга, жумладан: Шарқий Бухоро ғалла, Қарши чорва моллари, Кармина қуритилган мевалар ва бошқаларга бўли-

нади. Бу маҳсулотларни айирбошлаш бўйича қизғин ички савдо-сотиқлар бўлиб ўтади. Улар ўз йўлида шахсий фаровонлигини ҳунарманд ва дехқон ўртасида воситачилик қилиш асосига қурадиган беҳисоб майда савдогарларни юзага келтиради.

Ҳудуд фабрика саноатидан олисдалиги ва бу саноатнинг мамлакат савдо фаолиятида маҳаллий эҳтиёжларга мослашмаганлиги шароитида ўзига хос характерга эга бўлган рўзғор буюмларини тайёрловчи Бухоро ҳунармандчилик саноати бозорга оборотнинг асосий буюмларини тақдим этади ва ўз эҳтиёжлари учунгина етказиб қолмай, балки олис хорижга ҳам тарқатади. Бу эса Бухорони Ўрта Осиё миқёсида анча муҳим савдо марказига айлантиради.

Мамлакатнинг савдо айланмаси ва у билан боғлиқ кредитга бўлган талаб ўзига хос судхўрлик институти – саррофлар томонидан қондирилган. Банкларнинг бирламчи шаклидан иборат бўлган саррофлар бозорни ўта юқори фоизларда бўлса-да айланма маблағлар билан таъминлаб, маҳаллий савдо капиталининг шаклланишига кўмаклашди. Ташқи савдо йирик хорижий капитални жалб этди, у эса ўз доирасига маҳаллий капитални ҳам тортди. Империалистик уруш бошига келиб маҳаллий капитал аста-секин майда савдони ва қишлоқ хўжалигини ўзига қарам қила бошлади.

1900 йилдан банклар шаклида мамлакатга кириб кела бошлаган кенг кредитнинг мавжудлиги йирик савдо капитали ривожланишининг асосий шарти бўлди. 1910 йилга келиб Бухорода жами банклар 9 та эди, лекин уларнинг фаолияти узоқ давом этмади. Бу банклар савдо капиталини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга муваффақ бўлишмади. Савдо капитали оз миқдордалигича ва чекланганича қолди.

Йирик савдо капиталининг чекланганилиги мамлакатда майда савдонинг кенг тарқалгани ва ҳунармандчилик саноатининг ривожлангани билан изоҳланади. Фабрика-завод саноати



маҳсулотларининг мамлакатга суст кириб келишига, ҳунармандчилик ишлаб чиқаришига сезиларли таъсир кўрсата олмаслигига ҳам асосий сабаб шу бўлди.

Шундай қилиб, бизнинг олдимизда қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва ҳунармандчилик саноатининг экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига кўмаклашиш, уларни харид қилиш ишларига аралashiш, нормал нархлар белгилаш, бирламчи ишлов бериш, экспорт ишларини ўз қўлимизга олиш, импортга раҳбарлик қилиш ва ички савдони бошқариш каби вазифалар турибди. Бу вазифаларни амалга оширишда бизга рус ўртоқларнинг қўллаб-қувватлори зарур.

Кўрсатилган вазифалар қўйидаги икки пунктдан: 1) саноатни ташкил этишдан; 2) савдодан иборат бўлади. Маҳсус маҳсулотларни бирламчи қайта ишлашга мўлжалланган заводлар саноатни ташкил этиш маркази ҳисобланади. Чунончи, масалан, пахта тозалаш заводи пахтани қайта ишлаш марказигина бўлиб қолмай, бир вақтнинг ўзида пахтакорга кредит берадиган, ундан пахтани харид қиласдиган ва сотадиган, умуман, ушбу турдаги ишлаб чиқаришни бошқарадиган марказ саналади. Ишлаб чиқаришнинг қолган соҳаларидаги бошқа заводлар ҳам худди шундай тамойилларга амал қиласди.

Техник саноат соҳасида давлатнинг асосий иши мавжуд корхоналарни тиклаш, кейин уларни янада кенгайтиришдан иборат. Шунга мувофиқ давлат пахта тозалайдиган ва ичакларга ишлов берадиган заводларни, қизилмия илдизига ишлов берадиган заводни тикламоқ-

да, тери, жун, қоракўл терини қайта ишлашни яхшилаш, гилам тўқиши техникасини такомиллаштириш билан шуғулланмоқда.

Маҳсулотларни сотишни ташкил этиш учун саноат бўлими билан бир қаторда давлат савдо бўлими – Госторг таъсис этилди. Экспорт хомашёси маҳсулотларини харид қилиш, маҳсулот ва хомашёни четта чиқариш ишларини ўз қўлига олиш, четдан мол олиб киришни бошқариш ва ички бозорга таъсир кўрсатиш унинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Ички бозорни бошқариш учун давлат савдо бўлими «аралаш ширкатлар» ташкил этиш йўли билан мамлакатдаги мавжуд савдо капиталини бирлаштиришга интиляпти, ишлаб чиқарувчининг, деҳқон, чорвадор ва ҳунарманднинг молини мақбул нархларда харид қилиб, улар билан бевосита боғланишга ҳаракат қилмоқда.


Бутун ташқи савдога таъсир кўрсатиш ҳамда аста-секин уни қўлга олиш мақсадида давлат савдо бўлими чегарадош давлатларнинг туташ районлари хомашёсини ҳам қўлга киритишга интиляпти, бунинг учун зарур жойларда ўз бўлинмаларини ташкил қилмоқда, ўз моллари ва хусусий товарларнинг олиб келиниши ва ташиб кетилишига имтиёзлар берилишига эришишга интилмоқда.

Давлат савдо бўлими ўз савдо фаолиятида: 1) ўз магазинлари ва омборларида улгуржи савдо; 2) кооперация орқали чакана савдо тамойилларига амал қилмоқда. Чакана савдо давлат савдо бўлимининг алоҳида эътиборидаги ва фамхўрлигидаги соҳадир.



# ҮРТА ОСИЁЛИК СУРГУН ҚИЛИНГАН-ЛАРНИНГ УКРАИНАДА «КАТТА ТЕРРОР» ДОМИГА ТОРТИЛИШИ

Шамсутдин Темиров, Дилшод Хомидов



Бундан роппа-роса йигирма бир йил муқаддам «Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари» китоби нашр этилган эди.<sup>1</sup> Китоб ҳақида республика ва хориж газета-журналларида, телекўрсатувларда тақризлар эълон қилиниб, қатор ижобий фикрлар билдирилган эди.

<sup>1</sup> Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 368 б.

ССРР НКВДсининг 1938 йил 31 январда қатор ўлка, область ва республикаларга қатағон қилингантар миқдорини кўпайтириш бўйича фармойишида Украинаға 1-тоифа (отув)га 6000 киши қўшимча қатағон қилиниши белгилаб берилган. Бу мудҳиш «режа» Херсон областининг пахта экиладиган Голопристан, Каҳовка, Скадовка районларида меҳнат қилиш учун кўчириб келтирилган ўрта осиёликлар ҳисобига бажарилган.

Китобнинг 172 – 262-бетларида 1931 – 1932 йилларда Ўрта Осиёдан Украинаға сургун қилинган қулоқ оиласарининг ҳаёти, меҳнат фаолияти, 1937 – 1938 йилларда пахтачилик совхозларида ишлаётган эркакларнинг маълум қисми «Катта қирғин» домига тортилиши, Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида шаҳид кетган юртдошларимиз номма-ном келтирилган эди. Ана шу жараён давлат хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар бошқармаси, Херсон области давлат архивидаги манбалар асосида озми-кўпми даражада очиб берилганди.

2019 йилда Украянанинг Херсон области давлат архиви томонидан «СПЕЦПЕРЕСЕЛЕНЦІ. З ІСТОРІЇ РОЗВИТКУ БАВОВНИЦТВА НА ХЕРСОНЩИНІ у 30 – 40 роки XX століття: збірник документів»<sup>2</sup> (Махсус кўчирилганлар.

<sup>2</sup> Спецпереселенці. З історії розвитку бавовництва на Херсонщині у 30–40 роки ХХ століття: збірник документів / Уклад.: В. О. Лебідь, І. В. Лопушинська, С. М. Чечет. Відп. за вип. В.О. Лебідь. – Херсон: Державний архів Херсонської області, 2019. – 86 с.



Херсон областида XX асрнинг 30 – 40-йилларида пахтачиликнинг ривожланиши тарихига доир: ҳужжатлар тўплами) номли китоб нашр этилди.

ДЕРЖАВНИЙ АРХІВ ХЕРСОНСЬКОЇ ОБЛАСТІ

Бібліотечка архіву: Випуск 23

СХВАЛЕНО  
Протокол науково-методичної ради  
державного архіву Херсонської області  
20.08.2019 № 4

### СПЕЦПЕРЕСЕЛЕНЦІ. З ІСТОРІЇ РОЗВИТКУ БАВОВНИЦТВА НА ХЕРСОНЩИНІ у 30–40 роки ХХ століття

Збірник документів

Бу ҳужжат ва материаллар тўплами Ирина Лопушинская, Сергей Чечет томонидан тайёрланган, Виктор Лебед таҳрири остида эълон қилинган. 86 саҳифадан иборат тўпламда Ўрта Осиё республикаларида қулоққа тортилганларнинг Херсон областига сургун қилиниши, уларнинг жойлаштирилиши, турмуши, маданияти, пахтачиликни ривожлантиришдаги ўрни, кўчкиндиларга нисбатан қўлланган қатағон, Иккинчи жаҳон уруши ва кўчкиндилар, маҳсус кўчкиндиларнинг ватанга қайтиши, қатағон қилинган маҳсус кўчкиндиларнинг рўйхати, географик номлар рўйхати, қисқартма сўзлар келтирилган. «Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари» номли китобда Ўрта Осиёдан «3444 хўжалик Украина сургун қилинган»<sup>1</sup> деб кўрсатилган, янги тадқиқотлар эса Украина сургун қилинган ўрта осиёликлар «4150 хўжа-

лиқдан иборат бўлиб, уларда 12126 нафар одам бўлган»ини<sup>2</sup> кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, «Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари» китобида сургун қилинганлар орасидан Иккинчи жаҳон урушига сафарбар қилиниб урушда ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган юртдошларимиз (Голопристан районидан 29 нафар, Каҳовка районидан 46 нафар, Скадовка районидан 87 нафар) ҳақидаги маълумотлар келтирилган эди.<sup>3</sup> Ушбу рўйхатларга **Абдурасулов Ҳайдарали** (Абдурасулов Кайберали, 1918 йили туғилган, 1941 йили армияга чақирилган, бедарак йўқолган. Унинг отаси (исми ва фамилияси ҳужжатда келтирилмаган) ва онаси Абдурасурова Ризвонхон (1888 йил туғилган) 1931 йили Намангандан Скадовка районига сургун қилинган, отаси 1936 йили вафот этган, 1952 йили онаси бошчилик қилаётган оиласда 2 нафар аъзо бор деб кўрсатилган), **Қобилов Пўлат** (Қабилов Тулат, 1943 йили армияга чақирилган, урушда бедарак йўқолган, 1952 йили тўлдирилган ҳужжатда унинг хотини Қобилова Равшонхон (1907 йилда Намангандан туғилган) 1931 йили эри билан сургун қилингани, қарамоғида 4 нафар фарзанди борлиги қайд этилган) каби юртдошларимизни ҳам кўшишимиз мумкин.

Куйида қатағон қилинган ўрта осиёлик собиқ «қулоқлар» ва улардан такороран қатағон домига тортилган юртдошларимизни номмамон келтиришни лозим топдик.

1. **Абдуллаев Тоштемир** (1905 – 1938) – ўзбек, Николаев областидаги Каҳовка пахта совхози ишчиси, мол-мулки мусодара этилиб, отувга ҳукм қилинган, 1965 йилда реабилитация қилинган.

2. **Абдукаримов Усмонкарим** (1881 – 1938) – ўзбек, Николаев области Голопристан райони «Коминтерн» совхози ишчиси, мол-мулки

<sup>2</sup> Спецпереселенци... – С.58 – 59.

<sup>3</sup> Қаранг: Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.262 – 287.



мусодара этилиб, отувга ҳукм қилинган, 1965 йилда реабилитация қилинган.

**3. Одинаев Аҳмадали** (1872 – 1938) – ўзбек, Каҳовка районидаги 2-совхоз ишчиси, отувга ҳукм қилинган, 1989 йилда реабилитация қилинган.

У. С. С. Р. Министерство внутренних дел СССР Совета Министров Узбекской ССР		НАРОДНИЙ КОМИСАРИАТ ВНУТРІШНІХ СПРАВ УССР Відділ Актів Громадянського Стану
ЗАПИС АКТУ ПРО ШЛЮБ № 2		
		1989 р.
		15175
Ім'я		
Він		Вона
(другіні примірник)		Для ЦУРГО
це після шлюбу	Хаджимурат	Хаджимурат
до шлюбу	Хаджимурат	Хаджимурат
	Мурат	Мурат
	Шаріп	Шаріп
відповідальність:	Чубек	Чубек
	Минуто 45	Минуто 18
стан		
шлюб	В шлюбі не перебуває, уловець, розведений (пілгримат)	У шлюбі не перебуває, уолова, розведена (пілгримат)
числом шлюбу	Махмудали	Махмудали
Чи має засоби до існування в кошти бішоцької особи?	Мак сюз засоби	На утриманні
Заняття (спеціальність, ремесло)	Хаджимурат	Хаджимурат
Відмін роботи (записки вагітності т. д.)	Хаджимурат	Хаджимурат
Адреса шлюбного пари після шлюбу	Махмудали	Хаджимурат
Особливі позначки	Обе мушкіни чужочлені внуки ру	
Представлені документи	Мактуба про засоби до існування в кошти бішоцької особи	
Заявлені шлюбний пари	У шлюб вступило добровільно, уловам вступає в шлюб, зазначені в арт. 4, 5 і 6 Закону про шлюб сім'ю і опеку, нам пропонуємо і перевіряємо що відповідно до реєстрації шлюбу стан здоров'я ми взаємно поінформовані, арт. 88 і 150 КК про залогований за даних відомостей нам отримано.	
Підписи шлюбного пари	Хаджимурат	
* Указана зміна з шлюбного пари або обидва утворюючи, що більше частини графи 11 заповнюються щодо обій на утворюючих пари перебуває.		
Завід. Бюро ЗАГС		М. П.
М. П. Махмудали		М. П. Хаджимурат

Никоҳ қайд этилганлиги түғрисидаги акт

**4. Абдукаримов Мирзакарим** (1895 – 1938) – ўзбек, Николаев областидаги Каҳовка совхози ишчиси, мол-мулки мусодара этилиб, отувга ҳукм қилинган, 1965 йилда реабилитация қилинган.

**5. Алиназаров Шайхи** (1884 – 1938) – туркман, Скадовка районидаги 1-совхоз ишчиси, мол-мулки мусодара этилиб, отувга ҳукм қилинган, 1960 йилда реабилитация қилинган.

**6. Абдувалиев Саидали** (1893 – 1938) – ўзбек, Скадовка райони 2- совхоз ишчиси, мол-мулки мусодара этилиб, отувга ҳукм қилинган, 1960 йилда реабилитация қилинган.

**7. Алисаидов Махмуджон** (1898 – 1938) – ўзбек, паҳтакор, Каҳовка районидаги 2-совхоз ишчиси, мол-мулки мусодара этилиб, отувга ҳукм қилинган, 1989 йилда реабилитация қилинган.

**8. Алимбоев (Алибоев) Хошим** (1916 – ?) – ўзбек, Скадовка районидаги 1-совхоз ишчиси, 10 йил муддатта меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган, 1979 йил 19 ноября реабилитация қилинган.

**9. Атабаев Эссен** (1897 – 1938) – туркман, Голопристан районидаги «Коминтерн» совхози ишчиси, мол-мулки мусодара этилиб, отувга ҳукм қилинган, 1989 йилда реабилитация қилинган.

**10. Асронқұлов Соттибой** (1890 – 1938) – ўзбек, Скадовка районидаги 1-совхоз ишчиси, мол-мулки мусодара этилиб, отувга ҳукм қилинган, 1989 йилда реабилитация қилинган.

**11. Асқаралиев Отавали** (1867 – ?) – ўзбек, Скадовка районидаги 1- совхоз ишчиси, 8 йил муддатта меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган, 1979 йилда реабилитация қилинган.

**12. Азизов Янгібай** (1901 – 1938) – ўзбек, Голопристан районидаги «Будённий» совхози ишчиси, мол-мулки мусодара этилиб, отувга ҳукм қилинган, 1989 йилда реабилитация қилинган.

**13. Алимов (Аламқұлов) Тұрақул** (1887 – 1938) – ўзбек, Голопристан районидаги «Коминтерн» совхози ишчиси, мол-мулки мусодара этилиб, отувга ҳукм қилинган, 1989 йилда реабилитация қилинган.

**14. Алимхұжаев Юнус** (1863 (1873, 1852) – 1938) – ўзбек, Голопристан райони Алексеев қишлоқ совети Збурово-Келегей қишлоғида яшаган, мол-мулки мусодара этилиб, отувга ҳукм қилинган, 1989 йилда реабилитация қилинган.

**15. Аннаклич (Анна Клич, Анаклич) Ана-маҳатана (Анамамат)** (1889 – 1938) – туркман, Голопристан райони «Будённий» совхози ишчиси, мол-мулки мусодара этилиб, отувга ҳукм қилинган, 1989 йилда реабилитация қилинган.



16. **Аннадурди Тагандурди** (1881 – 1938) – туркман, Голопристан райони «Коминтерн» совхози ишчиси, мол-мулки мусодара этилиб, отувга ҳукм қилинганды, 1959 йилда реабилитация қилинганды.

17. **Арнаев Ананурий** (1883 – 1938) – туркман, Голопристан райони «Коминтерн» совхози ишчиси, мол-мулки мусодара этилиб, отувга ҳукм қилинганды, 1989 йилда реабилитация қилинганды.

18. **Арзиеv Раим (Рахим)** (1868 – 1938) – ўзбек, Голопристан райони «Коминтерн» совхози ишчиси, мол-мулки мусодара этилиб, отувга ҳукм қилинганды, 1989 йилда реабилитация қилинганды.

19. **Отамирзаев Абдулламирза** (1909 – 1938) – ўзбек, Голопристан райони Алексеев қишлоқ совети Збурово-Келегей қишлоғидаги совхоз ишчиси, мол-мулки мусодара этилиб, отувга ҳукм қилинганды, 1965 йилда реабилитация қилинганды.

20. **Асрәнқұлов Арзиқұл** (1893 (1897) – 1938) – ўзбек, Голопристан райони «Будённий» совхози ишчиси, мол-мулки мусодара этилиб, отувга ҳукм қилинганды, 1989 йилда реабилитация қилинганды.

21. **Ахмедов Азимжон** (1900 – 1938) – ўзбек, Каҳовка районидаги 2- совхозининг ишчиси, мол-мулки мусодара этилиб, отувга ҳукм қилинганды, 1989 йилда реабилитация қилинганды.

22. **Ахмедов Мавлон** (1903 – 1938) – ўзбек, Голопристан райони «Коминтерн» совхози ишчиси, мол-мулки мусодара этилиб, отувга ҳукм қилинганды, 1989 йилда реабилитация қилинганды.

23. **Ашурев Қаҳдор** (1907 – ?) – ўзбек, Голопристан райони «Коминтерн» совхози ишчиси, 10 йил муддатта мөҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинганды, 1989 йилда реабилитация қилинганды.

24. **Ашурев Насриддин** (1912 – ?) – ўзбек, Голопристан районида совхоз ишчиси, 10 йил муддатта мөҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинганды, 1989 йилда реабилитация қилинганды.

25. **Ахранқұлов Тұрақұл** (1870 – 1937) – ўзбек, Голопристан райони Михайловка қишлоғидаги совхоз ишчиси, мол-мулки мусодара этилиб, отувга ҳукм қилинганды, 1989 йилда реабилитация қилинганды.

26. **Отабеков Турғун** (1871 – 1937) – ўзбек, Голопристан райони Михайловка қишлоғидаги совхоз ишчиси, мол-мулки мусодара этилиб, отувга ҳукм қилинганды, 1989 йилда реабилитация қилинганды.

27. **Алашев Халмет** (1900 – ?) – туркман, Голопристан райони Михайловка қишлоғидаги совхоз ишчиси, 10 йил муддатта мөҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинганды, 1989 йилда реабилитация қилинганды.

28. **Аҳмедов Фазлиддин** (1900 – 1938) – ўзбек, Голопристан райони «Коминтерн» совхози ишчиси, мол-мулки мусодара этилиб, отувга ҳукм қилинганды, 1989 йилда реабилитация қилинганды.

29. **Абдуразақов Иброҳимжон** (1900 – 1938) – ўзбек, Голопристан райони «Коминтерн» совхози ишчиси, мол-мулки мусодара этилиб, отувга ҳукм қилинганды, 1989 йилда реабилитация қилинганды.

Мазкур мақолада ватанимиз тарихининг таҳликали даврида эл-юрт, миллат равнақи қайғусида яшаган Мажид Қодировнинг ҳаёти, унинг маърифий, ижтимоий-сиёсий фаолияти тўғрисида сўз юритмоқчимиз. Бу вазифани бажаришда мамлакатимиз ҳамда Россия Федерацияси давлат архивлари (ЎЗР МДА, РФнинг РГАСПИ), Давлат хавфсизлик хизмати архивлари (ДХХ, ФСБ), «СССРда сиёсий терор қурbonлари» маълумотлар базаси ва «Мемориал» илмий-тадқиқот маркази (Москва) архиви маълумотларига таянилди.

Мажид Қодиров 1886 йил 2 май куни Тошкент шаҳрининг Шайхонтохур даҳаси Қорёғди маҳалласида диний хизматчи оиласида дунёга келди, миллати ўзбек. Унинг туғилган куни бўйича турли маълумотлар бор, баъзиларида 2 октябрь санаси берилади, аммо 1938 йилнинг 2 апрелида, ҳибсга олинган вақтида тузилган анкетада 2 май санаси кўрсатилган; 1941 йилда берилган паспортида туғилган куни ёзилмаган. Исми паспортда русчада Кадыров Маджид ёзилганига қарамай, у Мажид Қодирий, Мажид Қори, Абдулмажидхон Қори

Абдулқодирхон Қори ўғли номлари билан ҳам танилган.

Мажид Қодиров ёшлигидан билимга чанқоқ бўлиб, аввал эски мактабни, 1912 йилда эса мадрасани тамомлаган; форс, араб, усмонли турк, рус ва инглиз тилларини билган. Ўзининг меҳнат фаолиятини «усули савтия» турк мактабида дарс бериш билан бошлаган. Кейинроқ Тошкентдаги янги усулдаги «усули жадидия» мактаби, рус-тузем мактаби (1906 – 1907 йиллар) ва мадрасада ҳам ўқитувчилик қилган. 1912 – 1913 йилларда Пушкин номидаги педагогика курсларида ўқиган.

XX аср бошларида Туркистонда таълим тизимини ислоҳ қилиш, янги ўқув усулларини жорий этиш, дарсликлар яратиш ўта долзарб масала эди. Бу хайрли иш ўша даврнинг илғор зиёлилари – Сайдрасул Азизий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Мухаммад Расулий, Шокиржон Абдураҳимжонов, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулвоҳид Мунзим, Садриддин Айний сингари таниқли жадидлар томонидан амалга оширилган. Миллатимиз келажаги қайғусидаги ана шундай жадидлардан бири бўлган Мажид Қодиров арифметика, география, ўзбек тили грамматикаси фанларидан биринчи дарсликларнинг муаллифи ҳисобланади. Унинг «Ҳисоб. Математикадан бошланғич таълим асослари» (1910, 1913 ва 1915 йилларда нашр этилган; 1914 йилда эса дарсликнинг иккинчи қисми чоп этилган), «Жуғрофия» (1911 йил) ва чигатой турк (ўзбек) тили грамматикаси китоблари янги усулдаги мактабларда ўқитилган.



Мажид Қодирий рус-түзөм мактаби раҳбар ўқитувчилари билан биргә тушган сурати. 1920 – 1921 йиллар

Ягона ўқув режалари ва дастурларининг мавжуд эмаслиги янги усулдаги мактаблар фоалиятининг самарадорлигига тўскىнлик қиласди. Бу масала юзасидан 1910 йилнинг сентябрь ойида Мунавварқори Абдурашидхонов давлат думасига петиция юборади. Хужжатда Туркистонда халқ маорифи давлат томонидан ислоҳ қилиниши, ягона ўқув режалари ва дастурларини жорий этиш зарурлиги баён қилинган. Бу муаммо илғор зиёлиларимизнинг 1914 йилнинг май ойида Шайхонтоҳур даҳаси судъяси уйида бўлиб ўтган мажлисида ҳам кўриб чиқилади. Мажлис ягона ўқув дастури ишлаб чиқиш учун маҳсус қўмита сайлайди. Қўмитага янги усул мактаблари педагоглари бўлмиш Мунавварқори Абдурашидхонов, Қори-Самиф Зиёев, Шокиржон Абдураҳимжонов, Муҳаммад Расул, Абдулла Авлоний қатори Мажид Қодиров ҳам аъзо бўлган. Ўша йиллари у «Садои Туркистон» газетасининг корректори вазифасида ҳам ишлар эди.

Биринчи услубчилардан бўлган Эрназар Эргашев ўз хотираларида қуйидагиларни ёзиб

қолдирган: «1918 – 1920 йилларда Тошкентнинг бир қатор маърифатпарварларини «Совға», «Устоди аввал» сингари дарсликлар қониқтиримай қўйди, шунда биз дўстларим Абдулла Авлоний ва Мажид Қодирий билан ўқитишнинг янги усулларини дидактик ва кўрсатма қуроллар ёрдамида татбиқ этишга киришдик, масалан, қирқилган ҳарфлар, саноқ таёқчалари орқали. Янги усулларни янада оммалаштириш мақсадида биз биргалиқда Бешёғоч маҳалласида очилган янги мактабга бордик».

Мажид Қодиров 1917 – 1919 йилларда жадидлар томонидан Тошкентнинг Эски шаҳарида ташкил этилган «Турон» мактаби раҳбари, 1919 – 1920 йилларда «Турон» педагогика курслари мактаби раҳбари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси бошлиги, 1920 – 1921 йилларда эса Тошкентдаги Мукаммаллашган табиийтарихий педлаборатория директори сифатида фоалият юритган.

У ўзининг Туркистон давлат университетидаги ишини 1921 йили Эски шаҳар ишчи факультетида (рабфак) ўзбек тилидан дарс бериш билан бошлаган, 1921 – 1923 йилларда Туркистон давлат университетининг ишчи факультети декани, ўриндошлиқ асосида университет тажриба-тадқиқот лабораторияси бошлиғи бўлган.



Тошкент шаҳри, 1925 йил. Биринчи ўзбек музейига кўйилган «Усмон Қуръони»нинг асли эканлигини гувоҳлик бериш бўйича тузилган Средазкомстарис комиссияси таркибига кирган. 1925 йили Парижда бўлиб ўтган халқаро кўргазмада Ўзбекистоннинг иштирокини ташкил этишда фаол бўлган ҳамда ЎзССР Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ Комиссарлари Совети вакили сифатида кўргазмада қатнашган. Сафар чоғида Берлинга ҳам боради ва у ерда ўқиётган ўзбекистонлик талабалар билан учрашади, йиллар ўтиб

М.Қодировни яширин «Турк Адами» ташкилоти аъзоси сифатида, унинг хориж шуъбаси бошлиғи Олимжон Идрисий билан алоқа ўрнатганинг талабаларни ак-



Мажид Қодирий Тошкент табиат музейи директори лавозимида хизмат қилаётганда ўғиллари билан бирга

силиңқиlobий, совет тузумига қарши нафрат руҳида тарбиялашда, келажақдаги мустақиллик учун курашга отлантиришда айлашади.

1926 – 1928 йилларда пахта етиштириш мактабини, 1928 йилдан эса Ўрта Осиё давлат университети қошидаги физика кабинетини бошқарган. 1928 – 1930 йилларда мазкур университет ишчи факультети декани бўлиш билан бирга тарих кабинети бошлиғи сифатида хизмат қилган.

Мажид Қодиров ўзининг маориф соҳасидаги узоқ йиллик хизматлари учун 1923 йилнинг



Берлин, 1925 йил. Мажид Қодирий Германияда ўқиётган ўзбек талабалари билан бўлган учрашувда (ўртада)

М.Қодиров 1924 йилдан Музей ишлари ва тарихий обидалар, санъат ва табиат муҳофазаси бўйича Ўрта Осиё қўмитаси (Средазкомстарис) раисининг ўринбосари сифатида ҳам фаол иш олиб борган. Масалан, мусулмонлар



23 марта «Меҳнат Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлган.

Аммо совет тузуми миллий зиёлиларнинг эл-юрт, миллат тақдири, унинг камоли йўлидаги меҳнатларини ўзининг шовинистик мақсадларига бўйсундирган эди.


Мажид Қодиров 1918 йилдан буён аъзо бўлган коммунистик партия 1929 йилнинг бошида уни ўз сафидан четлаштириди, 1930 йили эса эгаллаб турган барча лавозимларидан озод қилинди. Шунга қарамай, ватанпарвар маърифатчи, таълим-тарбия жонкуяри, ҳақиқий педагог бўлган Мажид Қодиров 1930 йилдан сўнг ҳам Ўрта Осиё давлат университети ва мактабларда зиё улашишни давом эттириди.



Мажид Қодирий. Тошкент, 1935 йил

Турли соҳа вакилари бўлган минглаб ватандошларимиз, жумладан, миллатимиз гурури ва ифтихори бўлган жадидларимиз қатори Мажид Қодиров ҳам «Катта қирғин» гирдобига тортилди. Унинг қачон ҳибсга олинганлиги борасида ҳам аниқлик йўқ. Ўзбекистон ДХХ архивидаги жиноий иш жилдидаги расмий ҳужжатларда М.Қодиров 1938 йил 2 апрелда ҳибсга олинганлиги кўрсатилган, аммо унинг 1937 йилнинг 8 сентябрида тергов қилинганлиги тўғрисидаги баённома ҳам мавжуд.

Мажид Қодиров СССРда «Сталиннинг қатл рўйхатлари» номи билан аталган рўйхатига киритилганди. Бу рўйхатларга олий ва ўрта даражадаги партия, хўжалик, ҳарбий ва илмий раҳбарлар киритилган. Рўйхатлар тергов туга-



Мажид Қодировни реабилитация қилиш тўғрисидаги маълумотнома. 1958 йил

гандан сўнг НКВД томонидан тузилган ва Бутуниттифоқ Коммунистик партияси Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросига тасдиқлаш учун тақдим этилган. 2 – 5 аъзо тасдиқлагач, рўйхатлар тергов ишлари билан бирга СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясига «ҳуқуқий асослаш» учун топширилган. Рўйхатлар тоифаларга бўлинган, 1-тоифага тайинлаш (Мажид Қодиров шу тоифада эди) ўлим жазосини англатарди. СССР Қуролли Кучлари Ҳарбий коллегияси томонидан 1958 йил 13 февралда жиноят таркиби йўқлиги сабабли реабилитация қилинди ва унинг номи оқланди. 1989 йил 16 январда СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1930 йиллар – 1950 йилларнинг бошларида қабул қилинган НКВД-УНКВДнинг суддан ташқари «учликлари», ОГПУ коллегиялари ва СССР НКВД-МГБ-нинг «махсус йигилишлари»нинг суддан ташқари қарорларини бекор қилувчи фармони қабул қилинди. Мана, орадан 33 йил ўтибдики, бу ўзбек зиёлиси Мажид Қодирий номи абадийлаштирилгани йўқ. Бизнингча, унинг ҳаёти ва фаолияти маҳсус ўрганилиши, алоҳида китоб тарзида эълон қилиниши ва Тошкент шаҳри кўчаларидан бирига унинг табаррук номи қўилиши мақсадга мувофиқдир.



# МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА АНДИЖОН, ФАРГОНА, НАМАНГАН ВИЛОЯТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИГИ

Иродаҳон Бозорова

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ республика таълим соҳасини ривожлантириш ва уни халқаро андазаларга мослаштириш борасида саъй-ҳаракатлар амалга оширилиб, таълим соҳаси тараққий этган бир қатор хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Зоро, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида халқаро ҳамкорлик алоқаларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги белгиланган.<sup>1</sup>

Истиқолол йилларида мактаб-маориф тизимини тараққий эттириш мақсадида дунё томонидан тан олинган илгор тажрибалар атрофлича таҳлил қилинди, чуқур ўрганилди. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда бошқа таълимга бевосита алоқадор муассасалар хорижий мамлакатлар, хусусан, Германиянинг «Конрад Аденауэр» жамғармаси ва Гёте номли институти, Британия жамғармаси, АҚШнинг Тинчлик корпуси, Таълим ва тил ўрганиш бўйича ҳамкорлик ташкилотлари, Канада, Италия, Туркия, Миср, Испания, Дания таълим муассасалари, Чехия, Греция, Бельгия ва бошқа бир қанча давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари, халқаро ташкилотлар – БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФнинг ваколатхоналари билан яқин ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди.

<sup>1</sup> Истроилов К. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда // Бошлангич таълим. – Тошкент, 2000. №10. – Б.7.

Хусусан, республика умумий ўрта таълим мактабларининг 13 таси ЮНЕСКО ташкилотининг «Бирлашган мактаблар дастури»га киритилди. Айни пайтда, мамлакатда таълимга доир халқаро алоқаларни ривожлантириш мақсадида турли илмий конференциялар ташкил этилди. 1993 йили Ўзбекистонда «Миллий мактаб концепцияси ва ривожланиш технологияси»га бағишиланган халқаро конференция ўтказилди.<sup>2</sup>

Республика бошлангич таълим тизимида замонавий халқаро дастурлар ҳамда тадқиқотларнинг қўлланилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жаҳоннинг кўплаб давлатларида маълум ва машҳур бўлган бошлангич синф ўқувчиларининг ютуқларини халқаро баҳолаш тизимларидан бири матнни ўқиш ва тушуниш сифатининг халқаро тадқиқоти – PIRLS (Progress in International Reading Literacy Study) бўлиб, у орқали дунёнинг турли давлатларидағи бошлангич синф ўқувчиларининг билим дараҷасини баҳолаш, таққослаш ҳамда миллий таълим тизимларининг ўзига хос хусусиятларидаги тафовутларни аниқланади. Мазкур тадқиқот 5 йилда бир марта анъанавий тарзда ўтказилиб, бугунги кунга қадар 4 марта – 2001, 2006, 2011 ва 2016 йилларда ташкил этилди.<sup>3</sup>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА), М.26-жамғарма, 1-рўйхат, 140-ийғмажилд, 22-варақ.

<sup>3</sup> Ваҳобов М.М. Умумий ўрта таълим тизимида ўқитиш сифати мониторинги моделинин такомиллаштириши: Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси. – Тошкент, 2016. – Б.60.



Бошланғич таълимни ривожлантиришга йўналтирилган халқаро баҳолаш тадқиқотларидан яна бири – TIMSS (Trends in Mathematics and Science Study) мактабда математика ва табиий фанларни ўқитиши сифатининг халқаро мониторинги бўлиб, унинг Таълим ютуқларини баҳолаш халқаро ассоциацияси (IEA) томонидан ташкил этилиши белгиланган. Ушбу тадқиқот турли давлатлардаги 4-, 8-синф ўқувчилари нинг математика ва табиий фанлар бўйича эгаллаган билим даражаси ҳамда сифатини солиштириш ва миллӣ таълим тизимидағи фарқларни аниқлашга ёрдам беради.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Республика таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ташаббуси билан умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари билимини баҳолаш бўйича халқаро дастурларни амалиётга жорий этиш мақсадида муҳим қадам ташланди.<sup>2</sup> Хусусан, таълим сифатини баҳолашга доир халқаро тадқиқотлардан яна бири ўқувчиларнинг таълим ютуқларини баҳолаш халқаро дастури – PISA (The Programme for International Student Assessment) бўлиб, мазкур тизим дунёнинг қатор мамлакатларида ўқувчиларнинг саводхонлиги ва уларнинг эгаллаган билимини амалиётга қўллаш кўнималарини баҳолашга қаратилган. У асосан ўқувчиларнинг саводхонлиги ва компетенциясини баҳоловчи халқаро дастур ҳисобланади. Бу дастурда ўқувчиларнинг билим сифати ўқиши, математика ва табиий фанлар бўйича мониторинг қилиниб, 1000 баллик тизимда баҳоланади. Тадқиқотда ўқувчиларнинг билим сифати мониторинги 5 та йўналиш, яъни ўқиши саводхонлиги, математик саводхонлик, молиявий саводхонлик, компьютер саводхонлиги, табиий-илмий саводхонлик бўйича аниқланади.

Фарғона водийси вилоятларидаги бошланғич таълим тизимидағи ислоҳотлар жаҳоннинг ривожланган давлатлари томонидан қўллаб-

кувватланди ва уларга ўқитишида зарур бўлган воситалар тақдим этилмоқда. Масалан, 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси ва Осиё тараққиёт банки ўртасидаги келишувга асосан UZB 1961 – «Таълим секторини ривожлантириш дастури» лойиҳаси доирасида Мактаб ташаббусларини ривожлантириш жамғармасининг лойиҳасига асосан Андижон вилоятидаги мактабларнинг моддий-техник базаси ночор аҳволдалиги эътиборга олинниб 85 та умумтаълим мактаблари 2 мингдан 4 минг АҚШ доллари гача бўлган грантга сазовор бўлди, улар шартнома асосида мебель ва ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди.<sup>3</sup> Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликларининг 2008 йил 20 августдаги «Таълим секторларини ривожлантириш дастури»га мувофиқ профессор-ўқитувчилар ҳамда мутахассисларнинг хорижга сафарларини ташкил этиш тўғрисидаги 229/256-сон қўшма бўйруғига асосан 2009 йил апрель ойида «Умумий ўрта таълим фанларини ўқитишида замонавий таълим методларини қўллашни ўрганиш» йўналиши бўйича Андижон вилоятининг иккинчи гуруҳ педагог ходимлари (география, иқтисодий билим асослари фанлари ўқитувчилари) икки ҳафта муддатта Германия Федератив Республикасига тажриба ўрганишга юборилди. Мазкур масала юзасидан Халқ таълими вазирлигининг 2009 йил 23 марта даги 02/1-141-сон факсограммаси асосида география фани бўйича Бўстон (Бўз) туманидаги 46-мактабдан О.Солиева ва Андижон туманидаги 26-мактабдан У.Салайдинова, иқтисодий билим асослари фанидан Булоқбоши туманидаги 43-мактаб ўқитувчиси Т.Сотволдиев, Бўстон (Бўз) туманидаги 55-ДИМИдан М.Абдулхўжаевалар у ерда икки ҳафталиқ ўқиши давомида тажриба алмашиб қайтдилар.<sup>4</sup> Ўқиши давомида ўқитувчилар малақали профессорлар томонидан ўтказилган машғулотларда қатнашиб, фанлар бўйича замона-

<sup>1</sup> ЎзМА, М.26-жамғарма, 5-рўйхат, 18-йиғмажилд, 9-варақ.

<sup>2</sup> ЎзМА, М.26-жамғарма, 5-рўйхат, 18-йиғмажилд, 12-варақ.

<sup>3</sup> Андижон вилоят халқ таълими бошқармаси (АВХТБ) жорий архиви, 6-жамғарма, 1-рўйхат, 2-йиғмажилд, 18-варақ.

<sup>4</sup> АВХТБ жорий архиви, 6-жамғарма, 1-рўйхат, 2-йиғмажилд, 45-варақ.



вий халқаро тадқиқот дастурларини қўллашни ҳам ўрганишга муваффақ бўлганлар.

Халқ таълими вазирлигининг 2008 йил 20 августдаги буйруғига асосан Фарғона вилоятидан 18 нафар ўқитувчилар ҳам Германия Федератив Республикасида тажриба ўрганиш учун хизмат сафарида бўлганлар.

2012 йил октябрь ойида республика бошлангич синф ўқитувчилари учун Германияда масофадан малака ошириш курслари ташкил этилиб, уларга 67 нафар тингловчи қабул қи-

линди ва улардан 58 нафари курсларни муваффақиятли тамомлади. Икки давлат ўртасида таълимни тараққий эттиришга асосланган истиқболли режалар тузилди ва татбиқ этилди. Бу режалар давлатлараро бошлангич таълим бўғинини ривожлантиришга ҳам йўналтирилди. Хусусан, Ўзбекистон ва Германия давлатлари таълим тизими бошлангич таълим 1 – 2-синф ўқув режаларининг 2012 йилдаги қиёсий таҳлили қўйидаги жадвалда акс этган:

#### Ўзбекистон-Германия бошлангич таълими ўқув режалари (1 – 2-синф)<sup>1</sup>

Ўзбекистон				Германия			
№	Фанлар	Дарс соатлари		№	Фанлар	Дарс соатлари	
		1-синф	2-синф			1-синф	2-синф
1	Она тили ва адабиёт	8	8	1	Немис тили	6	7
2	Ўзбек тили/Рус тили		2		Бошқа миллат ўқувчилари учун қўшимча немис тили	2	2
3	Математика	5	5	3	Математика	5	5
4	Атрофимиздаги олам	1	1				
5	Мусиқа	1	1	4	Мусиқа	2	2
6	Тасвирий санъат	1	1	5	Тасвирий санъат	2	2
7	Одабнома	1	1				
8	Жисмоний тарбия	2	2	6	Спорт	3	3
9	Меҳнат таълими	1	1				
<b>Умумий дарс соатлари</b>		20	22			20	21
Мактаб ихтиёридаги соат		2	2			5	5
<b>Жами</b>		22	24			25	26

Жадвалдаги рақамлардан маълум бўлишича, Ўзбекистонда мактаб ихтиёридаги соатлар 2 соатни ташкил қилиб, «Конституция алифбоси», «Динлар тарихи», «Йўл ҳаракати қоидалари», «Инсон хавфсизлиги асослари», «Саломатлик дарслари», «Иқтисод алифбоси» курслари киритилган. Германияда эса мактаб ихтиёридаги соатлар 5 соат бўлиб, ўқувчилар берилган 5 соатдан танлов асосида қўшимча фанларни танлаш ҳуқуқига эга. Бу Германия таълим тизими ўқув режаси эгилувчанлик хусусиятига эга эканлигини кўрсатади.

Фарғона вилоят халқ таълими бошқармасининг халқаро ҳамкорлик ва инвестицияларни жалб қилиш бўлимида таълимни ривожлантириш йўналишида бир неча халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда турли лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, 2011 йилдан Япониянинг Ўзбекистондаги JICA халқаро агентлиги ташаббуси билан япон кўнгиллиси Рю Хирай Кўва туманининг 31-сон мактабида 2 йил давомида бошлангич синф ўқувчилари га жисмоний тарбия ҳамда япон тили тўгаракларида ўз би-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (ЎзРХТВ) жорий архиви, 23-жамғарма, 7-рўйхат, 42-ийғимажилд, 6-варақ.



лим ва малакалари билан ўртоқлашди. Унинг фаолияти давомида ўқувчиларнинг, айниқса, қизларнинг нафақат жисмоний тарбия фанига, балки япон маданияти, таълимига бўлган қизиқишилари янада ортган.<sup>1</sup> Бундан ташқари, Япония элчихонаси томонидан Фарғона шаҳридаги 9-сон мактаб ҳамда Фарғона туманидаги 41- ва 52-сон мактаблар грант асосида турли хил ўқув жиҳозлари билан таъминланди.<sup>2</sup> Айни шу даврда Корея Республикаси элчихонаси KOICA агентлигининг Фарғона шаҳридаги 2- ва 40-сон мактабларда таълим соҳасидаги фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу мактабларда кореялик кўнгиллилар ва мутахассислар томонидан корейс тили тўгараги ҳамда бошлангич синф ўқувчилари учун мусиқа санъати тўгараклари олиб борилди. Мактаб ўқувчилари корейс тилини пухта эгаллаб, агентликнинг қўшимча грантлари асосида Корея Республикасида тажриба алмашиш ва таълим олиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Таълим тизимини ривожлантириш мақсадида республикада анъанавий тарзда халқаро конференциялар ташкил этиш ҳам йўлга қўйилди. Масалан, Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Курода 2012 йил 16 – 17 февраль кунлари Тошкент шаҳридаги Симпозиумлар саройида ўтказилган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференцияда қўйидағиларни алоҳида таъкидлаган эди: «ОТБ таълим соҳасини ривожлантиришда Ўзбекистон билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бугунги кунда мамлакат бўйича мактаблар, ўқитувчиларни тайёрлаш, дарсликлар ва таълим дастурларини молиялаштиришга оид саккизта лойиҳа маъқулланган. Таълим – имкониятлар тенглигини таъминлайдиган буюк мезон. У жамият ақл-заковатининг юксалиши, рақобатбар-

дошликтининг кучайиши ва ютуқлар кўпайишининг муҳим омили вазифасини ўтайди».<sup>3</sup>

Ушбу конференцияда дунёдаги 8 та нуфузли халқаро ташкилот ва молия институтлари, жумладан, БМТ, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки вакиллари, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия каби дунёнинг 48 давлатидан 270 нафар қатнашчи иштирок этиб, узлуксиз таълим соҳасини ривожлантириш ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашнинг миллий моделини яратища Ўзбекистон тажрибасини атрофлича ўргандилар.<sup>4</sup>

Таълим соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора кенгая бориб, 2014/2015 ўқув йилида Фарғона вилоятидаги ҳар бир шаҳар (туман) да 19 та чет тилларидан таянч мактаблари ташкил этилди, бу мактабларга Британия Кенгаши, Франция элчихонаси ва Германиянинг Гёте институти билан ҳамкорликда маҳсус дастур асосида тайёрланган 25 нафар тренер ўқитувчилар бириклирилди.<sup>5</sup> Ушбу таянч мактабларида бошқарма методика маркази ҳамда Қўйон давлат педагогика институти билан ҳамкорликда чет тили ўқитувчиларига амалий-методик ёрдам кўрсатиб бориш йўлга қўйилди.

2014 йилда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш ва уни такомиллаштириш ишларига жиддий эътибор қаратилди. Республикада таълим-тарбия соҳасига ҳар йили сарфланган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10 – 12 фоизни ташкил қилди. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълимга йўналтирилиши за-

<sup>3</sup> Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш бизнинг бош мақсадимизdir // Биринчи Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруzasини ўрганиш бўйича ўқув кўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 5.57.

<sup>4</sup> <http://uza.uz/oz/science/kadrlar-taierlash-millii-tizimining-yuksak-samaralari-03.12.2013-29772>

<sup>5</sup> Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан 2015 йил 1-чораги давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот // ФВХТБ жорий архиви, 2-жамғарма, 2-рўйхат, 24-йиғмажилд, 16 – 17-варақлар.

<sup>1</sup> ЎзМА, М.26-жамғарма, 3-рўйхат, 108-йиғмажилд, 74-варақ.

<sup>2</sup> ЎзМА, М.26-жамғарма, 3-рўйхат, 108-йиғмажилд, 76-варақ.



рур бўлган тегишли тавсияларидан, яъни 6 – 7 фоиздан қарийб 2 баробар кўпроқни ташкил қилди.<sup>1</sup> ЮНЕСКОнинг 2017 йилда эълон қилингандаги «Таълимда ҳисобдорлик: мажбуриятларнинг бажарилиши» деб номланган маъruzасида қайд қилинишича, дунё бўйлаб мактаб ёшидаги 264 млн нафар болалар ҳамда ўсмирлар мактабга бормаган. Ўзбекистонда эса бундай ҳолат кузатилмаган. Яъни республикада 9600 дан ортиқ мактаблар бўлиб, 7 дан 16 ёшгacha бўлган ўғил-қизлар мактаб таълими билан 100 фоиз қамраб олинган.<sup>2</sup>

Бугунги кунда таълим-тарбия соҳасини ривожлантиришга йўналтирилаётган хорижий техник ёрдам ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Ўтган қисқа вақт мобайнида бу борадаги ёрдам 500 млн доллардан ошиб кетди. Осиё тараққиёт банкининг салкам 290 млн доллар маблағи, Жанубий Корея ҳукуматининг 110 млн доллардан ортиқ, Жаҳон банкининг 33 млн, ОПЕК фонди, Саудия фонди, Ислом тараққиёт банкининг 42 млн, Германия ҳукуматининг қарийб 20 млн ва бошқа донорларнинг 100 млн доллардан ортиқ ёрдамини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир.<sup>3</sup> Бу эса, ўз навбатида, таълим жараёнининг бевосита давлат назорати ва доимий эътиборида эканлигини яққол исботлайди.

Истиқлол муносабати билан Фарғона водийси бошлангич таълими ўқитувчилари тизимдаги тажрибаларни ўрганиш мақсадида хорижий давлатларда таҳсил олиш имкониятини қўлга киритдилар. Ана шундай ўқитувчилардан бири 2014 йилгача Андикон вилояти Марҳамат туманидаги 25-умумтаълим мактабида бошлангич синфларга немис тилидан сабоқ берган Н.Бозорбоева бўлиб, у 2014 йилнинг январь ойида Германия Федератив Республикасининг «Германия академик алмашувлар хизмати»

<sup>1</sup> Жўраев Р.Х. Таълимда табақалаштириш (хорижий тажрибалар). – Тошкент: Фан, 1998. – Б.18.

<sup>2</sup> Низомхўжаев З. Таълим тизимига янгича ёндашувлар жорий қилинмоқда // Халқ сўзи. 2017 йил 30 ноябрь.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз демократик ислоҳотларни чуқураштириш ва модернизация жаҳаёнларини изчили давом эттириш // Асрлар. 20-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – Б.189 – 192.

(DAAD) ташкилоти томонидан ўтказилган танловда ғалаба қозониб, грант асосида магистратурада таҳсил олиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ёш ўқитувчи Дрезден техника университети қошидаги касбий таълим ва шахсни ривожлантириш факультетининг магистратура мутахассислигини битириб, айни пайтда Германиянинг Саксония вилояти Дрезден шаҳридаги 35-бошлангич мактабда ўқувчиларга немис тилидан сабоқ бермоқда.

2017 йил 22 – 25 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Президент Мун Чжэ Иннинг таклифига биноан Корея Республикасига ташриф буюрди. Ўтказилган музокараларда ўзаро ҳамкорликнинг кенг кўламли масалалари, сиёсий, савдо-иқтисодий, молиявий-сармоявий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги давлатлараро алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.<sup>4</sup> Бундан ташқари, сафар давомида нафақат иқтисодий-сиёсий, балки ижтимоий, хусусан, таълим соҳасида ҳам икки давлат ўртасида ўзаро тажриба алмашиш ва ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларига катта эътибор қаратилди. Ана шу келишувларнинг амалий ифодаси сифатида Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳузуридаги Таълим маркази билан ҳамкорликда А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ўзаро тажриба алмашиш, ўқув дастурларини тақомиллаштириш, ўқитишга оид илфор АКТ ва педагогик технологияларни жорий этиш, ўрта маҳсус, қасб-ҳунар ҳамда олий таълимдада педагогларнинг профессионал маҳоратини ошириш каби йўналишларда шу йилнинг декабрь ойида уч кунлик семинар ташкил этилди.<sup>5</sup>

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчи-

<sup>4</sup> <https://sputniknews-uz.com/society/20171118/6857808.html/Shavkat Mirziyoyevning Koreyaga tashrifi>.

<sup>5</sup> Намозова З. Корея таълим мутахассислари Ўзбекистонда // Бошлангич таълим. – Тошкент, 2017. №12. – Б.3.



лар билимини халқаро талабларга етказиш, унга мослигини ўрганиб бориш, бунда халқаро амалиётда фойдаланиб келинаётган PISA (The Programme for International Student Assessment), TIMSS (Trends in Mathematics and Science Study) каби дастурларга босқичма-босқич интеграциялашиш ҳамда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда «Ўқувчиларнинг муваффақиятли ўзлаштиришига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш» бўйича тадқиқот ўтказиш ҳамда Халқ таълими вазирининг 2018 йил 7 майдаги 118-сон буйргуга асосан мазкур йилнинг 14 – 20 май кунлари умумий ўрта таълим мактаблари 4-синф ўқувчиларининг математика, ўқиш ва табиатшунослик ўқув фанларидан ютуқларини синовдан ўтказиш Фарғона вилоят бўйича танлаб олинган 28 та мактабда тажриба-синов тариқасида ташкил этилди.<sup>1</sup>

2018/2019 ўқув йилида Наманган вилояти бошлангич синф ўқитувчилари хорижий давлатлар билан бошлангич тизимдаги тажрибаларни ўзаро алмашиш мақсадида халқаро конференцияларда иштирок этдилар. Жумладан, Учқўргон тумани 38-ИДУМнинг бошлангич синф ўқитувчиси Д.Абдуллаева «18-Халқаро Европа фанлар конференцияси»да ўзининг илмий мақоласи билан иштирок этди ва диплом билан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги «Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида<sup>2</sup> республика халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш, халқаро алоқалар ўрнатиш, ўқувчи-ёшларнинг илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини, энг аввало, ёш авлоднинг ижо-

дий ғоялари ва ижодкорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифалари белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва Молия вазирлиги зиммасига халқаро баҳолаш дастурлари – PIRLS (бошлангич 4-синф ўқувчиларининг матнни ўқиш ва тушуниш даражасини баҳолаш), TIMSS (4- ва 8-синф ўқувчиларининг математика ва табиий йўналишдаги фанлардан ўзлаштириш даражасини аниқлаш ва баҳолаш), PISA (15 ёшли ўқувчиларнинг ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан саводхонлик даражасини баҳолаш), TALIS (раҳбар ва педагог кадрларнинг умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитишиш ва таълим олиш мухитини ҳамда ўқитувчиларнинг иш шароитларини ўрганиш) ташкил этиш вазифаси юклатилди. Эътиборли томони шундаки, қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳузурида Таълим сифатини баҳолашда халқаро тадқиқотларни амалга ошириш бўйича миллий марказ тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонига<sup>3</sup> мувофиқ республика нинг 2030 йилга келиб PISA (The Programme for International Student Assessment) халқаро миқёсда ўқувчиларни баҳолаш дастури рейтинги бўйича жаҳоннинг биринчи зо та илгор мамлакатлари қаторига киришига эришиш, халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш мақсадида ўқувчиларнинг ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан саводхонлик даражасини баҳолашга йўналтирилган PISA умумтаълим мактабларида таълим сифатини баҳолашнинг миллий тизимини яратиш,

<sup>1</sup> Фарғона вилояти халқ таълими бошқармасининг 2018 йил давомида амалга оширган ишлари бўйича ҳисоботи // ФВХТБ жорий архиви, 2-жамғарма, 1-рўйхат, 36-ийғимжилд, 54-варақ.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги «Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // <http://lex.uz/docs/4097073>

<sup>3</sup> <http://www.lex.uz/docs/4312785> O'zbekiston Respublikasi xalq ta'llim tizimiini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida



2019 – 2021 йиллар давомида республиканинг ҳар бир ҳудудида босқичма-босқич STEAM (фан, технология, инжиниринг, санъат ва математика) йўналишларига ихтисослаштирилган «Президент мактаблари»ни ташкил қилиш вазифалари белгиланди. 2021 йили Ўзбекистон 3 та, яъни ўқиш саводхонлиги, математик саводхонлик, табиий-илмий саводхонлик йўналиши бўйича иштирок этиши кўзда тутилди.

2019 йил 10 октябрда АҚШнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва муҳтор элчиси Дениел Розенблюм Тошкентдаги 236-умумтаълим мактабига ташриф буюриб, ҳалқ таълими соҳасида мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиши таълим тизимида фақатгина юқори натижаларга сабаб бўлишини таъкидлаб ўтди. Жумладан, у бошланғич таълим тизимида инвестиция киритилиши ҳисобига яқин келажакда бир қатор ютуқлар қўлга киритилишига ишонч билдири: «Авваламбор шуни айтмоқчиманки, биз таълимга сармоя киритишини ҳар қандай мамлакат қила оладиган энг муҳим иш деб ҳисоблаймиз. Чунки бу келажакда давлатнинг ўз фарзандларига сармоя киритишининг бир шаклидир. Биз Ҳалқ таълими вазирлиги билан амалга ошираётган ушбу лойиҳалар бутун Ўзбекистон бўйлаб бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиш ва математика фанларини ўзлаштириш даражасини баҳолашга ёрдам беради ва шу билан биз ушбу фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштиришга ҳамда мазкур фанларни ўқитиш учун тўғри инвестициялар киритишига имкон берамиз. Ўқиш ва математика фанлари болаларнинг муваффақияти учун туб омилдир».<sup>1</sup> Хуллас, истиқтол ийларида Фарғона водийси вилоятларидаги бошланғич таълим мактаблари фаолиятида хорижий мамлакатларнинг таълим соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган тажрибалиари эътиборга олинган ҳолда тизимга татбиқ этилди. Ана шу сабабдан ҳам айнан ушбу давр-

да улар билан истиқболли ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

2020 йилдаги «Таълим тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонуннинг 68-моддаси «Таълим соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорлик» деб номланган бўлиб, унда таълим соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари ва қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши белгилаб қўйилди.<sup>2</sup> Шунингдек, ҳужжатда таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари вазифаларига хорижий давлатларнинг тегишли ваколатли органлари, таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқароларни хорижий давлатларнинг таълим муассасаларига ўқиш учун юбориш, педагог ходимлар ва таълим олувчилар алмашинувини амалга ошириш, раҳбар ҳамда педагог ходимларни хорижий давлатларда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, ўз ходимлари ҳамда мутахассисларини ҳалқаро конференцияларга ва стажировкаларга юбориш, уларнинг ҳалқаро лойиҳалар ҳамда илмий тадқиқотларда иштирок этишини қўллаб-қувватлаш масалалари киритилди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мустақилликнинг илк йиллариданоқ Фарғона водийси вилоятлари бошланғич таълим тизимида жаҳоннинг нуфузли давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Андижон, Намangan, Фарғона вилоятлари умумтаълим мактаблари Жанубий Корея, АҚШ, Япония ва Германия Федерациясидаги таълим муассасалари билан таълим соҳасида ўзаро тажриба алмашишга муваффақ бўлдилар. Ўтган йиллар давомида ҳалқаро ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб, такомиллашиб борди. Ҳамкорлик алоқаларининг ижобий натижалари ҳам кўзга ташланиб, Фарғона водийсининг бошланғич таълим тизими ўқитиш сифати ва самарадорлиги бўйича ҳалқаро мезонларга яқинлашиб бормоқда.

<sup>1</sup> <https://t.me/joinchat/AAAAAAD8vuSxP2yglKYoEuQ/AQSHning O'zbekistonidagi favqulodda va muxtor elchisi Deniel Rozenblyum xalq ta'limi sohasida mamlakatimiz bilan hamkorligi to'g'risida>.

<sup>2</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.



# БУЮК ТИЛШУНОС ОЛИМ

*Абдулҳамид Нурмонов таваллудининг 80 йиллигига*

**Н.Маҳмудов, Ш.Искандарова, М.Сайдхонов**

**Ҳар қандай фаннинг ривожида, унинг такомил топишида шу соҳанинг илмий тафаккур эгалари – фидойи олимлари бўлади. Уларнинг фан йўналишида олиб борган тадқиқотлари ва илмий-назарий хуносалари шу соҳанинг бугуни ва келажакда ривожланиши учун тамал тоши бўлиб хизмат қиласди. Тилшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Абдулҳамид Нурмонов ҳам ана шундай инсонлар қаторида туради. Ўзининг қарийб 50 йиллик илмий фаолияти давомида тилшуносликнинг деярли барча соҳалари бўйича тадқиқотлар олиб борган олим бу йил 80 ёшга тўлар эди.**



Абдулҳамид Нурмонов 1942 йилда Андижон вилоятининг Ўрмонбек қишлоғида таваллуд топди. У ўрта мактабни тутатиб, Фарғона давлат педагогика институти (ҳозирги Фарғона давлат университети) тарих-филология факультетида таҳсил олди. 1963 йилда институт-

ни имтиёзли диплом билан тамомлаб, ҳарбий хизматни ўтаб келгач, Андижон давлат педагогика институти (ҳозирги Андижон давлат университети)га ишга келди. Ушбу ўқув даргоҳидаги фаолияти давомида А.Нурмонов ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчилигидан профессор даражасига кўтарилди. Йиллар давомида маҳсус фанларни ўқитиш ва ўзбек тилшунослиги кафедраларида мудир, педагогика факультетида декан, университетнинг илмий ишлар бўйича, сўнгра маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори лавозимларида хизмат қиласди, тилшунослик кафедраси профессори бўлиш билан бирга кадрлар малакасини ошириш марказини бошқарди. Шунингдек, жамоатчилик асосида вилоят атама қўмитасининг ҳамда топонимик комиссиянинг масъули вазифаларида фаолият кўрсатди.

Абдулҳамид Нурмоновнинг Тошкент давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасидаги аспирантлик даври унинг илм йўлининг катта қўчасига чиқишига омил бўлиб хизмат қиласди. Ўзбек илмий тилшунослигининг асосчиси профессор Айюб Гуломов, академиклар Фанижон Абдураҳмонов, Азим Ҳожиев, Алибек Рустамов, профессорлар Мирзазиз Миртожиев, Иристой Қўчқорттоев, Шавкат Раҳматуллаевлар бўлғуси олимнинг илмий дунёқарashi шаклланишига ва такомил топишига таъсир ўтказдилар.

А.Нурмонов 1973 йилда «Ўзбек тилидаги товуш ўзгаришларида экономия принци-



пи» мавзусида номзодлик, 1983 йилда «Ўзбек тили синтаксисини система сифатида ўрганиш муаммолари» мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди. Олимнинг докторлик илмий иши ўзбек тилшунослигига янгича ёндашувни, янгича қараш ва методологияга асос бўлиб хизмат қилди. Бежизга ўзбек системавий тилшунослигининг шаклланиши ва ривожланиши А.Нурмонов номи билан боғланмайди. У анъанавий тилшунослик эришган ютуқларни юксак баҳолаган ва унинг материалларидан ўринли фойдаланган ҳолда ўзбек системавий тилшунослигини юқори босқичга олиб чиқди. Системавий-структур тилшуносликнинг функционал, глоссематик ва дескриптив мактабларининг рационал томонларини умумлаштирган ҳолда ўзига хос лингвистик концепция яратди.

Ўзбек тилшунослиги тарихида XX асрнинг охиригичораги ва XXI асрнинг бошлари муҳим давр саналади. Бу давр ўтган асрнинг 50-йилларида шаклланган ўзбек илмий тилшунослигига суюнган ҳолда шўролар тил сиёсати таъсирида намоён бўлган айрим қарашларга тақдидий баҳо бериш, замонавий тадқиқ усуулларини қўллаш ва ўзбек тилининг ўзига хос ички хусусиятларининг янгича нуқтаи назардан талқин этилиши билан характерланади.

А.Нурмонов XX аср охири – XXI аср бошларида ўзбек тилшунослиги ҳақида тўхталиб: «*Айюб Гулом асос соглан ўзбек илмий тилшунослиги ютуқларини эътироф этган ва унга таянган ҳолда ўзбек тилининг ички структур белгиларини ёритишга ёрдам берадиган янги тадқиқот методларини қўллашга интилиш кучайди*», – деб таъкидлайди ва бу тадқиқот методларини назарий жиҳатдан асослаган ҳолда амалиётга татбиқ этди. Устознинг ўзбек тилшунослиги юзасидан амалга оширган фундаментал тадқиқотлари асосидаги илмий-назарий хulosалари туркийшунослик ва умумий тилшунослик фанларига қўшилган муҳим ҳиссадир.

А.Нурмонов ўзбек тилшунослигининг фонетика ва фонология, семантика ва семиотика, морфология ва синтаксис, тил тарихи ва тилшунослик историографияси, тилшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқаси: паралингвистика ва лингвопоэтика, шунингдек, тилшуносликнинг умумназарий масалалари бўйича кенг миқёсли илмий тадқиқотлар олиб борди. Энг эътиборлиси, олимнинг барча тадқиқотлари марказида тилга систем-структур ёндашув туради. Анъанавий тилшунослик эришган ютуқлар А.Нурмонов тадқиқотлари учун амалий босқич сифатида янги назарий хulosалар чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилган. Анъанавий ва структур тилшунослик хусусида олим ўз асарида ўринли ўхшатишни қўллаб: «*Бу икки йўналиши, Маҳмуд Кошгари таъбири билан айтганда, икки улоқчи отдек ўзбек тилшунослиги аравасини баробар тортиб кетмоқда. Бу икки йўналиши бир-бирини мутлақо инкор этмайди. Аксинча, уларнинг бири иккинчисига таянади ва бири иккинчисидан озиқланади*», – деб ёzáди. Бу билан А.Нурмонов тилга систем-структур ёндашув асосида тилнинг барча сатҳларида амалга оширилаётган ислоҳотлар шу вақтга қадар мавжуд илмий тадқиқотларнинг назарий босқичи, табиат ва жамиятдаги табиий ривожланишнинг тил илмидаги кўриниши эканини таъкидлайди.

Абдулҳамид Нурмонов ўзбек тилшунослиги бўйича тадқиқотларини жаҳон тилшунослиги эришган ютуқлар ва қарашлар нуқтаи назаридан, уларга асосланган ҳолда баён этади. Ф. де Соссюр, Бодуэн де Куртенэ, В. фон Гумбольтд, В.Матезиус, В.Скаличка, Н.Трубецкой, А.Шлейхер, А.Мейе, Ч.Пирс ва бошқа назариётчи тилшуносларнинг илмий қарашлари А.Нурмонов томонидан чуқур таҳлил этилди ва уларнинг рационал томонларидан ижодий фойдаланган ҳолда ўзбек тили материалларини тадқиқ этишда муваффақиятли тарзда қўлланилди.



А.Нурмоновнинг умумий тилшуносликнинг назарий асослари заминида яратилган «Лингвистик белги назарияси» (2008), «Тилшунослик назарияси» (2008), «Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари» (2009) каби асарларида жаҳон тилшунослигига тааллуқли бўлган назарий қарашлар ўзбек тилшунослигига бевосита татбиқ этилган.

Олим ўз олдига синтактик сатҳни тадқиқ этишни асосий вазифа деб билди ва унда ҳам систем ёндашув, семантик-функционал йўналиш устуворлик касб этди. Натижада профессор А.Нурмоновнинг «Гап ҳақидаги синтактик назариялар» (1988), «Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси» (1991) (ҳаммуалифликда), «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис)» (2001) (ҳаммуалифликда) асарлари юзага келди.

Ушбу асарларда профессор А.Нурмонов гап семантикаси объектив ва субъектив маънолар муносабатидан ташкил топган нисбий бутунлик эканини эътироф этган ҳолда гапнинг объектив мазмуни инсон онгидга акс этган объектив воқелик эканини кўрсатиб, гап семантикаси таҳлилида ушбу ҳолат эътиборга олиниши зарурлигини таъкидлайди. Олим мураккаблашган гаплар хусусида тўхталиб, мураккаблашувни икки гурухга: а) ҳам шаклий, ҳам мазмуний мураккаблашувга; б) мазмуний мураккаблашувга ажратишни тавсия этади ва бунинг натижасида мураккаблашган гаплардаги мураккаблаштирувчи унсурлар мақомини белгилаб беради. Бу эса ўзбек тилшунослигига шу пайтгача ушбу синтактик ҳодисага бўлган муносабатга ойдинлик кирилади.

Абдулҳамид Нурмонов таълим тизимида она тили ўқитиши такомиллаштириш борасида ҳам самарали ишларни амалга оширган. Унинг олий таълимнинг филология ва тилларни ўқитиши таълим йўналиши талабалари учун ҳамда лингвистика мутахассислиги магистрантлари учун ёзган «Проблемы системного

исследования синтаксиса узбекского языка», «Гап ҳақидаги синтактик назариялар», «Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси», «Ўзбек тилининг фонологияси ва морфонологияси», «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис», «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология», «Тилшунослик ва табиий фанлар», «Ўзбек тилшунослиги тарихи», «Лингвистик белги назарияси», «Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари», «Тилшунослик назарияси»; «Lingvistik tadqiqot metodologiyasi va metodlari» номли дарслклари республика ОТМларида ўқитилмоқда.

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг жорий этилиши натижасида таълим тизимида узвийлик ва узлуксизлик тамоили асосида янги дарслер ва ўқув адабиётлари яратиш масаласи ўртага ташланди. Барча фанлар бўйича янги, бугунги давр руҳи билан сугорилган, такомиллашган, мукаммал дарслклар яратиш учун танловлар эълон қилинди. Умумтаълим мактаблари учун эълон қилинган «Она тили» дарслиги танловида профессор Абдулҳамид Нурмонов ҳам муаллифлар гуруҳи билан иштирок этди ва 5-, 6-, 7-, 9-синфлар учун «Она тили» дарслклари танловида ғолиб чиқди.

2005 йилдан бўён республикамизнинг таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларида қўлланиб келаётган «Она тили» дарслигининг (6-синф) «Йилнинг энг яхши дарслиги» танловида 3-ўринни эгаллагани (2010) ушбу асарнинг мутахассислар, она тили ўқитувчилари томонидан мақбул топилиб, 3 марта қайта нашр этилгани, мактаб ўқувчиларининг она тили бўйича умумназарий билимлари ва саводхонликлари ортиб бораётгани ва, энг асосиси, мамлакатимизда баркамол авлоднинг шаклланишида ўз ҳиссасини қўшаётгани дарсллик муаллифларининг илмий-ижодий ва методик салоҳияти юқори эканидан дарак беради. Айтиш мумкинки, мамлакатимиз умумтаълим



мактабларида таълим олаётган миллионлаб ўқувчилар профессор Абдулҳамид Нурмоновни «танишади», домла она тилимизнинг жозибаси, ҳар бир каломнинг маъно қирралари, оғзаки ва ёзма нутқларининг такомиллашуви бўйича республикамиз ёшларига ғойибона сабоқ бериб келмоқда.

Профессор А.Нурмонов узлуксизлик тамоилини амалда қўллаш мақсадида таълим тизимининг кейинги бўғини – академик лицейлар учун **«Ҳозирги ўзбек адабий тили»** дарслиги бўйича ўтказилган дарсликлар танловида ҳам ғолиб чиқди ва бугунги кунда ижтилоий-гуманитар йўналишдаги академик лицейларнинг 1-, 2-, 3-босқичлари Абдулҳамид Нурмонов бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан яратилган дарсликдан фойдаланиб келмоқдалар. Ушбу дарслик ҳам Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан **«Энг яхши ўқув адабиёти ва дарсликлари»** танловида 2-ўринга сазовор бўлган.

Она тилимизнинг фидойиси, ўзбек тилининг тарғиботчиси, ўзбек илмий тилшунослигининг яратувчиларидан бўлмиш А.Нурмонов Қирғизистон ҳудудидаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларнинг 5 – 11- синфлари учун Қирғизистон олий ўқув юртлари ўзбек филологияси факультети профессор-ўқитувчилари ва мактаблардаги тажрибали ўқитувчилар билан ҳамкорликда **«Ўзбек тили»** дарслигини яратди.

А.Нурмонов ўзбек тилшунослигига ўзига хос равишдаги «Андижон мактаби»ни яратади, яъни унинг раҳбарлигига 7 та докторлик, 30 дан ортиқ номзодлик илмий ишлари муваффақиятли ҳимоя қилинди. Қарийб 50 ийлилк илмий-ижодий фаолияти давомида А.Нурмонов 50 га яқин дарслик, рисола, ўқув қўлланмалари, 500 га яқин илмий ва маърифий-маънавий мақолалар нашр эттирган; ўзбек тилшунослиги, туркийшнунослик бўйича республикамизда ва хорижда ўтказилган

илмий анжуман, симпозиум, конференцияларда, давра сұхбатлари ва семинар-тренингларда иштирок этган. Олимнинг илмий ва услубий мероси жамланса, 200 босма табоқдан ортиб кетади.

Профессор Абдулҳамид Нурмонов таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан илмий, назарий ва услубий сара асарлари жамламаси сифатида уч жилдан иборат «Танланган асарлар»нинг нашр этилиши (Танланган асарлар. III жилдлик. – Тошкент: Akademnashr, 2012) ўзбек тилшунослиги тарихида катта ҳодиса бўлди. Энг эътиборлиси, ушбу мерос бугунги тил илми билан шуғулланувчилар учун ва келажакда соҳага қизиқувчилар учун (талабалар, магистрантлар, аспирантлар, докторантлар ва б. учун) қимматли манба бўлиб ҳисобланади.

«Танланган асарлар»нинг биринчи жилди А.Нурмоновнинг ўзбек илмий тилшунослиги ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилган алоҳида нашрлар йиғиндисидан иборат бўлиб, уларга «Лингвистик тадқиқот методологияси ва методлари», «Лингвистик белги назарияси», «Тилшуносликнинг бошқа фанлар билан муносабати», «Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси», «Гап ҳақидаги синтактик назариялар» каби асарлар киради.

Иккинчи жилд **«Лингвистик таълимотлар тарихи»** деб номланиб, унда энг қадимги даврлардан то ҳозирги кунгача бўлган тилшунослиқдаги энг муҳим йўналишлар, илмий мактаблар, лингвистик назариялар ва концепциялар, Европа, Америка тилшунослиги ҳамда ўзбек тилшунослиги тарихига оид қимматли маълумотлар асосида изчил таҳлил ва талқин этилган.

Профессор А.Нурмоновнинг турли йилларда илмий журнал ва тўпламларда нашр этилган ўзбек тилининг энг долзарб масалаларига бағишлиланган сара мақолалари танланган илмий асарлар тўпламининг 3-жилдидага жамланган.



Қадимги Хитой мутафаккири Конфуцийдан: «Агар сизга ваколат бериб нимани кечиктириб бўлмайдиган устувор вазифа деб ҳисоблаган бўлар эдингиз?» – деб сўралганида у: «Тилни тартибга келтириши энг зарурий вазифадир», – деб жавоб берган экан.

Истеъодли олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, «Шуҳрат» медали, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, филология фанлари доктори, профессор, буюк тилшунос олим Абдулҳамид Нурмонов ўз илмий ва назарий асарлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари, ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари бўйича маъруза ва чиқишлари билан бутун умрини она тилимизни тартибга келтиришга бағишлиди, бу билан миллат равнақи учун, қадриятимизнинг эъзози учун хизмат қилди. Олим 2015 йил 10 январда илмий-ижодий балоғат ёшида вафот этди.

Абдулҳамид ака Нурмоновни Аллоҳ раҳматига олган бўлсин, охиратларини обод қилсин.

### **ФОЗИЛЛИК ҚАСИДАСИ**

*Професор Абдулҳамид Нурмоновга*

Тилнинг нелигини билмоқ бўлсангиз,  
Элнинг кимлигини билмоқ бўлсангиз,  
Кўнгил кенглигига кирмоқ бўлсангиз,  
О ли м Абдулҳамид домлани ўқинг!

Кўрмоқчи бўлсангиз товуш рангини,  
Туймоқчи бўлсангиз сўз жарангини,  
Ювмоқчи бўлсангиз юрак зангини,  
О қи л Абдулҳамид домлани ўқинг!

Қадимги Юнон ё Римни билишни,  
Шахматда ҳиндона дона суришни,  
Истамоқ бўлсангиз, қилинг шу ишни,  
О р и ф Абдулҳамид домлани ўқинг!

Гумбольдт ва Шлейхер қалбини очар,  
Потебня, Соссюрлар нурини сочар,  
Жаҳолат чекинар, разолат қочар –  
О д и л Абдулҳамид домлани ўқинг!

Кошгариј лингвист тилшунослигин,  
Форобий, Беруний элшунослигин,  
Англайсиз Навоий дилшунослигин –  
О қи н Абдулҳамид домлани ўқинг!

Кўрмайин десангиз умр заволин,  
Кўрайин десангиз фарзанд камолин,  
Кўрсатсин десангиз Аллоҳ жамолин,  
О б и д Абдулҳамид домлани ўқинг!

Томмасин десангиз кўзингиздан ёш,  
Тоблансин десангиз сиздаги бардош,  
Бўлайин десангиз оиласа бош,  
О ш и қ Абдулҳамид домлани ўқинг!

Шогирдим фарзандим бўлсин десангиз,  
Фан менинг гапимга кўнсин десангиз,  
Уйим дўстлар билан тўлсин десангиз,  
О з о д Абдулҳамид домлани ўқинг!  
О б о д Абдулҳамид домлани ўқинг!

**Сиддиқ Мўмин,**  
**профессор**



# ЗАБАРДАСТ МУАРРИХ, ЮКСАК ФАЗИЛАТ СОҲИБИ

Сулаймон Иноятов, БухДУ профессори, т.ф.д.



Шодмон Ҳайитов ва Сулаймон Иноятов

Республика Президенти Ш.М.Мирзиёев мамлакатимиз илмий жамоатчилиги вакиллари билан учрашувдаги нутқида Ватанимизда илм-фан ютуқлари юртимиз равнақига хизмат қилишини таъкидлаб, «Олимлик – Оллоҳ нурини солган улуғ бир мартаба. Бу мартабадан жамиятнинг вужудига нур, зиё таралади», – деб уқтирди. Шу билан бирга, илм-фан ривожига улкан ҳисса қўшаётган, фан ва технологияни ривожлантираётган, Ватан тараққиёти учун кадрлар тайёрлаётган, турли соҳаларни юксалтириш учун ўз таклиф, тавсия ва фикрларини бериб келаётган устозларга мурожаат

қилиб: «Сизлардек қалби дарё, улуғ инсонлар билан бирга она Ватанимизни равнақ топтириш, юртимизда илмий муҳитни юксалтириш, халқимизда, айниқса, ёшларда илм-фанга интилишни кучайтириш, илмий-техникавий, инновацион соҳаларни янада тараққий эттириш учун келажакда ҳали кўплаб эзгу ишларни амалга оширамиз»<sup>1</sup>, – деб таъкидлади.

Бугун жонажон Ўзбекистонимизнинг илм-фани ривожига буюк ҳисса қўшаётган шундай олимлардан бири серқирра ижодий фаолият эгаси, республика ва дунё мамлакатлари тарихчилари тан олган сермаҳсул муаррих Шодмон Аҳмадович Ҳайитовдир.

Шодмон Аҳмадович Бухоро шаҳрининг атрофидаги Диосиё қишлоғида таваллуд топиб, бир қўлида таёқ, бир қўлида китоб тутиб вояга етган.

Оила сардори – Шодмон домланинг отаси зиёли инсон бўлиб, ўқитувчиликдек шарафли касбни эгаллаб, олти ўғил, уч қизни тарбиялаб вояга етказиб, барчасига олий маълумот берган. Бугун бу табаррук ва муқаддас оиласда вояга етган икки нафар фан доктори, саккиз нафар фан номзоди халқимизга хизмат қилмоқда. Улар халқимиз фарзандларига илм-фан сирларини ўргатиш билан бир қаторда фанимиз тараққиётiga муҳим ҳисса қўшиб келмоқдалар.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Илм-фан ютуқлари Ватанимиз равнақига хизмат қилсин // Миллий тараққиёт йўлнимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б.166, 179.



Намуна олса, ҳавас қиласа арзийдиган Аҳмад аканинг оиласидан отилиб чиқсан икки юлдуз, икки фан доктори, икки профессорнинг бири Шодмон Аҳмадович Ҳайитовдир.

Шодмонжоннинг ҳаёт йўли бошқалардан деярли фарқ қилмайди. Бир устунлиги – у камтарин, одобли, меҳнаткаш, чидамли, сабр-тоқатли, ҳамиша билимга чанқоқ, шеърият шайдоси, тиниб-тинчимас инсондир.

Шодмон ҳали қишлоқ мактабида ўқиб юрган пайтларидаёқ ўзининг тиришқоғлиги билан бошқа ўқувчилардан ажralиб турар, мактаб ўқитувчилари ва жамоасини қойил қолдидарди.

